

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯДА
ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР”**

**модули бўйича
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: ЎзМУ, иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси
доценти, г.ф.н. М.Назаров

Такризчи: ЎзМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси
доценти, г.ф.н. С.К. Таштаева

*Ўқув -услугий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг
қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги №3 -сонли
баённомаси)*

МУНДАРИЖА:

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	14
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	49
V. ГЛОССАРИЙ	76
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	79

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тадқиқот объекти ва предмети, таркибий тузилиши ва ундаги ўзгаришлар, замонавий тадқиқот йўналишлари, концепсиялари, тадқиқот натижалари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, амалий тадбиқи билан боғлиқ билим, кўникма ва компетенцияларни ошириш.

Модулнинг вазифалари:

- иқтисодий ва ижтимоий географиянинг назарий – методологик асослари бўйича хориж ва маҳаллий тажрибани ўрганиш;
- иқтисодий ва ижтимоий географиянинг замонавий тадқиқот йўналишлари – аҳоли ва унинг ижтимоий ҳаёт шароитларини тадқиқ қилиш, социал ва маданий география,

геоурбанистика, жаҳон хўжалик тизимларининг ривожланиши концепсиялари ва тенденцияларини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва минтақавий сиёсат масалалари ва бошқалар бўйича назарий ва амалий билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- иқтисодий ва ижтимоий географиянинг объекти ва предметидаги ўзгаришлар ҳамда замонавий назария ва концепцияларни *билиши* керак.

- аҳолини худудий ташкил этиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда замонавий назария ва концепцияларни амалиётга тадбиқ этиш;

- география таълимида илғор педагогик технологияларни қўллаш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

- иқтисодий ва ижтимоий географиянинг замонавий йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва олинган натижаларни амалиётда қўллай олиш;

– географиянинг замонавий йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш ва олинган натижаларни амалиётда қўллай олиш *малакаларига* эга бўлиши лозим.

– географик тадқиқотларда ГАТ (GIS) технологияларидан фойдаланиш;

– география фанининг хориж ва республикамиздаги муаммолари, ечимлари ва ривожланиш йўналишлари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

– олий таълим географик фанларининг мазмунини республикамиздаги таълимнинг барча бўғинларидаги географик билим ва илм билан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги
 “Иқтисодий ва ижтимоий географияда замонавий йўналишлар” модули мазмуни ўқув режадаги “Табиий географияда замонавий йўналишлар ва тадқиқотлар”, “Геотизмлар назарияси” ва “Аҳоли географияси ва демография асослари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнидаги касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида иқтисодий ва ижтимоий географиянинг замонавий йўналишларига доир тадқиқотлар ва уларнинг натижаларидан фойдаланиш ҳамда амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юклармаси		
		Жами	жумладан	
			Назарий	Амалий
1.	Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркибий тузилиши, фанлар тизимида тутган ўрни ва алоқалари. Тадқиқот объекти ва предметидаги ўзгаришлар, асосий термин ва тушунчалари, категориялари	2	2	
2.	Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг назарий-методологик масалалари	2	2	
3.	Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотлар бўйича замонавий назария ва концепциялар	2	2	
4.	Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, илмий-назарий ҳамда амалий аҳамияти	2	2	
5.	Аҳоли ва ижтимоий-географик тадқиқотлар. Аҳолини ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш	2		2
6.	Шаҳарларни географик ўрганиш ва георбанистика муаммолари. Жаҳон ҳўжалиги тизимининг ривожланиш концепциялари ва тенденциялари	4		4
7.	Социал ва маданий география. Сервис географияси	4		4
8.	Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва минтақавий иқтисодий сиёсат масалалари	2		2
	Жами:	20	8	12

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркибий тузилиши, фанлар тизимида тутган ўрни ва алоқалари. Тадқиқот объекти ва предметидаги ўзгаришлар, асосий термин ва тушунчалари, категориялари.

1.1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркибий тузилиши ва фанлар тизимида тутган ўрни ва алоқалари.

1.2. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тадқиқот объекти ва предметидаги ўзгаришлар, асосий термин ва тушунчалари, категориялари.

2-Мавзу: Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг назарий-методологик масалалари

- 2.1. Географияда фронтал ва фундаментал тадқиқотлар.
- 2.2. География фанининг ижтимоийлашуви, иқтисодийлашуви.
- 2.3. География фанида дифференциация ва интеграция жараёнлари.

3-Мавзу: Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотлар бўйича замонавий назария ва концепциялар

- 3.1. Иқтисодий ва ижтимоий географияда районлаштириш масалалари.
- 3.2. Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари.
- 3.3. Геосиёсий ва сиёсий-географик тадқиқотлар.

4-Мавзу: Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, илмий-назарий ҳамда амалий аҳамияти.

- 4.1. Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг мазмуни, илмий-назарий аҳамияти.
- 4.2. Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Аҳоли ва ижтимоий-географик тадқиқотлар. Аҳолини ва ишлаб чиқаришни худудий ташкил этиш (2 соат).

- 1.1. Аҳоли ва ижтимоий-географик тадқиқотлар.
- 1.2. Аҳолини ва ишлаб чиқаришни худудий ташкил этиш.

2-амалий машғулот. Шаҳарларни географик ўрганиш ва геоурбанистика муаммолари. Жаҳон хўжалиги тизимининг ривожланиш концепциялари ва тенденциялари (4 соат).

- 2.1. Шаҳарларни географик ўрганиш ва геоурбанистика муаммолари.
- 2.2. Жаҳон хўжалиги тизимининг ривожланиш концепциялари ва тенденциялари.

3-амалий машғулот. Социал ва маданий география. Сервис географияси (4 соат).

- 3.1. Социал ва маданий география.
- 3.2. Сервис географияси.

4-амалий машғулот. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва минтақавий иқтисодий сиёсат масалалари (2 соат).

- 4.1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш.
- 4.2. Минтақавий иқтисодий сиёсат ва унинг географик хусусиятлари.

Мустақил таълим

Тингловчи мустақил ишни модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича куйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги ЎРҚ-303-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 16 мартда қабул қилинган «Аҳолини рўйхатга олиш ўғрисида»ги ЎРҚ-611 Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 июлда қабул қилинган «Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-626-сонли Қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим

муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

20. [A.S.Soliyev](#), N.K.Komilova, S.L.Yanchuk, Sh.Z.Jumaxanov, F.T.Rajabov. Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya. Darslik. 2019.

21. Abdunazarov O'.Q., Mirakmalov M.T., Sharipov Sh.M., Ibraimova A.A. Umumiy tabiiy geografiya. Darslik. Toshkent, 2019.

22. Абдурахманов Қ.Х., ва бошқалар. Демография. Дарслик. - Т.: «Fan va texnologiya», 2014.-368 б.

23. Абдурахманов Қ.Х., ва бошқалар. Демография. Дарслик. - Т.: «Fan va texnologiya», 2014.-368 б.

24. Basil Gomez, John Paul Jones. Research Methods in Geography. A Critical Introduction. United Kingdom. Wiley-Blackwell Publishing Ltd. 2010.

25. Colin Flint, Peter J. Taylor. Political Geography: World-economy, Nation-state and Locality. Taylor & Francis, 2012.

26. Dr.S.Harichandan, Dr.Asam Shaik, Mrs. Sujana Sunni. Methodos of teaching geograph. English,2009.– 93p.

27. Elmar Kulke. Wirtschaftsgeographie. Herstellung: 2004, Ferdinand Schoningh, Paderborn. München, Deutschland.

28. Goudie A. Physische Geographie. Heidelberg, Berlin. Spektrum Akademischer Verlag. 2002.

29. Ibragimova R.A., Mirakmalov M.T. Yer bilimi asoslari. O'quv qo'llanma. Toshkent, 2017. – 186 b.

30. Jennifer Hickes Lundquist, Douglas L. Anderton, David Yaukey. Demography: The Study of Human Population Fourth Edition. - 2014.

31. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.

32. Michael Pacione. Urban Geography: A Global Perspective Kindle Edition. England, 2012.

33. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

34. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography. Second Edition. SAGE Publications Ltd. London EC1Y1SP. 2010.

35. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

36. Peter Haggett. Geographie: Eine Globale Synthese. Verlag Eugen Ulmer, Stuttgart 2004.

37. Rachel Pain. Introducing Social Geographies. Routledge, UK, 2001.

38. Richard J. H. Fundamentals of Geomorphology. Second Edition. London and New York. Routledge. 2011. – 466.

39. Robert E.Gabler, James F.Petersen, L.Michael Trapasso. Essentials of Physical Geography. Thomson Brooks/Cole. Thomson Higher Education 10 Davis Drive Belmont, CA 94002-3098 USA. 2007.

40. Sergey M. Govorushko. Natural Processes and Human Impacts. Interactions between Humanity and the Environment Springer Dordrecht Heidelberg London New York Springer Science+Business Media B.V. 2012.
41. Rafiqov A.A., Sharipov Sh.M. Geoekologiya. – T.: Universitet. 2017. – 144 b.
42. Soliyev A., Tashtayeva S., Egamberdiyeva M. Shaharlar geografiyasi.-T.,2018.
43. Tojiyeva Z. Aholi geografiyasi. Darslik. - Toshkent.: “Nodirabegim”, 2019.- 252 b.
44. Vahobov H. Umumiy Yer bilimi. Darslik. –T.: Bilim, 2005.
45. Vincent J. Del Casino, Jr. Social Geography: A Critical Introduction Wiley-Blackwell, USA. 2009.
46. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
47. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. - 572b.
48. Zokirov Sh.S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. T.: Turon zamin ziyo, 2016.
49. Анохин А.А., Житин Д.В. География населения с основами демографии: Учебное пособие. – СПб. Изд-во СПбГУ, 2018. – 279 с.
50. Архангельский В.Н., Зверева Н.В. Теоретические основы мониторинга региональной социально-демографической политике. - М.:МАКС Пресс, 2009.-220.
51. Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Зокиров С.С. Аҳоли географияси демография асослари билан. – Т.: Тафаккур, 2011. – 159 б.
52. Второв П.В., Дроздов Н.Н. Биогеография. – М.: Владос, 2001.
53. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
54. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.
55. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы. - Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
56. Колбовский Е.Ю. Ландшафтное планирование: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / Е.Ю.Колбовский. – Москва. «Академия», 2008.
57. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.
58. Ласточкин А.Н. Основы общей теории геосистем. Кн. 1 и 2. Учебное пособие. Изд-во.Петербургского ун-та. 2016 – 132 с.
59. Маматқулов М. Ўрта Осиё геоморфологияси. —Т.: Университет, 2008.
60. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методлар ва амалиёт. – Т.: Камалак, 2013.
61. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. -Новосибирск, 1978.
62. Тожиева З.Н., Дўсмонов Ф.А. Демография. Ўқув қўлланма.–Т.: “Нодирабегим”, 2019.
63. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
64. Ҳасанов И., Гуломов П.Н., Қаюмов А. Ўзбекистон табиий географияси (2-қисм). Ўқув қўлланма.-Т.: Университет, 2010.

II. Интернет сайтлар

65. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
66. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

67. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
68. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
69. <http://uzgeo.uz> – Ўзбекистон География жамияти.
70. www.geogr.msu.ru – МГУ географический факультет.
71. www.spbu.ru – Санкт-Петербургский государственный университет факультет географии и геоэкологии.
72. www.igu-online.org – Халқаро география жамияти.
73. www.rgs.org – The Royal Geographical Society (with the Institute of British).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади”— инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетига амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Ассисмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент”лардан маъруза машғулотида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб,

ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Янгилик — бу:

- A) Хабар
- B) Маълумот
- C) Далил
- D) Об-ҳаво маълумоти



Қиёсий таҳлил

Экология ва ландшафт, қурилиш, саноат экологияни қиёсий таҳлил қилинг.



Тушунча таҳлили

Шафарсозлик ва экологик архитектурани изоҳланг...



Амалий қўникма

Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг экологик асосларини аниқланг

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали фойдаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.

1-МАВЗУ: Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркибий тузилиши, фанлар тизимида тутган ўрни ва алоқалари. Тадқиқот объекти ва предметидаги ўзгаришлар, асосий термин ва тушунчалари, категориялари

РЕЖА:

1.1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркибий тузилиши ва фанлар тизимида тутган ўрни ва алоқалари.

1.2. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тадқиқот объекти ва предметидаги ўзгаришлар, асосий термин ва тушунчалари, категориялари.

Таянч иборалар: *География, география фанлари тизими, иқтисодий география, ижтимоий география, табиат, ҳудуд, аҳоли, географик ўрин, объект, предмет, ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодиёт, хўжалик.*

1.1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркибий тузилиши ва фанлар тизимида тутган ўрни ва алоқалари

Замонавий иқтисодий ва ижтимоий география ёки кенг маънодаги ижтимоий география жамият ҳаётининг ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланишининг турли жиҳатларини ўрганувчи комплекс географик фан сифатида ҳозирги замон фанлар тизимида ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Жамият тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар фақат вақт (давр) давомида кечмайди, улар айни пайтда муайян жойда, яъни маконда ҳам содир бўлади. Ижтимоий ривожланишнинг ана шундай ҳудудий жиҳатлари география фанининг тадқиқот доирасига киради. Бирок, жамият ривожини билан уни ўрганувчи фанларнинг тадқиқот объекти ҳам мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Бу табиий ва ўз-ўзича қонуний ҳолдир.

Маълумки, ҳар қандай фан ўз тадқиқот объектига ва ўзининг предметига эга бўлиши керак. Бу ерда объект серқирра борлик, ҳодиса ва воқеалар бўлиб, у биргина фан учун эмас, балки кўп фанлар бирикмасига хизмат қилади. Фото ёки киноаппарат, видеокамера объективи барча борлиқни қамраб олади ва унда бизни қизиқтирмайдиган нарсалар ҳам ўз аксини топиши мумкин. Ваҳоланки, ҳар бир фан ҳодиса ёки воқеаларни ўзининг хусусияти ва моҳиятидан келиб чиқиб фақат бир томонини ўрганади. Ана шу “бир томони”, ёки жиҳати ҳар қайси фаннинг **предмети** ҳисобланади ва у аниқ нарса ёки воқеа ҳодисани ўрганишини билдиради.

Демак, объект кенг қамровли тушунча, предмет эса нисбатан тор ва аниқ маънода

бўлиб, у шу объектнинг қайси қисмини ўрганишни англатади. Бу борада қатор мисоллар келтириш мумкин. Масалан, аҳоли, айна пайтда иқтисодчилар, демографлар, этнографлар, социологлар, географлар, тиббиётчилар, ҳуқуқшунослар ва бошқа фан вакиллари кизиқтиради. Аммо ҳар қайси фан “ўз бурчагидан” ёки бошқача қилиб айтганда, ўз мақсад ва вазифаси доирасида аҳолини ўрганади. Жумладан, иқтисодчилар учун аҳоли бу асосий ишлаб чиқариш куч, меҳнат қилувчи субъект сифатида кўрилади; этнографларни аҳолининг кизиқтирувчи томони унинг миллий урф-одати, кийиниши, анъаналаридир, демограф эса, аҳолининг такрор барпо этилиши, унинг табиий ва миграцион характери (туғилиш, ўлим, кўчиб юриш), никоҳ, ажралиш ва бошқа томонларини илмий асосда таҳлил қилади ва ҳ.к.

Замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг **объекти** авваллари *маълум бир мамлакат ёки районнинг хўжалиги ва аҳолиси, ишлаб чиқариш кучларининг жойланишидан* иборат бўлган бўлса, кейинчалик у *хўжалик ва аҳолининг ҳудудий таркиби ёки тизими, ҳудудий ижтимоий - иқтисодий мажмуалар (комплекслар)* шаклини олди. Шунга мувофиқ, ушбу **фаннинг вазифаси** ҳам ўзгариб борди: илгари асосий эътибор қарда нима борлигини ўрганишга қаратилган бўлса, ҳозирги кунда эса нима учун у ёки бу воқелик айнан шу жойда вужудга келганлигини илмий асосда изоҳлаб ва баҳолаб берилиши талаб этилади. Бундай қонуниятларни чуқур англаш фаннинг амалий аҳамиятини янада оширади. Чунки, у энди турли йирикликдаги ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг таҳлилдан уларнинг таъҳисига, ундан эса прогноз ва бошқариш даражасига кўтарилмоқда.

Жамият тараққиёти, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ва жойланишидаги жараёнлар иқтисодий география объектнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Шунга мос равишда бу фаннинг тадқиқод предмети ва вазифалари ҳам такомиллашиб боради. Айна пайтда бундай эволюцион жараёнлар фан номини замон талабига мувофиқлашувига олиб келади. Бинобарин, анъанавий *иқтисодий география* аста-секин *иқтисодий ва социал географияга*, у эса, ўз навбатида, янада мураккаброқ ва мужассамроқ шаклга - *ижтимоий географияга* айланмоқдаки, бу ушбу фанни жаҳон миқёсидаги андозаларига мослаштиради.

Умуман олганда, “иқтисодий география” тушунчасини дастлаб улуғ рус олими М.В.Ломоносов XVIII асрнинг 60-йилларида ишлатган. Лекин фан сифатида кейинчалик бошқалар томонидан яратилган¹. Иқтисодий география фани таърифини биринчилар қаторида немис олими Алфред Вебер 1909 йилда берган. Унинг фикрича, бу фан

¹ Хорижда “Иқтисодий география” тушунчасини, Ю.Г.Саушкин фикрича, биринчи бор 1882 йилда Ф.Ратцелнинг шогирди немис олими В. Готц томонидан қўлланилган.

“худудларнинг иқтисодий хусусиятлари, функцияси”ни ўрганади.

XX асрнинг 70-йилларида анъанавий иқтисодий география иқтисодий ва ижтимоий (социал) географияга айланди. Кейинчалик бу фаннинг турли қирраларини акс эттирувчи инсон, гуманитар, социал, ижтимоий география каби номлар пайдо бўлди. Ҳозирда Россия ва айрим МДХ мамлакатларида у “Иқтисодий, социал, сиёсий ва рекреация географияси” деб расман юритилади. Бу номга маданий география, туризм ва бошқа нотабий географик йўналишлар ҳам киришга даъвогар бўлиб туришибди. Шу сабабдан, фикримизча, фан номини бундай мураккаблаштирмасдан уни бир сўз билан “Ижтимоий география” деб белгилаш маъқулроқ бўлса керак. Бироқ, бу ерда “ижтимоий” сўзи социал сўзи билан маънодош эмас, аксинча у кенгроқ тушунча ҳисобланади.

Айтиш жоизки, мазкур фаннинг муайян бир барқарор, барчани қаноатлантурувчи таърифи йўқ. Бунинг сабаби — география фанининг кенг қамровлиги, объект ва номининг даврлар мобайнида ўзгариб туришидир. Шу билан бирга, иқтисодий география таърифларининг кўпчилигида ишлаб чиқариш кучлари, уларнинг жойлашиш *хусусиятлари* таъкидланади. Булар ушбу фаннинг ўзак тушунчасига, аксиомасига айланиб қолган. Албатта, бу бежиз эмас, чунки иқтисодиётнинг асосини ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодий географиянинг моҳиятини эса уларнинг жойлашув хусусиятлари белгилаб беради. Қолаверса, ривожланиш фақат аниқ бир жойда, маконда амалга ошади, шу боис, *жойланиш ривожланишининг ҳудудий инъикосидир*.

Масалага бундай ёндашув, назаримизда, иқтисодий географиянинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ. Маълумки, ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш муаммолари даставвал Европада, хусусан Германияда немис олимлари И. Тюнел, А. Вебер, А. Лёш, В. Кристаллер ва бошқалар томонидан кўриб чиқилган. Аммо, улар ўзларининг жойлаштириш (штандинг) ғояларининг натижасини «иқтисодий география» деб таърифлашмаган. Аксинча, бу масалалар кўпроқ ҳудудий иқтисод ёки геоиқтисод доирасида, иқтисодиёт фанининг бир қисми сифатида қаралган.

Ўйлаймизки, ҳозирги кунда ҳам фаннинг таърифида «ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви» иборасини қолдириш мумкин, зеро ҳар қандай жойлаштириш муайян бир ҳудудда амалга оширилади. Бироқ фанимизнинг бугунги предмети учун бу кифоя қилмайди; у энди иқтисодийгина эмас, балки иқтисодий ва социал, ижтимоий география мақомини олмоқда. Шу сабабдан бундай тор таъриф фаннинг номи билан мазмунини, сурати билан сийратини, шакл ва моҳиятини мувофиқлаштиролмайди.

Тўғри, “ишлаб чиқариш кучлари” энг аввало унинг субъекти, эгаси бўлган аҳолини ҳам ўз ичига олади. Лекин бу ерда аҳоли асосан ишчи кучи мазмунида, яъни иқтисодий категория шаклида назарда тутилади. Инсон, унинг ижтимоий ҳаёти, социал

муносабатлари эса бу ибора камровидан четда қолади. Бусиз фан илгаригидек иқтисодий, яъни **ишлаб чиқариш географияси** бўлиб қолаверади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ва ижтимоий география таърифини тахминан шундай бериш мумкин. **Иқтисодий ва ижтимоий география мустақил фан сифатида турли мамлакат ва районларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланиши хусусиятлари ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзининг ҳудудий жиҳатларини ўрганади (проф.А.Солиев)**. Қисқача қилиб эса, *ижтимоий географияни жамият ҳаёти ва фаолиятини ҳудудий ташиқил этиши тўғрисидаги фан*, деб таърифлаш тўғри бўлади. Шубҳасиз, келтирилган таъриф ҳам мутлоқ аниқликка даъвогар бўлмасада, у иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларни ўз доирасига олган ҳолда, фаннинг туб моҳиятини ўзида акс эттиради ва уни тўла ифодалаб беради.

Берилган таърифнинг эга ва кесими, аниқловчиси ва тўлдирувчиси, яъни биринчи ва иккинчи даражали бўлаклари мавжуд. Чунончи, агар ушбу ифодадан гапнинг эгаси - **“турли мамлакат ёки район”, “ҳудуд”** тушунчалари олиб ташланса, у ҳолда географияга ўрин қолмайди. Бинобарин, айнан ана шу иборалар ушбу таърифнинг географияга тааллуқлилигидан далолат беради. Худди шундай **“хусусият”** (кесим) сўзи ҳам география учун ўта муҳимдир, чунки фаннинг асосий ва пировард мақсади ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви, инсон ҳаёт тарзининг турли районлардаги ўзига хос ва бетакрор хусусиятини очиб беришдан иборатдир (тарихда ҳам худди шундай — жамият тараққиётидаги турли даврлар хусусияти аниқланмаса, ушбу фан ўз моҳиятини йўқотади). Зеро, **ҳамма жойда бор нарса географияда мутлақо бўлмаслиги керак**. Агар ҳамма жой бир хил рангда текис, бир хил даражада бўлганда географиянинг ҳам, қолаверса, жамият ривожланишининг ҳам ўзи бўлмас эди.

Юқоридаги фан таърифининг кенгайиб кетмаслиги учун унга мажмуалар ёки комплекслар (тизимлар) ғояси киритилмади. Аслида эса иқтисодий ва ижтимоий география ўзи ўрганаётган воқеаликни муайян ҳудудда ва фақат алоҳида - алоҳида эмас, балки ўзаро алоқадорликда, яъни маълум бир ҳудудий мажмуа ва тизимлар доирасида кўради.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий география ва умуман география фанининг тадқиқот объекти эволюцион тарзда ўзгариб, кенгайиб кичик масштабли кўринишни эгаллаб борган. Бундай жараён қисман Буюк географик кашфиётлар билан ҳам боғлиқ бўлган ва у дунёни, катта-катта ҳудудларни билиш, улар билан танишишга қаратилган. Эндиги шароитда, Ер юзида барча жойлар очилиб, ўзлаштирилиб бўлингандан сўнг, кичик ҳудудларни **йирик масштабли тадқиқот асосида ўрганиш** ва тўпланган билимлар

илмий жиҳатдан умумлаштирилиши, турли ҳудудий қонуниятлар аниқланиши зарур бўлиб қолди. Бундай **методологик ёндашув** чуқур ва аниқ илмий хулосаларга олиб келади. Масалан, деярли бутун Ғарбий Европага тенг келувчи Ғарбий Сибир ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси эмас, балки нисбатан кичик майдонларда бундай ҳудудий мажмуаларнинг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари, қонуниятларини тадқиқ қилиш муҳимроқ ва амалийроқ бўлиб қолди. Умуман олганда эса, **каттада кичикни, кичикда каттани кўра билиш, кўп ва турли масштаби географик тадқиқотларнинг асосий тамойилларидан, талабларидан бири ҳисобланади**. Шу боис, юқорида берилган таърифни янада мукаммаллаштирган ҳолда, яъни: **“иқтисодий ва социал география ишлаб чиқариш кучларини турли мамлакат ёки районларда ривожланиш ва жойланиш хусусиятлари ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзини ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимлар (мажмуалар) доирасида ўрганади”**, деб ифодалаш мумкин.

Сўнги йилларда иқтисодий ва социал географияни *ижтимоий география* деб аташга мойиллик сезилиб турибди². Бу, биринчидан, фаннинг ўзини ички ривожланиш қонуниятлари, ундаги дифференциация ва интеграция жараёнлари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ушбу фан номини ривожланган мамлакатлардаги шаклига мувофиқлаштириш билан асосланади. Дарвоқе, кўпгина хорижий мамлакатларда фанализ айнан шундай: ижтимоий, гуманитар ёки инсон географияси сифатида расман қабул қилинган.

Ҳозирги даврда иқтисодий ва ижтимоий география ўз ичига учта йирик блокка мансуб фан тармоқларини қамраб олади. Булар, **биринчи блок** – иқтисодий, ёки ишлаб чиқариш географияси (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш ва б.); **иккинчи блок** – социал-иқтисодий география (аҳоли, аҳоли пунктлари, меҳнат ресурслари, миграция, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси ва б.); **учинчи блок** – социал география (тиббиёт, жиноятчилик, дин, ҳуққ-атъвор, турмуш тарзи, туризм ва б.).

Бундан ташқари, яна бир масалага эътибор бериш зарур. Маълумки, географиянинг бош фалсафий масаласи **табиат билан инсон (жамият)** ўртасидаги муносабат ва алоқадорликни ўрганишдан иборатдир. Бу иккиликнинг бири - табиатни ўрганувчи фанлар туркумини “табиий география” деб юритилиши ҳеч кимда шубҳа қолдирмайди. Аммо унинг иккинчи бўлаги, яъни инсон ёки жамият масалаларини тадқиқ этувчи фанни бир сўз билан қандай ифодалаш мумкин? Бу ерда «иқтисод» сўзи ҳеч мос келмайди ва у табиатга “муқобил” тура олмайди. Иқтисод ва ҳаёт, иқтисод ва сиёсат бўлиши мумкин, бироқ **табиат ва иқтисод бирлиги, жуфтлиги асло қовушмайди**. Бинобарин, ана шу

² “Социал” сўзи ўзбек тилида кўпинча “ижтимоий” маънода қўлланилади. Ваҳоланки, бундай эмас; улар айрим ҳолларда мустақил қўллаш ҳуқуқига эга; социал (тор) жамоани, ижтимоий (кенг) эса жамиятни англатади.

мантикий мулоҳаза нуқтаи назаридан ҳам нотабиий географик фанлар мажмуини инсон, жамият географияси ёки янада тўғрироғи *ижтимоий география* деб юритиш мақсадга мувофиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодий ва социал географияни ижтимоий география шаклида ифодалаш собиқ Иттифоқда ҳам кўпчилик олимлар - Ю. Г. Саушкин, В. М. Гохман, С. Я. Ниммык, М. Д. Шаригын ва бошқалар томонидан анча йиллар муқаддам ишлатилган эди.

Барча фанларда бўлганидек, география, шу жумладан, ижтимоий географияда дифференциация (турланиш) жараёни кетмоқда. Шу боис, мамлакатимизда жаҳоннинг илғор давлатларидаги бой тажрибалар, янги илмий йўналишлар ҳам жорий этилса, бўлажак ёш мутахассислар замон талаби даражасида тайёрланган бўлади.

География фанининг яна бир ажойиб ва бетакрор жиҳати унинг интеграция салоҳиятининг кучлилиги, синтез қилиш қудратидир. Қамрови кенг бўлган география жуда кўп фанлар билан “қўшничилик” қилади ва туташ мавқега эга. Улар жумласига тарих, биология, геология, социология, демография, иқтисодиёт, экология, психология, ҳуқуқшунослик, шаҳарсозлик, тиббиёт ва бошқалар киради. Демак, география ушбу фанлар билан алоқада ва бу унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бошқача қилиб айтганда, географлар учун турли фанлар қиррасида янги-янги тадқиқот йўналишлари ва ютуқларга эришиш имконияти мавжуд. Чунки *география фани барча фанлар тизимида қулай “географик ўринга” эга*, у марказда (махражда) ва шунинг учун қолган кўпчилик фанлар аксарият холларда география билан тўқнашади ҳамда ўзаро алоқадорликда янги тадқиқот ва йўналишларга пойдевор яратади.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. География фанлари тизими ва унда иқтисодий ва ижтимоий география фанининг мавқеини тушунтиринг.
2. Замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркибий тузилиши эволюциясини қисқача изоҳланг.
3. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятига баҳо беринг.
4. Замонавий иқтисодий географиянинг шаклланиши ва ривожланишида хориж, собиқ иттифоқ ҳамда мамлакатимиз тажрибасини тушунтиринг.
5. Замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг шаклланишида муҳим пойдевор ролини ўтаган хорижий ва маҳаллий илмий концепцияларни санаб беринг.

Қўшимча тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Spens N., Owens A. Methods of geographical analysis. Published by: University of London, 2007. Reprinted with minor revisions 2011.
2. Изард У. Методы регионального анализа: введение в науку о регионах. Изд.: «Прогресс», Москва, 1966.
3. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. М: ГУ - ВШЭ, 2001, 2003.
4. Анна Баттимер. Путь в географии. – М.: Прогресс, 1990.
5. Асанов Г. Р. Социал – иқтисодий география. Термин ва изоҳли тушунчалар лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 248 б.
6. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избранные труды. – М., 1980.
7. Зокиров Ш., Тошев Х. География тарихи. – Бухоро, “Дурдона”, 2015.
8. Колосов В.А. Геополитика и политическая география. – М., 2002.
9. Максаковский В.П. Историческая география мира. – М., 1999.
10. Поросенков Ю.В., Поросенкова Н.И. История и методология географии. – Воронеж, 1991.
11. Саушкин Ю.Г. История и методология географической науки. – М.: МГУ, 1980.
12. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. – М., 1984.
13. Солиев А., Ахмедов Э. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.: Университет, 2003.
14. Солиев А. Иқтисодий география: назария, метод ва амалиёт. – Т., 2013.
15. Солиев А. Худудий мажмуаларнинг назарий асослари. - Тошкент: Университет, 2007.
16. Солиев А. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: Университет, 2014.
17. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси). Т., 2009.
18. Социально-Экономическая география: понятия и термины. – Смоленск, 2013.
19. Скопин А.Ю. Введение в экономическую географию. – Смоленск., 2013.
20. Трофимов А.М. Шарыгин М.Д. Общая география (Вопросы теории и методологии). – Пермь, 2007.
21. Алаев Э. Б. Социально-экономическая география: Понятийно-терминологический словарь / Э.Б. Алаев. – М.: Мысль, 1983. -350 с.
22. Голубчик М.М. История географии : учеб. пособие / М.М. Голубчик, С.П. Евдокимов, С.Н. Максимов. – Смоленск : Изд-во Смолен. гум. ун-та, 1998. -224 с.
23. Голубчик М.М. Политическая география мира. Учеб. Пособ. Смоленск, 1998.

2-МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

РЕЖА:

- 2.1. Географияда фронтал ва фундаментал тадқиқотлар.
- 2.2. География фанининг ижтимоийлашуви, иқтисодийлашуви.
- 2.3. География фанида дифференциация ва интеграция жараёнлари.

Таянч иборалар: Назария, методология, табиат, жамият, ҳудуд, география, иқтисодий география, фундаментал тадқиқот, дифференциация, интеграция, географик синтез, социаллашув.

1.1. Географияда фронтал ва фундаментал тадқиқотлар

География фанининг бир бутунлиги ва, айтилишича, унинг икки қаноти – табиий ҳамда иқтисодий (аниқроғи – ижтимоий) географиянинг мавжудлиги ушбу фаннинг фронтал ривожланишини таъминлаб беради. Географиянинг бош фалсафий масаласи - **табиат ва жамият ўртасидаги ҳудудий муносабатлар** экан, табиатни табиий география, жамиятни эса иқтисодий эмас, кенг қўламли ижтимоий география ўрганади.

Таъкидлаш жоизки, дастлабки табиий географик билимлар ижтимоий географиядан кўра олдинроқ вужудга келган, чунки табиат жамият шаклланишидан аввалроқ ҳам бор эди. Ижтимоий (иқтисодий) география фанининг вужудга келиши эса ижтимоий, сўнгра ҳудудий меҳнат тақсимотини ривожланиши ва шу асосда савдо-сотиқ, хунармандчилик билан боғлиқ бўлган. Эҳтимол, табиий географиянинг юқоридаги генетик хусусияти унда дифференциация жараёнининг олдинроқ юзага келишига олиб келган. Чунинчиси, геология ва табиий география қиррасида геоморфология, физика билан табиий география ўртасида иқлимшунослик, метеорология каби фанлар ривожланиб борган. Кейинчалик табиий географиянинг эволюцион тараққиётида ландшафтшунослик катта аҳамият касб этган ва у ушбу фаннинг марказидан жой олган. Зеро ландшафт барча табиий географик жараёнларни, уларнинг натижаларини ўзида мужассамлаштиради.

Иқтисодий география фанининг, бизнингча, *уч тарихий манбаси* бор. Уларнинг энг биринчиси, албатта, **табиий география** ҳисобланади. Сабаби, иқтисодий географик тадқиқотларнинг дастлабки йўналиши – қишлоқ хўжалиги ёки, ҳозирги замон тили билан айтганда, агрогеография, хусусан деҳқончиликнинг чорвачиликдан ажралиб чиқиши ва, айниқса, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши бевосита табиий географик омиллар, яъни жойнинг тупроғи, ҳарорати, намлик кўрсаткичлари таъсирида вужудга келган. Худди шундай, табиий географик омиллар асосида ўрмон хўжалиги, балиқчилик, тоғ-кон

саноати сингари иқтисодиёт йўналишлари ривожланган.

Ҳозирги иқтисодий (ижтимоий) география фанининг қолган икки генетик манбаи сифатида **немис статистикаси** ва **немис штандорт назариялари** хизмат қилган. Статистика, яъни дастлабки ҳолатдаги унинг мазмуни – **давлатшунослик** негизида сиёсий ва унинг бир йўналиши – ҳарбий география ҳам шаклланган. **Штандорт назарияси (И.Тюнен, А.Вебер, В.Кристаллер, А.Лёш** ва бошқа олимлар ғоялари) эса бевосита ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви, унинг омиллари ва қонуниятларини ўрганувчи турдош фанлар: иқтисодий география ҳамда анча кейин “майдонга чиққан” минтақавий иқтисодиётнинг вужудга келишида назарий асос ҳисобланган.

Шу ўринда эслатиш лозимки, иқтисодий географиянинг фанлар тизимидаги ўрни, унинг айна пайтда **ҳам табиий, ҳам ижтимоий** фанлар тизимига мансублиги бу фаннинг тарихий ривожланиб боришида ўзига хос хусусиятларни касб этган. Масалан, иқтисодий география дастлаб статистика, иқтисодиёт таркибига кирган ва фақат XX асрнинг 30 – йилларида у **статистика – тармоқ** йўналишидан **районлар** йўналишига ўтган (унинг асосчилари - Н.Н.Баранский, С.В.Бернштейн-Коган). Ушбу йўналишнинг ҳаддан ташқари тез ривож топиши, кичик-кичик ҳудудлар, турли миқёсдаги иқтисодий районлар тавсифланишига ҳам устувор аҳамият берилиши, айна вақтда, иқтисодиёт тармоқларига эътиборни анча сусайтирди. Ваҳоланки, ҳар қандай иқтисодий географик тадқиқот тармоқ ва ҳудудий (район) ёндашувларнинг ўзаро уйғунлашуви, “тармоқ – ҳудуд – тармоқ – ҳудуд” тизимида олиб борилишини тақозо этади ва бу ҳақиқат мазкур фаннинг **методологик талабларидан биридир.**

Тармоқ йўналишининг географлар томонидан бутунлай унутилиши ёки унга эътиборнинг кучсизланиши “ҳудуд - тармоққа” урғу берилишининг ортида методологик бўшлиқ, вакуум ҳосил бўлишига олиб келган ва бу “эгасиз” қолган жойда қисман ҳудудий фикрловчи иқтисодчилар ёки иқтисодий фикрлаши устунроқ бўлган географлар томонидан гибрид фан – **минтақавий иқтисодиёт** вужудга келган. Бу фанларнинг вужудга келиши катта баҳс – мунозараларга сабаб бўлган ва оқибатда ўзаро келишувга келинган: ёки бошқача қилиб айтганда, минтақавий иқтисодиёт – географийлашган иқтисодиёт, иқтисодий география – иқтисодийлашган география сифатида эътироф этилган.

Сирасини айтганда, **минтақавий иқтисодиётнинг назарий асоси иқтисодий география ҳисобланади.** Қолаверса, XX–асрнинг 60–йилларида “Минтақавий фанлар уюшмасининг” асосчиси Пенсильвания университети география факультетининг декани У.Айзард (Изард) бўлган. 1970 – йилларда собиқ Иттифоқ Давлат режалаштириш қўмитасининг раиси, дастлабки “Минтақавий иқтисодиёт” монографиясининг муаллифи

Н.Н.Некрасов эса таникли иқтисодий географ Н.Н.Колосовскийнинг шоғирди бўлган.

Иқтисодий географиянинг минтақавий иқтисодиёт билан ўзаро “талашуви” унинг тарихий илдизи ва доимий яқин сафдоши бўлган табиий географиядан бироз узоқлаштирди. Баъзи етакчи иқтисодий географлар иқтисодчилар орасида “географ”, ўзларининг география жамоасида эса “иқтисодчи” бўлиб қолишди. Аслида бундай эмас, иқтисодий география илм – фан маконида ўзига муносиб, мустақил ижтимоий мавқеи, нуфузига эга.

Иқтисодий географик тадқиқотларнинг деярли барчаси у ёки бу даражада, албатта, табиий география маълумотларига таянади, уларга иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан баҳо берилади. Ҳар қандай географ ўз тадқиқотида бевосита ёки билвосита табиий географик омилларга мурожаат қилади. Бу унинг энг муҳим касбий сифати бўлиб, айнаи вақтда илмий детерминистик дунёқарашга ҳам мос келади. Профессор З.М.Акрамов ва у яратган агрогеографик тадқиқотлар йўналишининг вакиллари Р.Ҳодиев, Т.Эгамбердиев, С.Саидкаримов, М.Юсупов, А.Рўзиев, Е.Умаров, А.Содиқов, Қ.Алланов, М.Маҳмудова ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида табиий географик омиллар, хусусан агроиқлимий ресурслар бевосита иштирок этган.

Ўзбекистонда бажарилаётган иқтисодий географик тадқиқотларнинг аксариятида жойларнинг табиий географик хусусиятлари ҳисобга олинади. Бинобарин, иқтисодий географияга бу борада эътироз билдириш ноўриндир. Жумладан, Т.Жумаевнинг тоғ ҳудудлари географияси, Ю. Аҳмадалиевнинг ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича олиб бораётган тадқиқотлари, Ш.Жумахоновнинг дарё-сой ҳавзаларида аҳоли жойлашув тизимининг шаклланиши, З.Тожиеванинг ҳудудларнинг демографик сифими ҳақидаги изланишлари, Н.Комилова ва М.Ҳамроевларнинг тиббий география, З.Райимжоновнинг “ресурс шаҳарлар”, Т.Шотўраев ва Ш.Азимовларнинг сув омборлари, Х.Турсуновнинг урбоэкология, Б.Зиёмухамедовнинг рекреация, М.Усмоновнинг туризм географияси, А.Сатторовнинг Сурхондарё вилояти кишлоқ аҳоли пунктларининг жойлашуви, А.Мавлоновнинг чўл ҳудудлари шаҳарлари, П.Қурбоновнинг Жанубий Ўзбекистон минтақасида урбанизация жараёни, А.Баратовнинг ирригация тизимларидан фойдаланишга оид илмий ишлари табиий географик омиллар билан сингдирилган. Бундай мисоллар қаторини яна кенгайтириш мумкин. Умумий хулоса шундан иборатки, иқтисодий географик тадқиқотлар табиий географига “содиқ” ҳолда иш тутадилар. Аммо, акс вазият ҳам шундай-ми? Табиий географик тадқиқотлар ҳам иқтисодий географик хулоса ва тавсияларга олиб келадими, уларга “чиқадими”? Фикримизча, ҳар доим ҳам бундай мувозанат, муносабат (паритет), афсуски, унча кузатилмайди.

Таъкидлаш жоизки, Л.Бабушкин, Ф.Мўминов, Т.Мухторов, А.Абдуллаев,

А.Абулқосимов, П.Баратов, Ш.Зокиров, А.Маматов, А.Рахматуллаев, А.Соатов, Б.Камолов, Ф.Ҳикматов, И.Назаров, А.Низомов, Р.Усмонова каби табиий географлар ва гидрологларнинг илмий ишлари иқтисодий географик мазмун ҳам касб этади. Айниқса, А.Рафиқовнинг мелиоратив географияси, Ҳ.Ваҳобовнинг муҳандислик географияси, А.Абулқосимов ва унинг издошларини антропоген ландшафтлар ҳақидаги тадқиқотлари иқтисодий географияга анча яқин туради. Инсон ва ишлаб чиқариш таъсирида табиий муҳитнинг ўзгариши, ёмонлашуви ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари геоэкологик йўналишнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Ижтимоий-иқтисодий мақсадларни, натижаларни кўзда тутиш барча табиий географик изланишларда ҳам мавжуд эмас. Ҳар ҳолда жойнинг ер усти тузилиши ёки иқлими, тупроғи, гидрогеографияси, ўсимлик ва хайвонот дунёси ўз-ўзича эмас, пировард натижада аҳоли ва унинг яшаш шароити, хўжалик тармоқларининг жойланиш ёки жойлаш-тириш имкониятлари нуқтаи назаридан тавсиф, тадқиқ ва таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ.

Географ учун мамлакатимиз иқлимнинг континенталлиги ёки унинг геосиёсий ўрни, денгиз ва океанлардан узокда жойлашуви, ер усти тузилишини шунчаки билиш муҳим эмас, энг муҳими бундай иқлимий ва бошқа географик шароитнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий оқибатлари, уларнинг мамлакатимиз ривожига таъсирини чуқур англашдир.

Ҳозирда табиий ва иқтисодий (ижтимоий) географик тадқиқотларнинг ўзаро мужассамлашуви муҳим **фундаментал** аҳамиятга эгадир. Бундай жиҳатлар ўтмишда В.М.Четиркин, ҳозирда эса В.Федорко илмий ишларида кўриш мумкин. Хусусан, унинг табиий-хўжалик районлаштириш тўғрисидаги илмий ишлари табиий ҳамда иқтисодий-ижтимоий географик ёндашувнинг ўзаро уйғунлашуви асосида олиб борилмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, бугунги фанларнинг дифференциялашуви ва интеграциялашуви шароитида тадқиқотчининг қайси бир йўналишни кўпроқ билиши, унга ихтисослашуви талаб этилади.

Сўнги йилларда **географик синтез**, бу фаннинг синтез қудрати ҳақида кўп гапирилади. Аммо ҳар қандай синтез тизим-таркиб ва гносеологик нуқтаи назардан анализ, яъни таҳлилсиз бўлмайди; бир бутунликни билиш учун аввал уни алоҳида қисмларга ажратиб ўрганиш ва шу асосда умумий хулоса чиқариш, қонуниятларни аниқлаш зарур. А.Гумбольдтнинг тўлиқ географик фикрлаши ҳам айнан шундай **методологик ёндашувдан** келиб чиқади. Бинобарин, география фани ва тадқиқотларни, унинг табиий ва ижтимоий қисмларисиз талқин ва ташфиқ қилиш ҳақиқатга зиддир. Географияни ҳам барча фанлар қаторида кўриш, ижтимоий нуфузини кўтариш учун уни чексиз рақам ва фактлардан қутқариш, номенклатур йўналишдан воз кечиш керак.

Афсуски, географияда фактлар кўп, ғоялар эса оз; нимагадир ўқувчилар мактабда И.Ньютон, Пифагор ёки Ч.Дарвин, К.Линней, Фарадей каби олимлар яратган қонуниятлар, ихтироларни билишади-ю, географияда фақат “энг-энг” кўрсаткичларни (энг узун дарё, энг катта орол, энг чуқур жой, энг баланд чўққи, энг кўп автомашиналар ёки телевизор ишлаб чиқарадиган давлат ва ҳ.к. ва б.) куруқ ёдлаб олишга мажбур қилинади.

Географик синтез ички ва ташқи, кўп қатламли бўлади. Биринчиси ушбу фаннинг ички тузилмаси, уларнинг **ўзаро интеграциясида**, иккинчиси, бошқа фанлар билан алоқасида намоён бўлади. Бу иккиликда, бизнингча, энг аввало, фанимизнинг мустаҳкам ва мустақил бўлиши учун унинг ички, горизонтал ва вертикал алоқалари ривожланган бўлмоғи зарур. Бу хусусда ҳам икки босқич бор: биринчиси – табиий ва ижтимоий географик фанлар таркибидаги алоҳида фан ёки йўналишларнинг **ўзаро интеграцияси** бўлса, иккинчиси – табиий ва ижтимоий географиянинг ўзаро муносабати назарда тутилади. Табиий географияда ички дифференциация жараёнлари, фанларнинг турланиши аввалроқ бошланган ва ҳозирги кунда бироз сусайган. Иқтисодий географияда эса бундай жараён кечроқ бошланиб, бугунги кунда жадал давом этмоқда.

Анънавий иқтисодий география **аҳоли ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси** орқали иқтисодий ва социал географияга, сўнгра унинг **ижтимоий географияга айланишига** тиббиёт, жиноятчилик, таълим, маданият географияси каби йўналишларнинг вужудга келиши мисол бўла олади. Бунга **иқтисодий географиянинг ижтимоийлашуви**, ижтимоий соҳаларнинг мураккаблиги ва кўп қирраллиги сабаб бўлмоқда.

Географик синтезнинг юқори ёки иккинчи даражаси унинг ташқи, фанлараро алоқаларига асосланади. Бу борада айтиш жоизки, фанимизнинг “географик ўрни” ҳам ўзига хос, қулай. Модомики, қачон ва қаерда **ҳудуд** тўғрисида сўз борар экан, унинг эгаси албатта география бўлганидек, бу фан жуда кўп бошқа фанлар билан алоқа қилади, фақат уларнинг ҳудудий жиҳатлари бўлиши зарур. Бинобарин, *қатор фанларнинг ўз эгаси бор ва, шу билан бирга, уларнинг умумий мужассамловчи бир эгаси бор, у ҳам бўлса географиядир.* Бу фан, фалсафий дунёқараш нуқтаи назаридан, кўпчилик фанларнинг (биология, тупроқшунослик, тиббиёт, иқтисодиёт, сиёсат, демография, психология, социология ва б.) “умумий махражи” ҳисобланади. Сабаби, ҳар қандай ҳодиса ёки воқеалик маълум бир вақтда (даврдан, замондан) ва муайян бир жой – маконда, яъни **ҳудудда, яъни географияда** содир бўлади. Шунинг учун ҳам биологияга турдош ўсимликлар ва ҳайвонлар географияси ёки геоботаника ва зоогеография каби шунга ўхшаш бошқа фанлардан “қўшалок” йўналишлар вужудга келган. Геоморфология, метеорология ва иқлимшунослик, геоэкология, геосиёсат, минтақавий иқтисодиёт, нозогеография,

геопсихология, геокриминология, урф-одат географияси (“поведенческая география”), топонимика сингари фан ёки илмий йўналишлар ҳам мавжуд ва уларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда.

Шундай қилиб, фронтал ва фундаментал географик тадқиқотлардаги табиий ва ижтимоий географиянинг тенг ҳуқуқлик ҳамкорлиги, уларнинг ички тузилмасини жипслиги ва мустақамлиги, бир бутунлиги, умумий география фанининг “ташқи” алоқалари унинг синтез салоҳиятини кучайтиради, илмий ва амалий аҳамиятини, ижтимоий нуфузини кўтаради. Аммо омма тасаввурида география бу асосан табиий география, харита ёки тоғу-тошлар, чўлу-биёбонлар билан шуғулланадиган оддий ўқув предмети сифатида сингиб кетган. Бундай номувофиқликни, жўшқин табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаракатларга бой олам сирларини билувчи география фанимизни ноҳақ камситишни бартараф этиш география таълими ва тадқиқотларида жиддий ўзгаришларни талаб қилади. Бу борада ўқувчиларда ҳам табиий, ҳам ижтимоий-иқтисодий географик замонавий билимларни уйғунлаштирган ҳолда шакллантирувчи илмий ишланмалар ҳамда ўқув адабиётларини яратиш ҳам шу куннинг долзарб масаласидир.

Назарий саволлар:

1. Замонавий иқтисодий географик тадқиқотларнинг методологик асосларини тушунтиринг.
2. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий тадқиқот усулларини изоҳланг.
3. Географик синтез ва унинг мазмуни.
4. Сўнги йилларда иқтисодий географик тадқиқотларда ижтимоийлашув жараёнлари сабабларини аниқланг.
5. Ижтимоий география фанида дифференциация ва интеграция жараёнларининг мазмуни ва боришини тушунтиринг.

Қўшимча тавсия этиладиган адабиётлар:

24. Spens N., Owens A. Methods of geographical analysis. Published by: University of London, 2007. Reprinted with minor revisions 2011.
25. Изард У. Методы регионального анализа: введение в науку о регионах. Изд.: «Прогресс», Москва, 1966.
26. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. М: ГУ - ВШЭ, 2001, 2003.
27. Анна Баттимер. Путь в географии. – М.: Прогресс, 1990.

28. Асанов Г. Р. Социал – иқтисодий география. Термин ва изоҳли тушунчалар луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 248 б.
29. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избранные труды. – М., 1980.
30. Зокиров Ш., Тошев Х. География тарихи. – Бухоро, “Дурдона”, 2015.
31. Колосов В.А. Геополитика и политическая география. – М., 2002.
32. Максаковский В.П. Историческая география мира. – М., 1999.
33. Поросенков Ю.В., Поросенкова Н.И. История и методология географии. – Воронеж, 1991.
34. Саушкин Ю.Г. История и методология географической науки. – М.: МГУ, 1980.
35. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. – М., 1984.
36. Солиев А., Ахмедов Э. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.: Университет, 2003.
37. Солиев А. Иқтисодий география: назария, метод ва амалиёт. – Т., 2013.
38. Солиев А. Худудий мажмуаларнинг назарий асослари.- Тошкент: Университет, 2007.
39. Солиев А. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: Университет, 2014.
40. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси). Т., 2009.
41. Социально-Экономическая география: понятия и термины. – Смоленск, 2013.
42. Скопин А.Ю. Введение в экономическую географию. – Смоленск., 2013,
43. Трофимов А.М. Шарыгин М.Д. Общая география (Вопросы теории и методологии). – Пермь, 2007.
44. Алаев Э. Б. Социально-экономическая география: Понятийно-терминологический словарь / Э.Б. Алаев. – М.: Мысль, 1983. -350 с.
45. Голубчик М.М. История географии : учеб. пособие / М.М. Голубчик, С.П. Евдокимов, С.Н. Максимов. – Смоленск : Изд-во Смолен. гум. ун-та, 1998. -224 с.
46. Голубчик М.М. Политическая география мира. Учеб. Пособ. Смоленск, 1998.
47. Хаггет П. География: синтез современных знаний / П. Хаггет. – М.: Прогресс, 1979. – 684 с.

3-Мавзу: Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотлар бўйича замонавий назария ва концепциялар

РЕЖА:

- 3.1. Иқтисодий ва ижтимоий географияда районлаштириш масалалари.
- 3.2. Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари.
- 3.3. Геосиёсий ва сиёсий географик концепциялар.

Таянч иборалар: *иқтисодий район, категория, ихтисослашув, худудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий географик район, худудий ишлаб чиқариш мажмуалари, сиёсий география, геосиёсат, концепция, геосиёсий концепция.*

1.1. Иқтисодий ва ижтимоий географияда районлаштириш масалалари

Хориж иқтисодий географиясининг етакчи илмий назария ва концепциялари қаторига *иқтисодий районлаштириш, худудий ишлаб чиқариш мажмуалари, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш “штандорт” назарияси, худудий меҳнат тақсимоти* кабилар мансуб. Улар мазкур фан доирасида амалга оширилган тадқиқотларнинг муҳим илмий-назарий пойдеворини ташкил қилади.

Худудий меҳнат тақсимоти ва унинг доимий “йўлдоши” бўлган ихтисослашув натижасида иқтисодий районлар шаклланади. Улар эса мамлакат иқтисодиётининг худудий таркибини ташкил қилади. Аммо худудий таркиб фақат иқтисодий районлар тўридан иборат эмас, у маъмурий бирликлар, табиий географик ва гидрографик омиллар асосида ҳам белгиланиши мумкин.

Иқтисодий районлар минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий сиёсатнинг объекти ҳисобланади. Агар илгари иқтисодий районлаштириш халқ хўжалигини планлаштириш мақсадида ажратилган бўлса, ҳозирги шароитда улар ишлаб чиқаришни худудий ташкил қилишнинг асосий шакли, давлат минтақавий сиёсатининг объекти, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни тартибга солиб бориш ва бошқариш учун зарур. Қолаверса, иқтисодий районларсиз мамлакат хўжалиги ички тузилиши, худудий таркиб ва тизими географиясини ўрганиш ҳам қийин. Айнан ана шу мақсадларда иқтисодий районлаштиришнинг амалий аҳамияти янада ошиб бормоқда. Масалан, Россия Федерациясида 11 та йирик иқтисодий районлар негизида еттига федерал округлар ажратилган. Ўзбекистонда ҳам иқтисодий районлаштириш мамлакатни ижтимоий-сиёсий ташкил этиш ва бошқариш учун зарур.

Иқтисодий районлаштириш мамлакат худудининг катта-кичиклигига унчалик

боғлиқ эмас, энг муҳими иқтисодий макон ички жиҳатдан турланган, ҳудудий меҳнат тақсимооти ривожланган бўлиши талаб этилади. Ички тафовутлар қанчалик катта бўлса, иқтисодий районлар тўри ва тизими ҳам шунча ривожланган бўлади. Чунончи, майдони жуда катта бўлган, алоҳида қитъада жойлашган Австралия мамлакатада асосан 4 та иқтисодий район ажратилади, холос, ваҳоланки, унга қараганда анча кичик бўлган Европа давлатларида бир қатор районлар шаклланган.

Иқтисодий районларнинг турлари ва шакллари кўп; улар бутун мамлакат ҳудудини ўз ичига олиши (унда майдон, иқтисодий аҳамиятидан қатъий назар, турли қисмларга бўлинади) ёки унинг алоҳида жойларида, яъни дискрет ҳолда ажратилади. Бундан ташқари, иқтисодий районлар **умумий (интеграл) ва тармоқ районларга** бўлинади. Шунингдек, мамлакат ҳудуди ижтимоий-иқтисодий ва социал районларга ҳам ажратилиши мумкин. Аммо, бу районларнинг ҳудудий кўлами бир-биридан фарқ қилади; одатда, иқтисодий районларга кўра ижтимоий-иқтисодий районлар кичикроқ, улардан эса социал районлар янада кичикроқ бўлади. Бундай фарқлар ҳар хил турдаги районлардаги район ҳосил қилувчи омилларга боғлиқ.

Баъзан иқтисодий районлар *иқтисодий географик районлар* деб ҳам юритилади. Бу ерда жиддий фарқ кўринмайди, зеро ҳар қандай район ўз моҳият ва мазмунига кўра ҳудуд ёки географиядир. Шу боис, “география” атамасини ишлатиш зарурияти йўқ.

Иқтисодий районлар турли омилларга қараб ажратилади. Улар қуйидагилар:

- Ҳудудий меҳнат тақсимооти ва ҳудудий ихтисослашув;
- Бозорга мўлжалланган товар маҳсулот ишлаб чиқариш, бозор маконининг шаклланганлиги;
- Табиий шароит ва қазилма бойликлар, уларнинг ҳудудий бирикмалари;
- Аҳоли ва меҳнат ресурслари;
- Район ҳосил қилувчи ва уни ташкил этувчи марказнинг ёки марказларнинг мавжудлиги;
- Иқтисодий географик ўрин;
- Транспорт тўрининг ривожланганлиги;
- Минтақавий инфратузилма ва инвестиция муҳитининг шаклланганлиги ва ҳ.к.

Иқтисодий район ўзига хос ҳудудий мажмуа ва ҳудудий тизимни ташкил этади. Албатта, бу ерда район, комплекс ва тизим (система) тушунчалари айнан бир мазмунга эга эмас, аммо уларнинг бир-бирларига яқинлигини ҳам инкор этиш ноўриндир. Ҳар қандай иқтисодий район комплекс, ҳудудий мажмуа принципига асосланади. Бу комплекслик, энг аввало, турли даража ва аҳамиятга эга бўлган тармоқларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзаро мувофиқлашган ҳолда мутаносиб ривожланишида ўз ифодасини топади. **Ҳар бир районда**

ихтисослашган, яъни бозор аҳамиятига эга бўлган тармоқ ва тармоқлар, уларни тўлдирувчи ёрдамчи, иккинчи даражали тармоқлар ва маҳаллий эҳтиёжларга қаратилган маҳаллий бозорни тўйинтирувчи тармоқлар бўлади. Шу 3 бўғиннинг қайси бири шаклланмаган бўлса, у ҳолда тўлақонли иқтисодий район шаклланмайди.

Ҳар бир йирик иқтисодий район базавий тармоқларга эга бўлишлари керак. Уларга, масалан, электроэнергетика, қурилиш индустрияси ва агросаноат мажмуаси кабилар киради. Айти вақтда бу тармоқлар юқоридаги 3 гуруҳдан иборат бўғинларнинг бирига ҳам кириши мумкин.

Демак, ана шу мазмунда иқтисодий районни ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси шаклида талқин қилса бўлади. Аммо реал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари билан район ишлаб чиқариш мажмуалари бир хил эмас; биринчиси, ҳақиқий борлиқ бўлса, иккинчиси кўп жиҳатдан маъмурий-бошқарув маъносидаги мажмуадир. Жумладан, Ангрэн-Олмалик ёки Қарши ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари билан Тошкент вилояти ёки Қашқадарё ҳудудий мажмуалари бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, иқтисодий районда бир эмас, бир неча ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари бўлиши ва, айти вақтда, мажмуа ҳосил қилувчи тармоқлар ҳам мавжуд бўлади. **Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари** иқтисодий районларнинг ўзагини, асосини ташкил қилади, аммо районнинг ўзи эмас.

Иқтисодий район ҳудудий мужассамлашув ва ҳудудий ихтисослашувнинг ўзаро уйғунлашган, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ҳудудий ташкил қилиш, ушбу жараён иқтисодий самарадорлигини оширувчи муҳим омил ёки шаклдир. Зеро, ҳар қандай иқтисодий район бирор бир хўжалик тармоғини бошқа жойларга қараганда бу ерда кўпроқ тўпланганлиги, мужассамлашганлиги, ривожланлиги демакдир.

Иқтисодий районлаштиришнинг энг қадимий йўналиши қишлоқ хўжалигини жойлаштириш билан боғлиқ. Сабаби, қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари, яъни унинг ареалсимонлиги макроиқтисодиётнинг бошқа тармоқларига кўра яққол кўзга ташланади. Шу боис, минтақавий иқтисодиёт, иқтисодий география ва иқтисодиёт тарихи кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини районлаштириш ва жойлаштириш тарихи билан белгиланади. Ўзбекистонда ҳам бу борадаги илмий тадқиқотлар даставвал айнан ана шу тармоқни жойлаштириш ва районлаштириш билан бошланган (В.М.Четиркин, К.Н.Бедринцев, Н.Г.Цапенко, З.М.Ақрамов, К.И.Лапкин, Қ.Н.Абирқулов, Р.А.Ҳодиев ва бошқаларнинг тадқиқотлари).

Ўз мазмунига кўра иқтисодий район мамлакат маъмурий-ҳудудий таркибини ташкил этиш ва бошқаришда катта амалий аҳамиятга эга. Аммо, бу ерда маъмурий-ҳудудий масалаларнинг айрим ҳолларда субъективлиги, юқоридан ташкил

килиниши ва иқтисодий районлаштиришнинг “ичкаридан”, объектив ҳолда шаклланиши ўртасида номувофиқликлар келиб чиқади. Маъмурий бирликлар чегараси ва сони тез-тез ўзгариб туради, иқтисодий район эса анча турғунликка эга. Бинобарин, **мамлакатни маъмурий районлаштириш билан уни иқтисодий районлаштиришни тўғри йўлга қўйиш муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммодир.** Шу жиҳатдан ҳам қараганда, иқтисодий районлаштириш ва иқтисодий районлар ўз илмий ва амалий аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари (ҲИЧМ) собиқ Иттифоқ иқтисодий-ижтимоий географиясининг жаҳон аҳамиятига эга бўлган нуфузли назарий ютуқлардан биридир. Бунда рус олими Н.Н.Колосовскийнинг хизмати катта. XX асрнинг йигирманчи йилларида ГОЭЛРО, яъни Россияни электрлаштириш давлат режаси доирасида И.Г.Александров иш олиб боришда ва, айниқса, ДнепроГЭС лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида район комбинатлари ҳақидаги ўзининг назариясини яратди. Ўттизинчи йилларда эса бу муҳим масалани у аниқлаштирди, чуқур ўрганиб **район ишлаб чиқариш комбинатларини** барпо этиш лозимлигини таъкидлади. Н.Н.Колосовский И.Г.Александровнинг район ишлаб чиқариш комбинатлари тўғрисидаги таълимотидан Урал, Сибир ва Қозоғистон каби йирик районлар мисолида амалий фойдаланди, уни бойитди ва шу асосда ўзининг район комплекслари (комбинатлари, мажмуалари) тўғрисидаги илмий ғоясини шакллантирди. Бу, албатта, илгаригига қараганда янги бир кадам олға фикр эди.

Н.Н. Колосовский 1947 йилда худудий ишлаб чиқариш (аниқроғи, ишлаб чиқаришнинг худудий бирикмалари, комплекслари) мавзуида мақола чоп эттирди. Унинг фикрича, бу назариянинг асосий моҳиятини маълум бир худудда ёки иқтисодий районда алоҳида танлаб олинган **ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли пунктларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланиши ва жойланиши** ташкил этади. У ишлаб чиқаришнинг худудий мажмуасини иқтисодий география фанининг таркибий қисми эканлигини қайта-қайта таъкидлади ва, айти пайтда, маълум худудда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналар йиғиндиси ҳамма вақт ҳам комплекс (мажмуа) бўла олмайди, деб уқтирган. Бундай оддий худудий жойлашиш группировкани ташкил этади, холос. Демак, ҳар қандай худудий мажмуа бу гуруҳ, аммо ҳар қандай гуруҳ мажмуа бўлавермайди.

Кейинчалик ҲИЧМ назариясини ривожлантиришга Н.Н.Баранский, Н.Т.Агафонов, А.Г.Аганбегян, М.К.Бандман, Н.Н.Некрасов, Ю.Г.Саушкин, Т.М.Калашникова, М.Н.Степанов, А.И.Чистобаев, А.Т.Хрушев, М.М.Паламарчук, М.Д.Шарыгин, З.М.Акрамов, С.К.Зиёдуллаев, А.Г.Батигин, К.Н.Бедринцев каби бир қатор олимлар ўз хиссаларини қўшдилар.

Н.Н.Колосовский ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ибораси иқтисодий районлар тўғрисидаги тушунча ўрнини эгалламаслиги керак; бу иқтисодий районларнинг “ядроси”ни ташкил этади, холос, деб уқтирган эди. Дарҳақиқат, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари мазмун ва сифат жиҳатдан, ишлаб чиқариш корхоналарини маълум бир нуқтадаги ёки жойдаги турғун бирикмаси сифатида иқтисодий районлардан фарқ қилади.

Сўнгги йилларда бундай қараш биров ўзгарди: умуман олганда, ҳар қандай босқичдаги иқтисодий районлар ҳам ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари шаклида кўрилса бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси, Фарғона водийси, Наманган вилояти ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва ҳ.к. Савол туғилиши мумкин: ҳақиқатда ёки реал воқеликда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси қаерда вужудга келади ва ҳар қандай жойнинг ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмасини мажмуа деб аташ мумкинми? Бу ерда, бизнинг фикримизча, масалага ҳар томонлама ёндошиш керак ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг турли хил бўлишини унутмаслик лозим.

Албатта, иқтисодий район хўжалиги ўзининг мазмун - моҳияти ва мақсадига кўра ҳар томонлама (комплекс) ривожланиши лозим. Ана шу нуқтаи назардан иқтисодий районлар хўжалигини реал ёки потенциал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида кўриш мумкин. Бу ерда биз тушунмовчиликка имконият қолдирмаслик мақсадида бундай ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини “**маъмурий районлар даражасидаги мажмуалар**” деб юритишни таклиф этамиз. Н.Н.Колосовский айтган маънода, яъни маълум бир жойда аҳоли пунктлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро боғлиқ ҳолда жойланиши ва ривожланиши асосида вужудга келган мажмуалар эса том маънода ёки “**анъанавий ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари**”, деб аталиши тўғрироқ. Н.Н.Колосовский шогирдларидан бири **М.К.Бандман** бундай ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларни мамлакат аҳамиятига молик, муҳим бир муаммони ҳал этишга, бир мақсадга қаратилган *дастурли ёки муаммоли мажмуалар*, деб атайди. Улар, одатда, реал воқеликда вужудга келади ва маъмурий чегараларга кўпинча мос келмайди. Сабаби-мазкур ҳудудий мажмуалар асосида қандайдир табиий географик объектлар, масалан, дарё хавзалари, қазилма бойликлар, тоғ, чўл ва бошқалар ётади.

Аммо ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари қайси маънода тушунилмасин, улар иқтисодий географияни ўрганишда, **иқтисодий географик тадқиқотларда** энг муҳим ва самарали назариядир. **Бу район хўжалигини муайян тизим даражасида қараши ва уни таркибий тузилиши бўйича таҳлил қилиши, ишлаб чиқариш корхоналари орасидаги алоқадорликни назарда тутати.**

Том маънодаги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари асосан янги

Ўзлаштирилаётган районларда, улкан табиий бойлик ва, айниқса, ёқилғи-энергетика заҳиралари негизда вужудга келиши билан тавсифланади. Табиийки, тарихий ривожланиш давомида аввал ўзлаштирилган ерларда вужудга келган хўжаликнинг ҳудудий таркибини мажмуага айлантиришга қараганда, янги, “соф” ёки “бўш” жойда бу мақсадга эришиш осонроқдир. Мажмуа яратувчи тармоқ сифатида эса кўпроқ ёқилғи-энергетика саноати асос бўлиб хизмат қилиши ҳам, шубҳасиз, бир ҳолдир. Масалан, Россия Федерациясидаги Братск ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасини олайлик (унинг дастлабки лойиҳасини Н.Н.Колосовский раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи яратган). Бу ерда йирик 4 млн. кВт. дан ортиқ қувватга эга бўлган сув электр станцияси қурилди ва бўлажак сув омбори майдонини ўрмондан тозалаш мақсадида ёғоч-целлюлоза саноати вужудга келди. Арзон электроэнергиянинг мавжудлиги энергияни кўп истемол қилувчи тармоқларни ўзига “тортди” ва, натижада, бу ерда учинчи йирик корхона-алюминий заводи барпо этилди. Рангли металлургия ва ўрмон саноати яна “занжирсимон” тарзда бошқа корхоналар қурилишини (жумладан, машинасозлик, кимё) тақозо этди.

Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳам тизим-таркиб ғоясига кўра кўп босқичли, поғонасимон бўлади. Бунда бирламчи элемент сифатида оддий корхона хизмат қилади. Саноат асосида вужудга келган ҳудудий мажмуаларнинг негизини, бирламчи элементини саноат корхонаси ташкил қилади ва у завод ёки фабрика кўринишида бўлади.

Шундай қилиб, ҲИЧМларнинг илмий назарий асослари таниқли олим Н.Н.Колосовский томонидан яратилди. У ушбу масалани иқтисодий районлаштириш муаммолари билан боғлиқ равишда ўрганди. Умуман олганда, Н.Н.Колосовскийнинг бундай дунёқарашига унинг транспорт (темир йўл транспорти) муҳандиси эканлиги ва география учун анъанавий аҳамиятга эга бўлган комплекс ёндашувининг уйғунлиги асос бўлди; “ҳудуд + комплекс” ишлаб чиқаришнинг ҳудудий бирикмалари ёки мажмуаларини ташкил этади.

Чиндан ҳам комплекс-мажмуанинг³ илмий-амалий аҳамияти катта.

Чунончи, у:

- табиий шароит ва табиий ресурслардан атрофлича фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни мумкин қадар чиқиндисиз йўлга қўйиш;
- ишлаб чиқаришни тизим-таркиб асосида ҳудудий ташкил қилиш;
- иқтисодий география ва унинг асосий тушунчаси бўлган иқтисодий районларни ўрганиш;

³ “Комплекс” - байналмилал тушунча бўлиб, у бирикма, бирлашма, мажмуа, у ёки бу ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорликда, таъсирда мавжудлигини англатади.

- иқтисодий районлар хўжалиги таркибини қайта қуриш ва бошқаларда аҳамиятлидир.

Демак, ишлаб чиқариш тармоқларини маълум иқтисодий маконда ўзаро алоқадорликда жойлаштириш, транспорт омилини эътиборга олиш, барча ёрдамчи тармоқларни (ҳозирги замон тилида-инфратузилма шаҳобчаларини) умумий тарзда ташкил этиш катта иқтисодий самарадорликга олиб келади.

ҲИЧМ - муайян географик нуқта ёки алоҳида районда, унинг табиий ва иқтисодий шароитлари, транспорт ва иқтисодий географик ўрнига мувофиқ корхоналарни тўғри танлаб олиш ва жойлаштириш ҳисобидан иқтисодий самарадорликга эришадиган ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш шаклидир.

ҲИЧМ-лар ғояси, биринчидан, иқтисодий районлар хўжалигини комплекс ривожлантириш ва, иккинчидан, Н.Н.Колосовскийнинг Урал-Кузнецк комбинати (УКК) ва Байкалбўйи (“Ангаркурилиш”) комплекслари лойиҳаларини яратиш ва уларни амалга тадбиқ этиш жараёнида юзага келди. Ушбу тушунча илк бор Иркутск-Черемхово мажмуасига нисбатан ишлатилди. Албатта, бунда муаллифнинг мухандисларга хос фикрлаши, транспорт-темир йўл қурилиши мутахассиси бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг, Россия (собиқ Иттифок) иқтисодий география фанининг ҲИЧМлар ва иқтисодий районлар тўғрисидаги ютуғини ҳатто ривожланган мамлакатлар-**АҚШ** ва **Германия** ҳам тан олган; бевосита муаллифнинг ўзи 1948 йилда Францияда ушбу муаммолар ва уларнинг амалий ечими ҳақида илмий маърузалар қилган.

Шундай қилиб, иқтисодий география фанининг учта асосий тушунчаси: иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва энергия ишлаб чиқариш цикллари машҳур олим, география фанлари доктори, профессор Николай Николаевич Колосовскийга тааллуқли.

Иқтисодий география ўзининг эволюцион тараққиётида бир неча босқичларни босиб ўтди. У дастлаб *тасвирловчи* функцияни бажарган бўлса, кейинчалик иқтисодий географиянинг *аналитик* хусусияти кучайди, ҳодиса ва воқеалар фақат тасвирланмасдан, улар илмий таҳлил асосида таърифланди ва тавсифланди. Мазкур фан ривожланишининг учинчи босқичи *синтез*, яъни таҳлил натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш (диагностика) билан боғлиқ бўлди. Ҳозирги кунда эса иқтисодий географияда *прогноз ва бошқарув* (ҳудудий менежмент), *жамиyat* ва *ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш* функциялари ҳам ривожланмоқда.

Минтақавий хавфсизлик тизимини яратиш кейинги ўн йилликдаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Ушбу мавзу нафақат назарий, балки кўпроқ амалий аҳамиятга эга эканлиги халқаро муносабатларда унинг долзарблигини янада кучайтиради.

Чунки шўро тизими ҳамда Варшава шартномасининг парчаланиши оқибатида Евроосиё қитъасида кўплаб янги давлатларнинг пайдо бўлиши, ер юзидаги энг улкан қитъада кучларнинг стратегик мувозанатининг қайтадан тақсимланишини тақозо этди. Россия улкан худудини сақлаб қолган бўлсада, бугунги кунда ўзининг илгариги қудратини тиклашга уринмоқда.

Геосиёсий тадқиқотларга кўра Евроосиёда кечаётган барча геосиёсий жараёнлар тарихан шаклланган қатъий қонуният асосида қитъанинг марказига интилишга қаратилган. Бунга биринчи жаҳон ва иккинчи жаҳон урушлари яққол мисолдир. Бундан ташқари, кейинги жаҳон урушидан сўнг авжига чиққан қуролланиш пойгаси ҳам геосиёсий тадқиқотларда акс этган ер юзида минг йиллардан давом этиб келаётган икки куч қарама-қаршилигини ифода этади. Кенг маънода «хартленд» ва «римленд» ўртасида зиддият, бошқача айтганда “ер юраги”га интилиш бугунги кунда ҳам юз йиллардан бери давом этиб келаётган геосиёсий жараёнларни белгилаб бермоқда. Бу жараёнлар геосиёсатчи олимлар томонидан чуқур илмий тадқиқотлар орқали ўрганилган ва айнан ушбу изланишлар кўпгина ҳарбий ҳаракатларининг назарий асоси бўлиб хизмат қилган.

Ер юзидаги энг қудратли давлатлар айнан геосиёсий тадқиқотлар асосида ўз ташқи стратегиясини қуришган, ташқи сиёсат борасида муҳим қарорлар айнан геосиёсатчиларнинг қатъий маслаҳатларига таянган ҳолда амалга оширилган. Буни Британияда ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида яшаб ўтган Хэлфорд Маккиндер ҳамда ўтган асрнинг сўнгги чорагида алоҳида шов-шувга сабаб бўлган геосиёсатчи олимлар С.Хантингтон, Ф.Фукуяма ёки З.Бжежинскийлар мисолида яққол кузатиш мумкин.

Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти ва унинг хавфсизлиги тўғрисида ҳам даставвал исмлари қайд этилган хорижлик мутахассислар ва геосиёсатчилар атрофлича фикр билдиришган. Чунки Марказий Осиё қитъадаги энг йирик кучлар, жумладан, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Эроннинг ўртасида жойлашганлиги туфайли унинг турли манфаатлар тугунида эканлигини бирдиради. Минтақавий хавфсизлик тўғрисидаги ҳар қандай тадқиқот айнан геосиёсий нуқтаи назардан қўлга олиниши, минтақанинг турли геосиёсий кучлар ҳамда марказлар ўртасида жойлашганлигидан келиб чиқилиши керак бўлади. Бунинг учун эса аввало геосиёсий фаннинг туб моҳиятини англаш ҳамда минтақавий хавфсизлик тизимини шу фанга тегишли қоидалар асосида қуриш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий фанлардаги муҳим йўналишлардан бири бўлган геосиёсатнинг халқаро муносабатларда, айниқса, давлатлар ўртасида стратегик мувозанатни сақлашдаги амалий аҳамияти ўтган асрда кўпроқ намоён бўлди. Лекин шунга қарамасдан ҳозирга қадар

геосиёсатни илмий йўналиш сифатида легитимлаш масаласи охиригача ҳал этилгани йўқ. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор. Шунга қарамасдан геосиёсат, халқаро муносабатларда муҳим ўрин эгаллаётганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди ва шу туфайли унинг туб моҳиятини тадқиқ этиш, Марказий Осиё атрофида кейинги йилларда рўй бераётган геосиёсий жараёнларни англаш нуктаи назаридан айниқса, муҳимдир.

Геосиёсатнинг тарихи анча мураккаб бўлганлиги туфайли унинг фан сифатидаги тақдири ҳам мавҳумроқ. Бир томондан, тушунчанинг ўзи ҳозирги сиёсатда фаол қўлланилаётган бўлса, иккинчи томондан геосиёсий журнал ва институтлар кўпайиб бормоқда. Ушбу фан асосчиларининг асарлари қайта-қайта нашрдан чиқмоқда, конференциялар, симпозиумлар ўтказилмоқда, геосиёсий қўмиталар ва комиссиялар тузилмоқда. Лекин, шунга қарамасдан, ҳозирги кунгача геосиёсат илмий ҳамжамият томонидан тан олинган фанлар сирасига кира олмаган. Немис олими Ф.Ратцел, швед географи Р.Челлен ва асосан, инглиз географи Х.Маккиндернинг геосиёсатга оид илк асарлари олимлар томонидан кескин танқидга учради.

Сўнгги даврдаги ўзгаришлар шуни кўрсатмоқдаки, мумтоз фанлар сафига қабул қилинмаган бўлсада, геосиёсат амалий жиҳатдан ўта самарали. Нима бўлганда ҳам, геосиёсат бугунги кунда мавжуд ҳамда секинлик билан бўлсада расмий жиҳатдан тан олинди билан бирга ўзига муносиб мавқе қозониб бормоқда. Лекин, бу жараёнда ҳам ҳамма нарса тўқис эмас.

Ҳар қадамда “геосиёсат”ни турли тушунчалар билан алмаштирилаётганлигини ва шунга кўра ушбу атаманинг соҳага тегишли бўлмаган мутахассислар томонидан қўлланилиши одатий ҳолга айланган. Урғу геосиёсат фанининг асосчилари томонидан яратилган тўлиқ ва умумий геосиёсий манзарадан, хусусий минтақавий ҳодисалар ва геоиктисодий схемалар томон оғиб кетмоқда. Бу ҳолатда ибтидоий қоидалар бўлган **геосиёсий дуализм, стратегиялар рақобати, цивилизациялар ранг-баранглиги** ва бошқалар эътибордан қолади.

Геосиёсатнинг таърифи. Геосиёсий мактаблар намоёндалари яратган илмий ишлар, уларнинг турлича, ҳатто зиддиятли эканлигига қарамасдан ягона умумий манзара доирасида жамланиши, ушбу фанни қандайдир тугал ва аниқ мажмуа дейиш имконини беради. У ёки бу муаллифлар ва луғатлар ушбу фаннинг асосий предмети ҳамда бош услубий тамойилларини белгилашда бир-бирларидан фарқланишади. Бундай бўлиниш тарихий шарт-шароитлардан, шунингдек, геосиёсатнинг дунё сиёсати, ҳокимият муаммолари ва ҳукмрон мафқуралар билан чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиқади.

Геосиёсатнинг синтетик характери унинг таркибида география, тарих, демография, стратегия, этнография, диншунослик, экология, ҳарбий иш, мафкура, социология,

сиёсатшунослик тарихи ва ҳақозо кўпгина қўшимча фанларнинг қўшилиб кетганлиги билан изоҳланади. Санаб ўтилган табиий, ижтимоий ва ҳарбий фанлар ўзларига мансуб кўпгина мактаблар ва йўналишларга эга бўлганлиги туфайли, уларнинг геосиёсатга катъий тегишлилиги тўғрисида гапиришга ўрин йўқ. Демак, бу қадар ўта муҳим ҳамда самарадор, айна пайтда ҳаддан ташқари кенг қамровли бўлган ушбу фаннинг таърифи мураккаб.

Ҳозирги пайтда турли фанларнинг синтезлашиши, қўшилиши, фанлараро янги умумий фанлар (макрофанлар) ва серқирра андозалар тузилиши жараёнида геосиёсат ҳам назарий тадқиқотлар учун ҳам сайёра миқёсида ёки маълум бир давлат ёки давлатлар ҳамжамияти миқёсидаги мураккаб цивилизацион жараёнларни бошқаришда амалий жиҳатдан ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлиб бормоқда. Бу келажак фани бўлиб, унинг асослари нафақат махсус ўқув юртлари ва академияларда, балки оддий мактабларда ҳам ўқитилади.

Геосиёсий таҳлил орқали давлатлар ва халқлар тарихий тараққиётининг бутун бир даврларини осонгина тушуниш мумкин. Шу билан бирга, геосиёсатнинг ижтимоий соҳадаги аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Геосиёсий тадқиқотнинг илмий-услубий негизи қисқача ана шулардан иборат бўлиб, уни геосиёсат фанига кириш деб ҳам тушуниш мумкин. Бугунги кунда геосиёсатга оид дарслик ҳамда қўлланмаларнинг етарли эмаслиги ушбу фан доирасида чуқур илмий изланишлар зарур эканлигини кўрсатмоқда.

Назарий саволлар:

1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий тушунча ва категориялари нималардан иборат.
2. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб илмий тадқиқот йўналишларини аниқланг.
3. Ҳудудий мажмуаларнинг шаклланиши жараёнларини тушунтиринг.
4. Минтақавий сиёсатнинг илмий-амалий аҳамиятини тушунтиринг.
5. Иқтисодий ва ижтимоий география доирасида сиёсий геофик ва геосиёсий тадқиқотларни тушунтиринг.
6. Асосий геосиёсий ғоя, концепция ва назариялар, уларнинг мазмун – моҳияти ҳамда илмий – амалий аҳамияти.

Қўшимча тавсия этиладиган адабиётлар:

48. Spens N., Owens A. Methods of geographical analysis. Published by: University of London, 2007. Reprinted with minor revisions 2011.
49. Изард У. Методы регионального анализа: введение в науку о регионах. Изд.: «Прогресс», Москва, 1966.
50. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. М: ГУ - ВШЭ, 2001, 2003.
51. Анна Баттимер. Путь в географии. – М.: Прогресс, 1990.
52. Асанов Г. Р. Социал – иқтисодий география. Термин ва изоҳли тушунчалар лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 248 б.
53. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избранные труды. – М., 1980.
54. Зокиров Ш., Тошев Х. География тарихи. – Бухоро, “Дурдона”, 2015.
55. Колосов В.А. Геополитика и политическая география. – М., 2002.
56. Максаковский В.П. Историческая география мира. – М., 1999.
57. Поросенков Ю.В., Поросенкова Н.И. История и методология географии. – Воронеж, 1991.
58. Саушкин Ю.Г. История и методология географической науки. – М.: МГУ, 1980.
59. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. – М., 1984.
60. Солиев А., Ахмедов Э. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.: Университет, 2003.
61. Солиев А. Иқтисодий география: назария, метод ва амалиёт. – Т., 2013.
62. Солиев А. Худудий мажмуаларнинг назарий асослари.- Тошкент: Университет, 2007.
63. Солиев А. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: Университет, 2014.
64. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси). Т., 2009.
65. Социально-Экономическая география: понятия и термины. – Смоленск, 2013.
66. Скопин А.Ю. Введение в экономическую географии. – Смоленск., 2013,
67. Трофимов А.М. Шарыгин М.Д. Общая география (Вопросы теории и методологии). – Пермь, 2007.
68. Алаев Э. Б. Социально- экономическая география: Понятийно-терминологический словарь / Э.Б. Алаев. – М.: Мысль, 1983. -350 с.
69. Голубчик М.М. История географии : учеб. пособие / М.М. Голубчик, С.П. Евдокимов, С.Н. Максимов. – Смоленск : Изд-во Смолен. гум. ун- та, 1998. -224 с.

70. Голубчик М.М. Политическая география мира. Учеб. Пособ. Смоленск, 1998.

71. Хаггет П. География: синтез современных знаний / П. Хаггет. – М.: Прогресс, 1979. – 684 с.

4-МАВЗУ: Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, илмий-назарий ҳамда амалий аҳамияти

РЕЖА:

4.1. Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг мазмуни, илмий-назарий аҳамияти.

4.2. Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари.

Таянч иборалар: *иқтисодий география, ижтимоий география, минтақавий иқтисодиёт, минтақавий сиёсат, рекреация географияси, шаҳар, урбанизация, агломерация.*

4.1. Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг мазмуни, илмий-назарий аҳамияти

Ҳозирги иқтисодий ва ижтимоий география қатор МДҲ мамлакатларида «**Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва рекреация географияси**» сифатида тан олинган ва айнан шу ихтисосликда фан номзоди ва доктори диссертациялари ҳимоя қилинади. Бу ерда ижтимоий тушунча икки хил маънога эга: **тор маънода** социал, **кенг маънода** эса у барча соҳаларни, ҳатто иқтисодий масалаларни ҳам қамраб олувчи ижтимоий географияни англатади.

Мазкур фаннинг юқоридаги учлик таркибига мувофиқ уч хил тадқиқот макони мавжуд. Бунда *социал макон* ҳудудий жиҳатдан анча кичик, *иқтисодий макон*-ўртача ва *сиёсий макон* нисбатан катта ҳудудни қамраб олади. Социал макон деганда кишиларнинг кундалик муайян ҳудуддаги ҳаётининг фаолиятини, ўзаро алоқаларини тушунамиз. Бунда турли касб, миллат, ёш ва жинсдаги аҳолининг яшаш жойи, унинг ҳудудий умумийлиги (социуми) назарда тутилади. Масалан, маҳалла, ишчилар, тўқимачилар, авиасозлар, темир йўлчилар, талабалар шаҳарлари ва ҳ.к.

Демак, социал география аҳолининг социал (ижтимоий), ва табиий муҳит билан

алоқасини ўрганади. Чунончи, унга:

- дин;
- жинойтчилик;
- таълим;
- тиббиёт;
- фан ва илмий тадқиқотлар географияси;
- рекреация географияси;
- туризм географияси;
- хулқ – аъвор географияси ва бошқалар киради.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари эса бевосита **социал ва ижтимоий-иқтисодий география ўртасида туради** ва у иқтисодий географиянинг социаллашуви йўналишидаги дастлабки муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам ўз навбатида турли хил: бунга маиший хизмат кўрсатиш соҳалари, таълим, савдо, тиббий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа хизмат кўрсатиш (сервис) соҳалари мисол бўла олади. Географик жиҳатдан ушбу тармоқ корхоналарининг жойлашуви ҳам ҳудудий мажмуа (ҲМ) шаклида бўлади. Бироқ бундай ҲМ лар ишлаб чиқариш тармоқларидаги мажмуалардан ўзларининг анча кичик ҳудудий вужудга келиши билан фарқ қилади.

Масалан, таълим тизимини олайлик: ўрта ёки ўрта махсус мактаблар фақат ўқув бинолари эмас, балки кутубхона, спорт майдончаси билан биргаликда жойлаштирилади. Бундай **ҳудудий мажмуалар** айниқса олий ўқув юртлари жойлашувида яққол кўзга ташланади. Жумладан, Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида иккита университет (Миллий университет ва техника университети), талабалар уйи, спорт мажмуаси, савдо шаҳобчалари, кутубхона, поликлиника, академик лицей ва бошқалар ўзига хос ҳудудий мажмуани ташкил этади. Нисбатан кичикроқ ҲМ республикамизнинг бошқа олийгоҳлари асосида ҳам мавжуд. Айниқса, бу борада Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро, Қарши, Нукус, Урганч, Андижон давлат университетлари, Жиззах педагогика институтлари ажралиб туради.

Худди шунга ўхшаш ҳудудий мажмуалар қишлоқ хўжалиги олийгоҳлари учун айниқса хосдир. Уларда, юқоридагилардан ташқари, тажриба участкалари, турли хил илмий лабораториялар ҳам мавжуд бўлади. Шунингдек, илмий тадқиқот институтлари ҳам ҳудудий мажмуа шаклига эга. Қолаверса, алоҳида университет ва илмий тадқиқот институтлари асосида шаҳар ва шаҳарчалар вужудга келган (Кембриж, Тарту, Дубна, Пушкино, Гатчино, Академгородок, Улуғбек ва ҳ.к.) Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Академиклар шаҳарчаси»да Ўзбекистон ФА-га қаршли қатор

илмий тадқиқот институтлари ўрнашган.

Тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари ҳам ўзига хос ҳудудий мажмуаларни ташкил этади. Масалан, туғуруқ мажмуалари, турли хил йириклик ва ихтисослашган касалхоналар яқинида поликлиника, дорихона, ташхис бўлими каби тиббиёт муассасалари ва инфратузилмалари жойлашган. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш, уларни ёнилғи билан таъминлаш кабилар ҳам кичик кўламдаги ҳудудий мажмуалар кўринишига эга. Масалан, шаҳарларнинг турли мавзе ва даҳаларида маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари (комплекслари) жойлашган. Уларнинг таркибига пойафзал, совутгич ва бошқа уй-рўзғор асбобларини, аудио ва видеоаппаратларни таъмирлаш, расмга тушиш ва баъзан ҳаммом, сартарошхона ва бошқалар киради.

Дин географиясида ҳам ҳудудий мажмуаларни кўриш мумкин. Бунга, энг аввало, мусулмон мамлакатлари учун машҳур ва муқаддас ҳисобланган Макка ва Мадина, Қуддуси Шариф (Иерусалим), Бухорои Шариф, Мозори Шариф, Машҳад каби шаҳарлар айна вақтда диний ҳудудий мажмуалар ҳисобланади.

Умуман олганда, мазор, бозор ва вокзаллар ҳар бир жойнинг тарихи, қадрияти (ўтмиши), бойлиги ва бутлиги (бугуни), ташқи ҳудудлар билан алоқаларини акс эттирган ҳолда, ўзлари ҳам мажмуа шаклида ташкил қилинган. Шу ўринда улар атрофидаги ўзига хос геокриминоган вазият юзага келишини ҳам таъкидлаш жоиз.

Рекреация ва туризм географиясидаги ҳудудий мажмуалар дам олиш, соғлиқни тиклаш, нотаниш жойлар билан танишиш, уларни ўрганиш ва маънавий озуқа олиш имкониятини беради. Уларнинг ўз таркибига санатория (сиҳатгоҳ), туристик объектлар, хусусан археологик ва қадимий ёдгорликлар, туристик хизматни ташкил қилувчи муассаса (бюро), унга шароит яратувчи туристик инфратузилма, чек сотувчи, таржимонлар хонаси, автомобил парки, меҳмонхона, сувенир сотувчи ва бошқа дўконлар, овқатланиш жойлари кабилар киради. Туристик ва рекреация мажмуалари айна вақтда ҳам кичик (шаҳар ичида), ҳам шаҳар доирасида, баъзан янада каттароқ ҳудудларда ташкил этилади.

Шарқ олами, хусусан бизнинг Ўрта Осиё ва унга туташ мамлакатлар тарихи ва географиясини ўрганишда уларда мавжуд бўлган бозорларнинг аҳамияти катта. Қадимда бозорлар шаҳарлар маъносини билдирган, бозори бор жойлар шаҳарлар деб аталган. Бугунги кунда ҳам қишлоқ туманларида бозорлар нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маданий-маърифий, ахборот аҳамиятга эга. Бозор ва унинг атрофидаги, инфратузилма объектлари, автомобил вокзали ва бошқалар ҳудудий мажмуаларни ташкил этади.

Геоурбанистика. Геоурбанистик тадқиқотлар бевосита шаҳар аҳоли пунктлари,

шаҳарлашув жараёнлари билан чамбарчас боғланган. Бинобарин, шаҳарлар ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий мужассамлашувининг ўзига ҳос шаклларида бири бўлиши билан бирга, аҳоли ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисмидир. Шаҳарлашув жараёнларининг ривожланиш даражаси бевосита шу ҳудуд ёки давлатнинг ижтимоий иқтисодий тараққиёти билан боғланиб кетади. Шаҳарлар йирик аҳоли пунктлари бўлиб, унда яшайдиган кишилар қишлоқ хўжалиги билан банд бўлмасдан, бошқа ижтимоий – иқтисодий, маданий соҳаларда шуғулланишади. Шаҳарлар турли макон ва замонларда иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқарув маркази ролини ўйнаган. Шаҳар аҳоли пунктлапи ўлчами жиҳатидан йирик ва унда яшовчи аҳоли, қишлоқ аҳоли пунктлапидагига нисбатан кўп сонлилиги ҳамда зичлиги билан тавсифлидир. Шаҳарларнинг қудрати уларда мужассамланган иқтисодий, интеллектуал ва демографик салоҳият билан белгиланади.

Аҳоли пунктлари шаҳарга айланишида уларнинг иқтисодий салоҳияти, функцияси ҳам муҳим мезонлардан биридир. Шаҳар аҳоли пунктлапида яшовчилар қишлоқ хўжалиги тармоқларида банд бўлмаслиги ёки жуда кам сонлини ташкил этиши керак. Ўзбекистонда ишчи, хизматчи ва уларнинг оила аъзолари шаҳар аҳолисининг 2/3 қисмидан кўпроғини ташкил этиши ҳамда бундай аҳоли пунктларида саноат корхоналари (оғир индустриал), коммунал хўжалик ташкилотлари, давлат уй-жой фонди, ўқув юртлари, маданий-маърифий, тиббий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари мавжуд бўлиши лозим. Бу мезон ҳам барча давлатларда бир хил эмас.

Собиқ СССРда аҳоли пунктларига шаҳар мақомини бериш бўйича бир қатор қонун-қоидалар қабул қилинган. Бундай қонун-қоидалар айрим республикаларда ўзаро фарқ қилар эди. Масалан, Украинада аҳоли сони шаҳарлар учун 10000, шаҳар типдаги посёлкалар (ШТП) учун 3000 киши қилиб белгиланган. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич тегишлича 7000 ва 2000 кишини ташкил этади.

Аҳоли пунктида истиқомат қилувчиларнинг кўпчилик қисми меҳнатнинг қандай тури билан бандлиги даражаси ҳам шаҳарча мақомини беришда муҳим белгиларидан ҳисобланади. Шаҳар аҳоли пунктларининг шаҳар, деб номланишида унда яшовчилар миқдори ҳам муҳим кўрсаткичлардан биридир. Мамлакатлар, минтақалар аҳолисининг ҳудудий таркибида шаҳар аҳолисининг ва шаҳарларнинг ўсиб бориши – урбанизация жараёнининг ривожланишига олиб келади.

Урбанизация – (лотинча урбанус – шаҳар) – шаҳарлашиш, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва кўпайиши. Бу жараён фан-техника инқилоби даврида кескин кучайиб, шаҳар аҳолисининг кўпайишига, шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалишига сабаб бўлади. БМТ берган статистик маълумотларда ҳозирда дунё аҳолисининг тенг ярми шаҳарларда

яшайди, яъни 2014 йилда ер шари аҳолисининг 50 фоизи шаҳарларга тўғри келади ва бу кўрсаткич 2030 йилда 60 фоизни, яъни 3 миллиарддан 5 миллиардгачани ташкил этади.

Геоурбанистик тадқиқотларда урбанизация даражаси бўйича мамлакатларни солиштирганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- шаҳар ташкил қилиш мезонлари (масалан, аҳоли сони);
- шаҳарларнинг умумий сони ва зичлиги;
- йирик шаҳарларнинг мавжудлиги;
- шаҳар агломерацияларининг ривожланганлиги;
- қишлоқ-шаҳар ва маятниксимон миграция;
- аҳолининг бандлик даражаси ва таркиби ва х.к.

Булардан шаҳар аҳоли салмоғи урбанизация даражасини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у ер шарининг барча ҳудудларида урбанизация жараёнининг боришини кўрсатади.

Урбанизация даражасининг кескин фарқ қилишида ижтимоий-иқтисодий омиллар муҳим ўрин тутаяди. Бирон-бир мамлакат, минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қанчалик юқори бўлса, ўша жойда урбанизация даражаси, шаҳар аҳоли салмоғи катта бўлади. Айрим ҳолларда табиий омиллар туфайли ҳам урбанизация даражаси кўтарилиши мумкин. Масалан, истиқболли фойдали қазилма конлари, қулай иқтисодий географик ўрин ва х.к.

Шулардан иқтисодий географик ўрни (ИГЎ) шаҳар ва шаҳар аҳоли пунктлари таркиб топишида муҳим омил ҳисобланади. Маълумки, ИГЎ микро, мезо ва макро даражада ажратиб кўрсатилади. Шаҳар аҳоли пунктлари пайдо бўлишида, ИГЎнинг микродаражадаги аҳамияти катта мавқега эга бўлади. Унинг мезо ва макродаражадаги аҳамияти эса кейинчалик шаҳарчаларнинг ривожланиши ва йирик марказларга айланишида муҳим ўрин тутаяди. Бинобарин, айрим шаҳарларнинг микродаражадаги ўрни ноқулайлиги унинг аста-секин йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Шаҳарларнинг мезодаражада ўрни қулайлиги унинг йирик ва катта шаҳарларга айланишига замин бўлиши мумкин. Агарда бу аксинча бўлса, шаҳар кичик ҳолатида қолаверади. Шаҳарларни тадқиқ қилишда ИГЎнани тўртта босқичга ажратиш тавсия этилади.

микро ўрни-яқин шаҳар атрофига нисбатан ўрни;

мезо ўрни-мамлакат катта бир қисмига ёки унча катта бўлмаган давлатга нисбатан ўрни;

макро ўрни-йирик давлат чегараларига нисбатан ўрни;

мего ўрни-дунё миқёсида ёки унинг йирик регионларига нисбатан тутган ўрни.

Макродаражадаги ўрин шаҳарлар ривожланишида, юқори босқичларга чиқишида алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ, бу ўрин шаҳарлар тараққиётида ижобий хусусият касб этмаса, улар

хаёт фаолияти ўзгаришсиз қолаверади.

Шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни (ИГЎ) бирқанча компонентлардан ташкил топади. Булар эса ўз навбатида яна бир неча элементларга бўлиниб кетади. Жумладан:

1. Шаҳарларнинг табиий географик ўрни:

- табиат зоналарига нисбатан ўрни;
- табиий ресурсларга нисбатан;

2. Саноат – географик ўрни:

- хом ашё манбаларига нисбатан, яъни электро энергия, ёқилғи ва ҳақозо;
- қайта ишлаш саноти марказларига нисбатан;

3. Шаҳарларнинг агро-географик ўрни: қишлоқ хўжалиги хом ашёси ишлаб чиқарадиган районларга нисбатан;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи районларга нисбатан;

4. Транспорт-географик ўрни:

- ички муҳим транспорт магистралларига нисбатан;
- халқаро аҳамиятга эга транспорт тизимига нисбатан;

5. Бозор-географик ўрни:

- маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган тармоқ раёнларига нисбатан;
- истъёмол моллари билан таъминлайдиган раёнларга нисбатан;

6. Геодемографик ўрни:

- аҳоли ўсиши билан боғлиқ районларга нисбатан ўрни;
- фан, таълим ва маданият марказларига нисбатан;

7. Сиёсий-географик ўрни:

- мамлакат пойтахтига нисбатан;
- давлат чегараларига нисбатан;

8. Ҳарбий-географик ўрни:

- мудофаа аҳамиятига эга объектларга нисбатан;
- сиёсий (ҳарбий) конфликт ўчоқларига нисбатан.

Шаҳарларнинг мазкур географик ўринлари қулайлиги уларнинг турли соҳа ва тармоқлар бўйича ривожланишига имкон беради. Ҳар бир шаҳар учун энг муҳим географик ўрни бу транспорт тармоқларига нисбатан жойланиши бўлса ҳам турли ҳудудларда ИГЎ аҳамияти бир-биридан маълум даражада фарқ қилади.

Шаҳарлар ҳоҳ у йирик, ҳоҳ майда бўлишидан қатъий назар ҳар бирининг бажарадиган ўз функцияси бор. Шаҳарларнинг функцияси-аҳолининг шаҳар ҳосил қилувчи тармоқ ва соҳалардаги ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади. Шаҳарларни

шаҳар ҳосил қилувчи функциясига кўра иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

I. Ишлаб чиқариш (индустриал):

- саноат;
- транспорт;
- савдо-сотик.

II. Ноишлаб чиқариш:

- ҳарбий;
- маданий;
- курорт.

Шунингдек, баъзи олимлар шаҳарларни қуйидаги функционал типларга ажратишни маъқул кўради.

- сиёсий-маъмурий марказлар, пойтахт шаҳарлар;
- кўп функцияли шаҳарлар-вилоят марказлари;
- кўп тармоқли йирик саноат марказлари;
- асосан бир ёки икки саноат тармоғига ихтисослашган шаҳарлар;
- транспорт марказлари;
- агроиндустриал шаҳарлар;
- туман марказлари;
- рекреация шаҳарлари;
- Илму-фан марказлари, университет шаҳарлари ва х.к.

Шаҳарлар катта-кичиклигига қараб ҳам функционал типларга ажратилади.

Шаҳарларнинг катта-кичиклиги улар аҳолиси сонига қараб белгиланади.

Шаҳарларнинг функционал тузилиши шаҳар ҳаётининг барча жабҳасида яққол сезилади, шу боисдан шаҳарларни турли йўналишда **тадқиқ этишда** буни албатта ҳисобга олиш лозим. Шаҳарларнинг функционал тузилиши аҳоли такрор барпо бўлиши суръатига, аҳоли демографик таркибига, аҳоли бандлиги, аҳоли миграцияси характерига, аҳоли ижтимоий таркибига ўз таъсирини ўтказди. Аҳолининг йирик шаҳарларда тўпланиши йирик-катта шаҳарларнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлмоқда. Йирик шаҳарлар майда ва ўрта шаҳарлар ҳисобига тобора гигант шаҳарларга айланмоқда.

Ишлаб чиқариш, маданий-маиший, коммунал-хўжалик алоқалари ўзаро туташган ҳолда вужудга келаётган шаҳар аҳоли пунктларининг янги тури фанда агломерация, деб номланади. Агломерация-аҳоли пунктларнинг бир-бирларига қўшилиб кетиб, улкан шаҳар, ягона иқтисодий ҳудуд ҳосил қилиши. Агломерацияларда аҳоли зич ўрнашган, хилма-хил ишлаб чиқариш тармоқлари, хусусан саноат корхоналари, илмий ва ўқув муассасалари тўпланган бўлади. Шаҳар агломерацияси ишлаб чиқариш кучларининг

ривожланиши ва жойланиши туфайли турли функционал тип ва йирикликдаги шаҳарларнинг вужудга келиши ва уларнинг бир жойда тўпланишидан, хусусан шаҳарларнинг қулай иқтисодий географик ўрин туфайли энига ва бўйига кенгайиб боришидан ҳамда йирик шаҳар атрофида ва унга яқин жойда шаҳар ва шаҳарчаларнинг таркиб топиб қўшилиб кетишидан пайдо бўлади.

Шаҳар агломерацияси қўйидаги шарт ва шароитларга таянган ҳолда шаклланади:

- шаҳар атрофида битта ёки иккита йирик шаҳар бўлиши лозим;
- унинг атрофида камида иккита шаҳар ва шаҳарчалар бўлиши шарт;
- марказий шаҳар (агломерация ядроси) ва йўлдош шаҳарчалар орасидаги масофа энг кўпи икки соатлик вақт доирасида бўлиши зарур;
- агломерация шаҳар ва шаҳарчалари ўртасида маятниксимон (тебранма) миграция алоқаси ривожланган бўлиши шарт;
- атрофидаги шаҳарлар аҳолиси энг ками агломерация аҳолисининг 10 фоизини ташкил этиши зарур ва х.к.

Агломерация чегаралари одатда, марказ шаҳар билан унинг атрофидаги шаҳарлар ўртасидаги меҳнат, маданий-маиший алоқалар самарадорлиги билан белгиланади. Бу алоқалар чегараси ҳозирги замонавий транспорт ривожланган бир вақтда 50-60 км ораликдаги радиусни ташкил этади. Кўпгина ҳолларда бу шаҳар агломерация чегараси маъмурий чегаралар билан мос келмайди.

Шаҳар атрофидаги аҳоли пунктларининг шаҳар марказидан ва унинг атрофидан келаётган аҳоли ҳисобига тезроқ ривожланиши шаҳар агломерациясининг ўз чегарасидан ташқарига чиқишига олиб келмоқда. Бу жараён фанда субурбанизация-деб аталади (субурбанизация лотинчадан субур-шаҳар атрофи). Шаҳар марказидаги экологик вазият, ўзига хос мураккаб турмуш тарзи, нарх-навонинг баландлиги, жинойтчиликнинг ўсиши, ва бошқалар одамларнинг шаҳардан ташқарига кўчиб ўтиши ва шаҳар марказига ишга келиб-кетиши субурбанизация жараёнини ривожланишида етакчи омиллар ҳисобланади. Энг аввало бунда аҳолининг моддий жиҳатдан ўзига тўқ қатлами шаҳар атрофига келиб жойлаша бошлайди. Кейинчалик ўрта қатлам ва ўз навбатида аҳоли билан бараварига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам келиб ўрнашади, ривожланади.

Назарий саволлар:

1. Ижтимоий географик тадқиқотлар ва уларнинг мазмуни.
2. “Ижтимоий” тушунчасининг кенг ва тор маънода тушунишни изоҳланг.
3. Ижтимоий географик тадқиқотларнинг турлари.
4. Тиббий географик тадқиқотлар ва уларнинг илмий-амалий аҳамияти.

5. Урбозекологик тадқиқотлар мазмунини тушунтиринг.
6. Диннинг – ижтимоий географик тадқиқотларнинг илмий тадқиқот объекти сифатидаги ролини изоҳланг.
7. Ғарбда социал – географик тадқиқотларнинг мазмуни.
8. Ғарбда социогеография ва социогеографик тадқиқотларни тушунтиринг.
9. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда ижтимоий – географик тадқиқотларнинг асосий йўналишларини аниқланг.
10. Шаҳарлар географияси ва георбанистикага оид тадқиқотлар.

Қўшимча тавсия этиладиган адабиётлар:

72. Spens N., Owens A. Methods of geographical analysis. Published by: University of London, 2007. Reprinted with minor revisions 2011.
73. Изард У. Методы регионального анализа: введение в науку о регионах. Изд.: «Прогресс», Москва, 1966.
74. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. М: ГУ - ВШЭ, 2001, 2003.
75. Анна Баттимер. Путь в географии. – М.: Прогресс, 1990.
76. Асанов Г. Р. Социал – иқтисодий география. Термин ва изоҳли тушунчалар луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 248 б.
77. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избранные труды. – М., 1980.
78. Зокиров Ш., Тошев Х. География тарихи. – Бухоро, “Дурдона”, 2015.
79. Колосов В.А. Геополитика и политическая география. – М., 2002.
80. Максаковский В.П. Историческая география мира. – М., 1999.
81. Поросенков Ю.В., Поросенкова Н.И. История и методология географии. – Воронеж, 1991.
82. Саушкин Ю.Г. История и методология географической науки. – М.: МГУ, 1980.
83. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. – М., 1984.
84. Солиев А., Ахмедов Э. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.: Университет, 2003.
85. Солиев А. Иқтисодий география: назария, метод ва амалиёт. – Т., 2013.
86. Солиев А. Худудий мажмуаларнинг назарий асослари.- Тошкент: Университет, 2007.
87. Солиев А. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: Университет, 2014.

88. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси). Т., 2009.
89. Социально-Экономическая география: понятия и термины. – Смоленск, 2013.
90. Скопин А.Ю. Введение в экономическую географию. – Смоленск., 2013,
91. Трофимов А.М. Шарыгин М.Д. Общая география (Вопросы теории и методологии). – Пермь, 2007.
92. Алаев Э. Б. Социально-экономическая география: Понятийно-терминологический словарь / Э.Б. Алаев. – М.: Мысль, 1983. -350 с.
93. Голубчик М.М. История географии : учеб. пособие / М.М. Голубчик, С.П. Евдокимов, С.Н. Максимов. – Смоленск : Изд-во Смолен. гум. ун-та, 1998. -224 с.
94. Голубчик М.М. Политическая география мира. Учеб. Пособ. Смоленск, 1998.
95. Хаггет П. География: синтез современных знаний / П. Хаггет. – М.: Прогресс, 1979. – 684 с.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

Аҳоли ва ижтимоий-географик тадқиқотлар. Аҳолини ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш.

- 1. Аҳоли ва ижтимоий-географик тадқиқотлар.*
- 2. Аҳолини ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш.*

1. Аҳоли ва ижтимоий-географик тадқиқотлар.

Ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий географиясини, бевосита аҳоли ёки инсонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, аҳоли нафақат ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қолмасдан, балки у моддий ва маънавий бойликларнинг истеъмолчиси, ва шу билан бирга аҳоли ўз-ўзини қайта тиклаб бориши (аҳоли такрор барпо бўлиши) билан алоҳида аҳамият касб этади. Яна шуни ҳам унутмаслик лозимки, аҳоли, яъни инсоннинг ўзи барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларни субъекти сифатида мазкур жараёнларни бошқариб туриши билан ҳам характерлидир.

Шу боисдан, ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларни аҳолисиз тасаввур қилиб бўлмайди, айтиш жоизки, деярли ҳар қандай иқтисодий – ижтимоий географик тадқиқотда аҳоли, яъни инсоннинг иштирокини кўриш мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, айнан инсон омили, ёки аҳоли биз билган ўтган асрнинг биринчи ярмида шаклланган собиқ Иттифоқ иқтисодий географиясини (моддий ишлаб чиқариш географиясини) социаллашувига ҳам катта замин яратиб, уни иқтисодий ва ижтимоий географияга айланишига хизмат қилди.

Ҳозирги даврда ҳам жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географиясида, хусусан мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий географиясида бажарилаётган тадқиқотларнинг катта қисми бевосита инсон билан, унинг демографик ривожланиши хусусиятларидан тортиб, хўжалик фаолияти, ҳаёт шароитлари, турмуш даражаси ва турмуш тарзигача бўлган масалалар билан чамбарчас боғланган.

Тўғри, бугунги иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ривожланганлик даражаси ва унинг минтақавий ёки алоҳида олинган давлатлардаги аҳоли, даражалари орасида муайян тафовутларни кўриш мумкин. Бундай фарқлар, тафовутлар, аввало, умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига, тадқиқот доираси объективининг қамровига, тадқиқотларнинг характерига ва қолаверса, жамият томонидан “социал заказ”га ҳам боғлиқликда кечди.

Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларда аҳоли ёки инсоннинг иштирокини турли даражаларини кўриш мумкин. Чунончи, бевосита моддий ишлаб чиқариш билан

боғлиқ тадқиқотларда аҳолининг кўпроқ уч жиҳатига эътибор қаратилади. Булар, ишлаб чиқарувчи куч, моддий бойликлар истеъмолчиси ва мазкур жараёнларнинг бошқарувчиси.

Бевосита, ижтимоий-географик тадқиқотларни эса аҳолисиз бутунлай тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, бундай тадқиқотларда аҳоли соҳани жойлаштириш ва ривожлантиришнинг омили сифатида ҳам, истеъмолчиси сифатида ҳам, бошқарувчиси сифатида ҳам гадаланади. Демак, ижтимоий географик тадқиқотларнинг “эгаси” аввало, инсон – аҳолидир. Шу сабабдан, замонавий иқтисодий-ижтимоий ва айниқса ижтимоий географик тадқиқотларда, энг аввало аҳолининг ўзини тадқиқ қилишга, унинг сон ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилишга катта эътибор қаратилади. Бу борада бизга, аҳоли географияси ёрдамга келади..

Аҳоли географияси - иқтисодий ва социал географиянинг таркибий қисми бўлиб, аҳоли сонининг тадрижий ўзгаришлари, жойлашуви, таркиби ва аҳоли манзилгоҳларини ўрганеди.

Иқтисодий географиянинг замонавий иқтисодий ва социал (ижтимоий) географияга айланишида аҳоли географияси катта рол ўйнади. Шу билан бирга, кўпчилик олимлар аҳоли географиясини бутунлай мустақил фан сифатида иқтисодий география билан ёнма ён қўядилар. Бунда, улар ушбу фанларнинг тадқиқот предметларини бир - биридан аниқ фаркланишини сабаб қилиб кўрсатадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бевосита аҳоли (жамият) ва уни ижтимоий ривожланишининг худудий муаммоларини ўрганувчи ижтимоий географиянинг вужудга келишида аҳоли географияси назарий - методологик асос вазифасини ўтайди.

Иқтисодий ва аҳоли географияларининг ўзаро бирикувидан иқтисодий ва социал география вужудга келди. Ушбу жараёнда аҳолининг қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлишини Н.Н.Баранский қуйидагича ифодалаган эди: - “иқтисодий географ шуни унутмасликлиги керакки, аҳоли нафақат ишлаб чиқарувчи, балки, истеъмолчи ҳамдир ва шундан қилиб иқтисодиёт бошдан оёқ аҳоли билан боғланган”.

Ижтимоий хусусиятларига кўра аҳоли: а) ишлаб чиқаришнинг субъекти; б) моддий ва маънавий бойликларнинг истеъмолчиси; в) такрор барпо бўлувчи; г) табиат ва хўжалик ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсирнинг бош бўғини каби сифатларга эга.

Аҳоли географиясининг ривожланиши иқтисодий география билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўтган асрнинг 40 - йилларига тўғри келади. Бунда аввало Н.Н.Баранский ва Р.М.Каболарнинг хизматларини таъкидлаш керак.

Ҳозирги даврда аҳоли географиясида тадқиқотларнинг икки йўналиши аниқ шаклланди. Буларга, биринчидан, аҳолининг ўзини ўрганиш ва иккинчидан, аҳоли манзилгоҳларини тадқиқ қилиш киритилади. Бу икки йўналиш бўйича олиб бориладиган

тадқиқотлар дунё миқёсида ва унинг айрим минтақалари, алоҳида мамлакатлар доирасида ҳам шунингдек, шаҳар агломерациялари, шаҳарлар, алоҳида олинган аҳоли манзилгоҳларидан тортиб сиёсий - маъмурий ва иқтисодий бирликлар миқёсида ҳам амалга оширилади.

Аҳоли географияси иқтисодий ва социал география ва бошқа турдош фанларнинг тадқиқот усулларида кенг фойдаланади. У моҳиятан аҳолишунослик ва демография билан жуда яқин туради.

Ҳозирги даврда **аҳоли географияси таркибида қуйидаги асосий йўналишларни ажратиш кўрсатиш мумкин;**

- аҳоли сонининг тадрижий ўзгаришлари, жойлашуви ва унинг шакллари;
- аҳолининг такрор барпо бўлиши;
- аҳолининг этник, жинс - ёш ва ижтимоий таркиби меҳнат ресурслари;
- аҳоли миграцияси;
- ирқлар ва динлар географияси.

Аҳоли бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳамда моддий - маънавий неъматларнинг истеъмолчисидир. Шу билан бирга, аҳоли барча ижтимоий жараёнларнинг бошқарувчиси эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Аҳолининг бундай жиҳатлари ўз навбатида, уни нафақат такрор барпо бўлиши, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам аввалроқ тадқиқ этилишига асос бўлади. Умуман олганда, аҳоли географияси иқтисодий ва социал географиянинг яхши ўзлаштирилган тармоқларидан биридир.

Ҳозирги даврда аҳоли географияси олдида турган вазифаларнинг назарий, амалий, таълимий жиҳатларини ажратиш кўрсатиш мумкин (Копылов 1999. с. 11). Умумназарий вазифаларига (1); жамият ривожланишининг умумий қонунлари моҳиятини англашга ёрдам берувчи аҳолининг жойлашуви ва унинг табиат билан ўзаро таъсири, кўпгина амалий вазифаларни бажариш: аҳоли сонини ҳисобга олиш; меҳнат балансларини тузиш; аҳоли миграциясини ўрганиш ва унинг келажак ўзгаришларини башорат қилиш; 3) аҳоли географияси бўйича билимларни оммалаштириш.

Собиқ Иттифоқ давридан бошлаб, географ олимларнинг кўпчилики қисми аҳоли географиясини иқтисодий ва социал географиянинг муҳим тармоғи деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, уни мустақил фан сифатида қаровчилар ҳам мавжуд.

Замонавий иқтисодий ва социал география фанлари тизимида, аҳоли географияси унинг «иқтисодий» ҳамда «социал» қанотлари орасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Демак, аҳоли географияси хўжаликлар ва табиий ресурслар географияси билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, у табиий география, мамлакатшунослик ва картография фанлари билан ҳам боғланган.

Ижтимоий фанлардан куйидагилар аҳоли географияси билан алоқадор: демография (грекчадан *demos* — «халқ»), яъни аҳолини такрор барпо бўлишини ўрганади); этнография (грекчадан *ethnos* - «қабил», «халқ», яъни қабил, миллат, этносларнинг келиб чиқиши ҳамда. уларнинг маданияти ва ҳаёт тарзини ўрганади); антропология (грекчадан *anthropos* — «одам», яъни инсон жисми ва унинг келиб чиқиши хва. шунингдек, инсоният ирқларини келиб чиқиши ва тарқалиши ҳақидаги фан); социология (лотинча *societas* - «жамият», яъни жамиятни ривожланиш қонунлари, аҳоли гуруҳлари ўртасида ҳаёт ва меҳнат фаолияти жараёнида вужудга келувчи муносабатлар ҳақидаги фан); экологик (грекча *oikos* - «уй, яшаш жойи», яъни инсоннинг атроф — муҳит билан ўзаро муносабатларини ўрганади); рекреация географияси (лотинча *hescreatio* — «тиклаш» яъни аҳолининг дам олишини барча турларини ўрганади).

Юқоридагилардан ташқари, аҳоли географияси билан тиббиёт географияси, меҳнат иқтисодиёти, социал гигиена, шаҳарсозлик ва район планировкаси каби фан тармоқлари ҳам тўғридан -тўғри боғланган. Аҳоли географияси ижтимоий географияни шаклланишида пойдевор бўлди. Чунки, ижтимоий географияни инсон ёки аҳолисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ижтимоий географиянинг диққат марказида доимо аҳоли ва унинг ижтимоий эҳтиёжлари, муносабатлари ётади.

Аҳолининг географик ўрганилиши

Қадим замонлардан бошлаб олимлар турли мамлакатларнинг табиати ва хўжалигини ўрганиб, тасвирлаш билан бирга уларнинг аҳолисини тавсифлашга ҳам катта эътибор берганлар.

Аҳолини ўрганиш бўйича табақаланиш, яъни демография ҳамда этнографиянинг вужудга келиши XVIII асрнинг бошларига келиб рўй берди. XIX асрнинг охирида эса антропогеография (Германияда, Ф.Ратцель) шаклланди. Унинг негизида географик детерминизм, яъни «инсон ва халқларнинг руҳи ва жисмига». табиий муҳитнинг ҳал қилувчи таъсир этиш ғояси ётган.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб, Францияда инсон географияси шаклланди. Унинг йирик номоёндалари (П.Видал де ла Блаш, Ж.Брюн) асосий эътиборни табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири масалаларига қаратдилар. Мазкур йўналишнинг вакиллари антропогеографиядан фарқли ўларок, аҳолининг географик ривожланиши хусусиятларининг сабабларни нафақат табиий, балки, иқтисодий, ижтимоий, тарихий ва руҳий омиллар билан ҳам тушунтирадилар.

Ҳозирда, аҳоли географияси турлича. йўналишлар (геодемография, шаҳарлар географияси, миграция географияси, аҳоли географиясида математик моделлаштириш) бўйича ривожланган мамлакатларнинг университетларида ўқитилади.

Аҳоли географияси тадқиқ этилган кўплаб асарлар рус тилида ҳам чоп этилди. Улар жумласига Д.Форрестер ва бошқаларнинг «География городов», «Динамика развития города»; Дж. Гарнер, Д.Харвей, Я.Гамильтон, П.Хагетларнинг «Модели: в географии»; Ж.Боже Гарнье ва Ж.Шаболарнинг «Очерки по географии городов» каби асарларни киритиш мумкин.

Аҳоли географиясининг ривожланишида собиқ Совет даври ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу даврда аҳоли географиясининг ривожланишига Н.Н.Баранский, Р.М.Кабо, В.В.Покшишевский, О.А.Константинов, Ю.Г.Саушкин, С.А.Ковалевлар катта ҳисса қўшдилар. Бу соҳада ҳозирда ҳам салмоқли тадқиқотларни амалга ошираётган йирик олимлар жумласига Г.М.Лаппо, Б.С.Хорев, В.П.Максаковский, А.И. Алексеев ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда аҳолини турли жиҳатдан географик ўрганишда Ковалев С.А., Ташбеков Э., Валиева Р., Қорахонов М., Салимов Х., Асанов Г., Акрамов З.М., Отамирзаев О., Солиев А.С., Аҳмедов Э., Қаюмов А., Бўриева М.Р. ва бошқаларни таъкидлаш лозим. Ўзбекистонинг демографик ривожланиши эса И.Р.Муллажоновнинг ишларида батафсил ёритилган.

Ўтган асрнинг 90 - йилларидан бошлаб, Ўзбекистонда аҳоли ва унинг ижтимоий ривожланиши масалаларини география ўрганиш кучайди.

2. Аҳолини ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиши.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришда аҳоли турлича хусусият касб этади. Бунда аввало, аҳолини омил сифатидаги ролига эътиборни қаратиш лозим. Лекин, бу борада ҳам ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Агарда, тадқиқот мавзуси бевосита хўжалик, яъни муайян бир тармоқ ва унинг ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлса, бунда инсон – аҳолининг омил сифатидаги роли юқори, агарда тадқиқот бевосита аҳоли ва унинг ҳаёти, турмуш шароитлари, турмуш тарзи билан боғлиқ бўлса, бундай тадқиқотларда аҳоли, яъни инсон тадқиқотнинг бош объекти сифатида гавдаланади. Бундан шундай хулоса чиқадики, социал, яъни бевосита ижтимоий географик тадқиқотларда – асосий объект – бу, аҳоли, инсоннинг ўзидир. Шу сабабдан, энг аввало, аҳолининг сон ва сифат хусусиятлари, демографик ривожланиши кўрсаткичларини ўрганилади. Бинобарин, аҳолининг сони, динамикаси, жинс-ёш таркиби, табиий ҳаракати ва уларнинг ҳажми, кўлами билан боғлиқ (рақамлар) жиҳатлари, ўрганилаётган муайян социал соҳанинг ривожланиш параметрларига таъсир кўрсатиш орқали, тараққиётини белгилаб беради.

Савол ва топшириқлар

Инсон, ёки аҳолини ижтимоий-географик тадқиқотларнинг марказий бўғини сифатидаги ролини асосланг.

“Аҳоли – ижтимоий географик тадқиқотларнинг объекти сифатида” мавзусини изоҳланг, тадқиқот объекти ва предметини аниқланг.

Ижтимоий географик тадқиқотларнинг мазмун-моҳияти, тадқиқот объектининг қамрови ва предметининг ўзига хослигини тушунтиринг.

2-амалий машғулот:

Шаҳарларни географик ўрганиш ва геоурбанистика муаммолари. Жаҳон хўжалиги тизимининг ривожланиш концепциялари ва тенденциялари.

- 1. Шаҳарларни географик ўрганиш ва геоурбанистика муаммолари.*
- 2. Жаҳон хўжалиги тизимининг ривожланиш концепциялари ва тенденциялари.*

1. Шаҳарларни географик ўрганиш ва геоурбанистика муаммолари.

Геоурбанистика ёки геоурбанистик тадқиқотлар бевосита шаҳар аҳоли пунктлари, шаҳарлашув жараёнлари билан чамбарчас боғланган. Бинобарин, шаҳарлар ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий мужассамлашувининг ўзига хос шаклларида бири бўлиши билан бирга, аҳоли ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисмидир. Шаҳарлашув жараёнларининг ривожланиш даражаси бевосита шу ҳудуд ёки давлатнинг ижтимоий иқтисодий тараққиёти билан боғланиб кетади. Шаҳарлар йирик аҳоли пунктлари бўлиб, унда яшайдиган кишилар қишлоқ хўжалиги билан банд бўлмасдан, бошқа ижтимоий – иқтисодий, маданий соҳаларда шуғулланишади. Шаҳарлар турли макон ва замонларда иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқарув маркази ролини ўйнаган. Шаҳар аҳоли пунктлари ўлчами жиҳатидан йирик ва унда яшовчи аҳоли, қишлоқ аҳоли пунктларидагига нисбатан кўп сонлилиги ҳамда зичлиги билан тавсифлидир. Шаҳарларнинг қудрати уларда мужассамланган иқтисодий, интеллектуал ва демографик салоҳият билан белгиланади.

Аҳоли пунктлари шаҳарга айланишида уларнинг иқтисодий салоҳияти, функцияси ҳам муҳим мезонлардан биридир. Шаҳар аҳоли пунктларида яшовчилар қишлоқ хўжалиги тармоқларида банд бўлмаслиги ёки жуда кам сонлини ташкил этиши керак. Ўзбекистонда ишчи, хизматчи ва уларнинг оила аъзолари шаҳар аҳолисининг 2/3 қисмидан кўпроғини ташкил этиши ҳамда бундай аҳоли пунктларида саноат корхоналари (оғир индустриал), коммунал хўжалик ташкилотлари, давлат уй-жой фонди, ўқув юртлари, маданий-маърифий, тиббий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари мавжуд бўлиши лозим. Бу мезон ҳам барча давлатларда бир хил эмас.

Собиқ СССРда аҳоли пунктларига шаҳар мақомини бериш бўйича бир қатор қонун-қоидалар қабул қилинган. Бундай қонун-қоидалар айрим республикаларда ўзаро фарқ қилар эди. Масалан, Украинада аҳоли сони шаҳарлар учун 10000, шаҳар типдаги посёлкалар (ШТП) учун 3000 киши қилиб белгиланган. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич тегишлича 7000 ва 2000 кишини ташкил этади.

Аҳоли пунктида истиқомат қилувчиларнинг кўпчилик қисми меҳнатнинг қандай тури билан бандлиги даражаси ҳам шаҳарча мақомини беришда муҳим белгиларидан ҳисобланади. Шаҳар аҳоли пунктларининг шаҳар, деб номланишида унда яшовчилар

миқдори ҳам муҳим кўрсаткичлардан биридир. Мамлакатлар, минтақалар аҳолисининг ҳудудий таркибида шаҳар аҳолисининг ва шаҳарларнинг ўсиб бориши – урбанизация жараёнининг ривожланишига олиб келади.

Урбанизация – (лотинча урбанус – шаҳар) – шаҳарлашиш, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва кўпайиши. Бу жараён фан-техника инқилоби даврида кескин кучайиб, шаҳар аҳолисининг кўпайишига, шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалишига сабаб бўлади. БМТ берган статистик маълумотларда ҳозирда дунё аҳолисининг тенг ярми шаҳарларда яшайди, яъни 2014 йилда ер шари аҳолисининг 50 фоизи шаҳарларга тўғри келади ва бу кўрсаткич 2030 йилда 60 фоизни, яъни 3 миллиарддан 5 миллиардгачани ташкил этади.

Геоурбанистик тадқиқотларда урбанизация даражаси бўйича мамлакатларни солиштирганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- шаҳар ташкил қилиш мезонлари (масалан, аҳоли сони);
- шаҳарларнинг умумий сони ва зичлиги;
- йирик шаҳарларнинг мавжудлиги;
- шаҳар агломерацияларининг ривожланганлиги;
- қишлоқ-шаҳар ва маятниксимон миграция;
- аҳолининг бандлик даражаси ва таркиби ва х.к.

Булардан шаҳар аҳоли салмоғи урбанизация даражасини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у ер шарининг барча ҳудудларида урбанизация жараёнининг боришини кўрсатади.

Урбанизация даражасининг кескин фарқ қилишида ижтимоий-иқтисодий омиллар муҳим ўрин тутаяди. Бирон-бир мамлакат, минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қанчалик юқори бўлса, ўша жойда урбанизация даражаси, шаҳар аҳоли салмоғи катта бўлади. Айрим ҳолларда табиий омиллар туфайли ҳам урбанизация даражаси кўтарилиши мумкин. Масалан, истикболли фойдали қазилма конлари, қулай иқтисодий географик ўрин ва х.к.

Шулардан иқтисодий географик ўрни (ИГЎ) шаҳар ва шаҳар аҳоли пунктларини таркиб топишида муҳим омил ҳисобланади. Маълумки, ИГЎ микро, мезо ва макро даражада ажратиб кўрсатилади. Шаҳар аҳоли пунктлари пайдо бўлишида, ИГЎнинг микродаражадаги аҳамияти катта мавқега эга бўлади. Унинг мезо ва макродаражадаги аҳамияти эса кейинчалик шаҳарчаларнинг ривожланиши ва йирик марказларга айланишида муҳим ўрин тутаяди. Бинобарин, айрим шаҳарларнинг микродаражадаги ўрни ноқулайлиги унинг аста-секин йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Шаҳарларнинг мезодаражада ўрни қулайлиги унинг йирик ва катта шаҳарларга айланишига замин бўлиши мумкин. Агарда бу аксинча бўлса, шаҳар кичик ҳолатида қолаверади. Шаҳарларни тадқиқ қилишда ИГЎнани тўртта босқичга ажратиш тавсия этилади.

микро ўрни-яқин шаҳар атрофига нисбатан ўрни;

мезо ўрни-мамлакат катта бир қисмига ёки унча катта бўлмаган давлатга нисбатан ўрни;

макро ўрни-йирик давлат чегараларига нисбатан ўрни;

мего ўрни-дунё миқёсида ёки унинг йирик регионларига нисбатан тутган ўрни.

Макродаражадаги ўрин шаҳарлар ривожланишида, юқори босқичларга чиқишида алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ, бу ўрин шаҳарлар тараққиётида ижобий хусусият касб этмаса, улар ҳаёт фаолияти ўзгаришсиз қолаверади.

Шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни (ИГЎ) бир қанча компонентлардан ташкил топади. Булар эса ўз навбатида яна бир неча элементларга бўлиниб кетади. Жумладан:

1.Шаҳарларнинг табиий географик ўрни:

- дунё томонларига нисбатан ўрни;
- табиат зоналарига нисбатан ўрни;
- табиий ресурсларга нисбатан;

2.Саноат –географик ўрни:

- хом ашё манбаларига нисбатан, яъни электро энергия, ёқилғи ва ҳақозо;

- қайта ишлаш саноати марказларига нисбатан;
- 3. Шаҳарларнинг агро-географик ўрни:
 - қишлоқ хўжалиги хом ашёси ишлаб чиқарадиган районларга нисбатан;
 - озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи районларга нисбатан;
- 4. Транспорт-географик ўрни:
 - ички муҳим транспорт магистралларига нисбатан;
 - халқаро аҳамиятга эга транспорт тизимига нисбатан;
- 5. Бозор-географик ўрни:
 - маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган тармоқ районларига нисбатан;
 - истъёмол моллари билан таъминлайдиган районларга нисбатан;
- 6. Геодемографик ўрни:
 - аҳоли ўсиши билан боғлиқ районларга нисбатан ўрни;
 - фан, таълим ва маданият марказларига нисбатан;
- 7. Сиёсий-географик ўрни:
 - мамлакат пойтахтига нисбатан;
 - давлат чегараларига нисбатан;
- 8. Ҳарбий-географик ўрни:
 - мудофаа аҳамиятига эга объектларга нисбатан;
 - сиёсий (ҳарбий) конфликти ўчоқларига нисбатан.

Шаҳарларнинг мазкур географик ўринлари қулайлиги уларнинг турли соҳа ва тармоқлар бўйича ривожланишига имкон беради. Ҳар бир шаҳар учун энг муҳим географик ўрни бу транспорт тармоқларига нисбатан жойланиши бўлса ҳам турли ҳудудларда ИГЎ аҳамияти бир-биридан маълум даражада фарқ қилади.

Шаҳарлар ҳоҳ у йирик, ҳоҳ майда бўлишидан қатъий назар ҳар бирининг бажарадиган ўз функцияси бор. Шаҳарларнинг функцияси-аҳолининг шаҳар ҳосил қилувчи тармоқ ва соҳалардаги ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади. Шаҳарларни шаҳар ҳосил қилувчи функциясига кўра иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

I. Ишлаб чиқариш (индустриал):

- саноат;
- транспорт;
- савдо-сотик.

II. Ноишлаб чиқариш:

- ҳарбий;
- маданий;
- курорт.

Шунингдек, баъзи олимлар шаҳарларни қуйидаги функционал типларга ажратишни маъқул кўради.

- сиёсий-маъмурий марказлар, пойтахт шаҳарлар;
- кўп функцияли шаҳарлар-вилоят марказлари;
- кўп тармоқли йирик саноат марказлари;
- асосан бир ёки икки саноат тармоғига ихтисослашган шаҳарлар;
- транспорт марказлари;
- агроиндустриал шаҳарлар;
- туман марказлари;
- рекреация шаҳарлари;
- Илму-фан марказлари, университет шаҳарлари ва х.к.

Шаҳарлар катта-кичиклигига қараб ҳам функционал типларга ажратилади. Шаҳарларнинг катта-кичиклиги улар аҳолиси сонига қараб белгиланади.

Шаҳарларнинг функционал тузилиши шаҳар ҳаётининг барча жабҳасида яққол сезилади, шу боисдан шаҳарларни турли йўналишда **тадқиқ этишда** буни албатта ҳисобга олиш лозим. Шаҳарларнинг функционал тузилиши аҳоли такрор барпо бўлиши суръатига, аҳоли демографик таркибига, аҳоли бандлиги, аҳоли миграцияси характериға, аҳоли

ижтимоий таркибига ўз таъсирини ўтказди. Аҳолининг йирик шаҳарларда тўпланиши йирик–катта шаҳарларнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлмоқда. Йирик шаҳарлар майда ва ўрта шаҳарлар ҳисобига тобора гигант шаҳарларга айланмоқда.

Ишлаб чиқариш, маданий-маиший, коммунал–хўжалик алоқалари ўзаро туташган ҳолда вужудга келаётган шаҳар аҳоли пунктларининг янги тури фанда агломерация, деб номланади. Агломерация–аҳоли пунктларнинг бир-бирларига қўшилиб кетиб, улкан шаҳар, ягона иқтисодий ҳудуд ҳосил қилиши. Агломерацияларда аҳоли зич ўрнашган, хилма-хил ишлаб чиқариш тармоқлари, хусусан саноат корхоналари, илмий ва ўқув муассасалари тўпланган бўлади. Шаҳар агломерацияси ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланиши туфайли турли функционал тип ва йирикликдаги шаҳарларнинг вужудга келиши ва уларнинг бир жойда тўпланишидан, хусусан шаҳарларнинг қулай иқтисодий географик ўрин туфайли энига ва бўйига кенгайиб боришидан ҳамда йирик шаҳар атрофида ва унга яқин жойда шаҳар ва шаҳарчаларнинг таркиб топиб қўшилиб кетишидан пайдо бўлади.

Шаҳар агломерацияси қуйидаги шарт ва шароитларга таянган ҳолда шаклланади:

- шаҳар атрофида битта ёки иккита йирик шаҳар бўлиши лозим;
- унинг атрофида камида иккита шаҳар ва шаҳарчалар бўлиши шарт;
- марказий шаҳар (агломерация ядроси) ва йўлдош шаҳарчалар орасидаги масофа энг кўпи икки соатлик вақт доирасида бўлиши зарур;
- агломерация шаҳар ва шаҳарчалари ўртасида маятниксимон (тебранма) миграция алоқаси ривожланган бўлиши шарт;
- атрофидаги шаҳарлар аҳолиси энг ками агломерация аҳолисининг 10 фоизини ташкил этиши зарур ва х.к.

Агломерация чегаралари одатда, марказ шаҳар билан унинг атрофидаги шаҳарлар ўртасидаги меҳнат, маданий-маиший алоқалар самарадорлиги билан белгиланади. Бу алоқалар чегараси ҳозирги замонавий транспорт ривожланган бир вақтда 50-60 км ораликдаги радиусни ташкил этади. Кўпгина ҳолларда бу шаҳар агломерация чегараси маъмурий чегаралар билан мос келмайди.

Шаҳар атрофидаги аҳоли пунктларининг шаҳар марказидан ва унинг атрофидан келаётган аҳоли ҳисобига тезроқ ривожланиши шаҳар агломерациясининг ўз чегарасидан ташқарига чиқишига олиб келмоқда. Бу жараён фанда субурбанизасия-деб аталади (субурбанизасия лотинчадан субур-шаҳар атрофи). Шаҳар марказидаги экологик вазият, ўзига хос мураккаб турмуш тарзи, нарх-навонинг баландлиги, жиноятчиликнинг ўсиши, ва бошқалар одамларнинг шаҳардан ташқарига кўчиб ўтиши ва шаҳар марказига ишга келиб-кетиши субурбанизасия жараёнинг ривожланишида етакчи омиллар ҳисобланади. Энг аввало бунда аҳолининг моддий жиҳатдан ўзига тўқ қатлами шаҳар атрофига келиб жойлаша бошлайди. Кейинчалик ўрта қатлам ва ўз навбатида аҳоли билан бараварига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам келиб ўрнашади, ривожланади.

2. Жаҳон хўжалиги тизимининг ривожланиш концепциялари ва тенденциялари⁴.

Савол ва топшириқлар:

Шаҳарлар ёки георбанистика муаммоларини тадқиқ қилишнинг илмий-услубий хусусиятларини тушунтиринг.

Георбанистик тадқиқотлар мазмунини тушунтиринг.

Шаҳарлар географияси ва георбанистикага оид тадқиқотларнинг илмий – амалий аҳамиятига баҳо беринг.

Жаҳон хўжалиги тизимлари ва уларни тадқиқ қилишнинг географик жиҳатларини аниқланг.

⁴ Вахабов А., Таджибаева Д., Хажибоқиев Ш. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма.-Т.:Молия, 2011.- б.- 6-13.

Қўшимча тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Spens N., Owens A. Methods of geographical analysis. Published by: University of London, 2007. Reprinted with minor revisions 2011.
2. Изард У. Методы регионального анализа: введение в науку о регионах. Изд.: «Прогресс», Москва, 1966.
3. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. М: ГУ - ВШЭ, 2001, 2003.
4. Анна Баттимер. Путь в географии. – М.: Прогресс, 1990.
5. Асанов Г. Р. Социал – иқтисодий география. Термин ва изоҳли тушунчалар луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 248 б.
6. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избранные труды. – М., 1980.
7. Зокиров Ш., Тошев Х. География тарихи. – Бухоро, “Дурдона”, 2015.
8. Колосов В.А. Геополитика и политическая география. – М., 2002.
9. Максаковский В.П. Историческая география мира. – М., 1999.
10. Поросенков Ю.В., Поросенкова Н.И. История и методология географии. – Воронеж, 1991.
11. Саушкин Ю.Г. История и методология географической науки. – М.: МГУ, 1980.
12. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. – М., 1984.
13. Солиев А., Ахмедов Э. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.: Университет, 2003.
14. Ахмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. Т., 2002.
15. Солиев А. Иқтисодий география: назария, метод ва амалиёт. – Т., 2013.
16. Солиев А. Ҳудудий мажмуаларнинг назарий асослари. – Тошкент: Университет, 2007.
17. Солиев А. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: Университет, 2014.
18. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси). Т., 2009.
19. Социально-Экономическая география: понятия и термины. – Смоленск, 2013.
20. Скопин А.Ю. Введение в экономическую географию. – Смоленск., 2013,
21. Трофимов А.М. Шарыгин М.Д. Общая география (Вопросы теории и методологии). – Пермь, 2007.
22. Алаев Э. Б. Социально-экономическая география: Понятийно-терминологический словарь / Э.Б. Алаев. – М.: Мысль, 1983. -350 с.
23. Голубчик М.М. История географии : учеб. пособие / М.М. Голубчик, С.П. Евдокимов, С.Н. Максимов. – Смоленск : Изд-во Смолен. гум. ун-та, 1998. - 224 с.
24. Голубчик М.М. Политическая география мира. Учеб. Пособ. Смоленск, 1998.
25. Хаггет П. География: синтез современных знаний / П. Хаггет. – М.: Прогресс, 1979. – 684 с.
26. Вахабов А., Таджибаева Д., Хажибоқиев Ш. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2011.

3-амалий машғулот:

Социал ва маданий география. Сервис географияси.

1. Социал ва маданий география.
2. Сервис географияси.

1. Социал ва маданий география.

Жамият ривожланишининг қонуниятларини ўрганишда, унинг ҳудудий ташкил этилиши масалаларини тадқиқ этишда замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг аҳамияти катта. Авваламбор, бевосита моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ёки хўжаликлар географияларининг ривожланиши билан таркиб топган иқтисодий география, ўтган асрнинг 80 йилларига келиб, ҳозирдаги иқтисодий ва ижтимоий географияга айланди, бунда унинг социал қаноти тезроқ ривожланди. Мазкур фан ривожланишининг ички мантиқидаги бундай қонуний жараёнларнинг марказида, инсон ва унинг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ барча мураккабликларнинг ҳудудий қирраларини ўрганиш масалалари ётади.

Социал география, замонавий география фанлари тизимидаги аҳоли ва у билан алоқадор барча ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳудудий қонуниятларини тадқиқ қилувчи, янги ва тез ривожланаётган тармоғидир. Унинг шаклланиши ва ривожланиши бир томондан география фанларининг ўз ички ривожланиши мантиқи ва, иккинчи томондан эса унга бўлган “ижтимоий буюртма” билан чамбарчас боғланган.

Ҳозирги даврда сотсил географияни, мустақил фан тармоғи сифатида тўла шаклланган деб бўлмайди. Унинг шаклланиши жараёнлари давом этмоқда, Айниқса, унинг тадқиқот объекти, ички тузилиши, фанлар тизимида тутган ўрни масалаларига янада ойдинлик киритиш зарур.

Социал географик тадқиқотларнинг диққат марказида (яъни махражида) доимо инсон (омили) ётади. Шунинг учун ҳам социал географияни шаклланишининг илк асоси бевосита аҳоли географияси билан боғлиқ. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси, рекреатсия, тиббиёт, маданият, таълим ва фан географияларининг ривожланиши билан сотсиал географиянинг ривожланиши янада жонланди. Шунинг билан бирга, унинг жиноятчилик, хулқ-атвор ва турмуш тарзи географиялари каби бўлимлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Ҳозирги замон фанлари тизимида бевосита аҳоли ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганишда замонавий иқтисодий ва сотсиал география алоҳида ўрин тутаяди. Айниқса, унинг сотсиал география қаноти жамият ёки аҳоли ижтимоий ривожланишининг ҳудудий қирралари, қонуниятларини ўрганиши билан муҳим аҳамияга эга.

Сўнги ўн йилликлар тажрибаси шуни кўрсатадики, анъанавий иқтисодий ва сотсиал география фанининг тадқиқот объекти ва предмети доираси анча кенгайди, мукаммаллашди. Авваллари илмий тадқиқотларнинг негизида кўпроқ, ишлаб чиқариш кучлари ва уларни ривожлантириш масалалари ётган бўлса, бугунги кунга келиб, аҳолининг ўзини ёки инсоннинг ижтимоий эҳтиёжлари билан боғлиқ, масалаларни ҳар томонлама ўрганишга, айниқса, аҳолининг ижтимоий, маданий-маънавий турмуш тарзини ҳудудий ташкил этиш қонуниятларини тадқиқ этишга эътибор кучайди ва шу аснода ижтимоий географиянинг фан тармоғи сифатида шаклланиши жараёнлари тезлашди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда бир қатор ижтимоий фанлар, биринчи навбатда иқтисодий фанлардаги «ижтимоийлашув»

жараёни том маънода иқтисодий географияга ҳам хос. Бинобарин, аҳоли географияси, аҳоли манзилгоҳлари географиясининг ривожланиши билан иқтисодий географиянинг сотсиал қаноти шакллана бошлади.

Иқтисодий географиянинг ривожланиши ва унинг муҳим қисми бўлган сотсиал географияга (бу эрда у тор маънода) эътиборнинг кучайиши айрим олимлар томонидан хатто Баранский- Колосовский илмий мактабининг асосий кўрсатмаларидан қайтиш сифатида ҳам тушунилади. Бироқ, иқтисодий географиянинг ижтимоийлашувини унинг тармоқларини бир томонлама ривожланишда деб эмас, балки ўзаро уйғунликда, бир-бирини тўлдиришда, бойитишда деб тушунмоқ мақсадга мувофиқдир.

Ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ таниқли олим Н.Н.Баранский “сотсиал география”ни яратиш масаласини кўндаланг қўйган эди ва кейинроқ, уни муҳим бўлимларининг асосий масалаларини (аҳоли географияси, хўжаликлар географияси, шаҳарлар географияси ва б.) ўрганди. Ўша даврдаёқ Н.Н.Баранский таъкидлаган эдики, иқтисодий- географ нафақат аҳолининг таркиби, жойлашуви, аҳоли манзилгоҳларининг тавсифини, балки унинг фикр-ўйлари, урф-одатлари ва маданиятини ҳам билиши керак.

Сотсиал география, география фанлари тизимидаги янги шаклланиб келаётган йўналишлардан биридир. Унинг тадқиқот объекти ва предмети тўла шаклланмаган ва бу борада олимлар ўртасида ҳозиргача баҳс-мунозаралар мавжуд.

Турли даврларда бевосита аҳоли, яъни унинг яшаш, меҳнат қилиш, дам олиш, соғлиғини сақлаш ва бошқа ижтимоий, маданий - маънавий ҳаёт фаолиятлари билан боғлиқ масалалар хорижда ва шунингдек, собиқ совет иқтисодий географияси доирасида ҳам ўрганиб келинган. Шунинг учун ҳам таниқли олим Ю.Г.Саушкин сотсиал географияни иқтисодий географиядан ажратиш, иқтисодий ва сотсиал географияни бир бутун ҳолда ривожланишига зид эканлигини, реал борлиқни англашга тўла жавоб бермаслигини, яъни инсонни ижтимоий ҳаёти мураккабликлари билан иқтисодий географиядан «суғуриб» ташлаб бўлмаслигини ҳам уқтиради⁵.

Ҳозирги кунда соцсиал географиянинг тор ва кенг маънодаги талқини мавжуд. Жумладан, профессор А.Солиевнинг таъкидлашича, тор маънодаги ижтимоий география (яъни, сотсиал география)-бу бевосита инсон ҳаёти билан борлиқ масалаларнинг ҳудудий жиҳатларини, унинг ўзи яшаб турган муҳити билан муносабатини ўрганувчи фандир. Кенг маънодаги ижтимоий география эса ўз ичига тор маънодаги сотсиал география ва инсоннинг ижтимоий ҳаёт тарзи, маданий, маънавий, руҳий ривожланиши масалаларининг ҳудудий қирраларини ҳам қамраб олади.

Сотсиал географиянинг ривожланишидаги илк ўзгаришлар хорижда (Европада) кўзга ташланади. Хусусан, “сотсиал география” тушунчаси XIX асрнинг охирларидаёқ франсуз мактаби вакили, иқтисодчи ва сотсиолог Ле-Пле томонидан фойдаланилганлиги манбалардан маълум. Яна бир тадқиқотчи Г.С.Дунбарнинг таъкидлашича, ушбу тушунча илк бор П.де Рузенинг 1884 йилда чоп этилган сотсиал география бўйича изланишларида қўлланилган.

Ле-Пле илмий мактабининг таниқли намоёндаси э.Демолен эса сотсиал географияни “сотсиогеография” тарзида талқин қилади ва унинг моҳияти маҳаллий шарт-шароитлар (шу жумладан табиий шароитлар)ни ижтимоий ривожланишга, “ижтимоий гуруҳ”ларнинг вужудга келишига таъсири сифатида тушунтиради.

Тахминан шу даврларда, яъни 1895 йили сотсиал география тушунчаси э.Реклю томонидан унинг салмоқли асари бўлган “Умумий география”да қўлланилди. Бунда у сотсиал географияни табиий шарт-шароитларнинг кишиларни меҳнат ва турмуш тарзига ҳудудий жиҳатдан ўзгарувчан таъсир

⁵ Вопросы географии, - М., № 115, стр.19.

этиши маъносида тушунган. Аммо, шунга қарамай “сотсиография” мактабининг вакиллари ҳам, э.Реклю ҳам сотсиал география тушунчасининг моҳиятини тўлиқ очиб беролмадилар ва география фанида янги фан йўналишини яратдилар, деб ҳам бўлмайти.

XX асрнинг бошларига келиб Нидерландияда география ва сотсиологиянинг уйғунлашувидан вужудга келган “янги фан”-сотсиал география пайдо бўлди. Унинг предмети “жамиятдаги гурухлар ва ўзаро алоқадорликларнинг регионал тақсимланишини ўрганиш” деб тушунилди. Мазкур фан тармоғининг айнан Нидерландияда пайдо бўлиши ҳам бежиз эмас. Чунки, унинг амалий вазифалари, аҳолиси зич ва эр ресурслари тақчил бўлган Нидерландияда минтақавий режалаштириш масалаларини ҳал этишда ўта долзарб аҳамият касб этди. Ўтган асрда 50-60 йилларга келиб эса сотсиография қишлоқ жойларидаги ҳудудий ижтимоий тафовутларни ўрганувчи фан сифатида Амстердам университетиде ривожланди. Худди шу ўринда биз сотсиал географияни объектив ва шиддатли ривожланишининг нафақат Нидерландия, балки ҳоҳлаган капиталистик мамлакат учун хос бўлган манбаларини аниқлашимиз мумкин. Бундай манбалар, сабаблар ушбу давлатларнинг тараққиётидаги минтақавий тафовутларнинг кескинлашуви, шаҳарлар ривожланишининг танглиги каби ўта долзарб муаммолар билан боғлиқ. Баъзи бир ғарб (жумладан, швед) олимлари сотсиал географияда тадқиқотларнинг “хулқ-атвор” (поведенческий) ҳамда “фаровонлик” (благополучия) мавқеидаги ёндошувларини ажратиб кўрсатишади. Биринчи ёндошув - бу хўжаликни макондаги табақаланишини субъектив равишда, яъни одамларнинг оқилона йўналтирилган хатти-харакатлари орқали асослаш, ёки ташкил этиш билан боғлиқ бўлса. иккинчи, яъни Д.Бартелс асослаб берган “фаровонлик” ёндошуви нуқтаи - назаридан бажариладиган сотсиал географик тадқиқотларнинг вазифалари жамиятнинг дискриминатсия қилинган гуруҳ ва ҳудудларини аниқлаш ва тадқиқ этишдан иборат. Уларга камбағаллик, очлик, инсонга муносиб ҳаёт шароитларидан чекинишни тадқиқ этиш ва уларни бартараф этишнинг чора - тадбирларини ишлаб чиқиш кабилар қиради. Аммо, таъкидлаш жоизки, айрим собиқ Иттифоқ ҳамда ғарб олимлари юқорида зикр этилган ёндошувларнинг изчил илмий натижалар беришига авваллари шубҳа билан қараганлар.

Сотсиал географиянинг шаклланиши ва ривожланиши жаҳоннинг кўпроқ ғарб давлатлари ҳамда собиқ Иттифоқда ўзига хос шарт-шароитларда кечди.

Ҳозирги сотсиал географиянинг вужудга келиши ва ривожланишига собиқ Иттифоқ географ олим ва тадқиқотчилари ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Бу даврда сотсиал географиянинг ривожланишида шартли уч босқични ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи босқич - ўтган асрнинг 50 - йилларигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу даврга хос хусусиятлардан бири ижтимоий ходиса ва жараёнларнинг айримлари иқтисодий ва этногеографик тадқиқотлар доирасида ўрганилди. Шуларга қарамай аҳолининг турмуш шароитлари, маданий, маиший хусусиятларини ўрганишнинг зарурлиги собиқ совет география фанининг дастлабки йилларидаёқ таъкидланган эди.

Сотсиал география аҳоли географияси асосида шаклланди. Барча аҳоли ёки муайян бир ижтимоий гуруҳнинг сотсиал ривожланишидаги ҳудудий тафовутларни тадқиқ этиш фақатгина ижтимоий географиянинг предмети бўлмай, балки минтақавий сотсиологияга ҳам хосдир. Аммо, сотсиологик тадқиқотларнинг ҳудудий қамровини этарли даражада деб бўлмайди.

Иккинчи босқич - бу қисқа давр, яъни 50 - 70 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда аҳоли географияси тез ривожланди ва шу билан бирга, географик тадқиқотларда сотсиология категориялари ва тушунчалари кенг қўлланила бошланди.

Учинчи босқич - кейинги бир неча ўн йилларни ўз ичига олади ва сотсиал география айнан шу даврда расман тасдиқланди. Ушбу босқичда бевосита сотсиал географияга хос ишларнинг қўламини этарли деб бўлмасада, аввалгиларига нисбатан

этиборга молик ишлар бажарилди. Бу даврда бажарилган ижтимоий географик тадқиқотлар соҳавий ҳамда минтақавий жиҳатлари билан ажралиб туради. Айниқса, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси бўйича салмоқли ишлар эълон қилинди. Улар орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиш мумкин: Социальная география Калининградской области. Калининград, 1982.; Габиани А.А., Гачечиладзе Р.Г. Некоторые вопросы географии преступности. Тбилиси, 1982; Абрамов М.А. География сервиса. М., 1985; Алексеев А.И., Ковалев С.А., Ткаченко А.А. География сферы обслуживания. Калинин, 1988; Меркушева Л.А. География сферы обслуживания. Красноярск, 1989; Алексеев А.И. География селской местности. М., 1989; Алексеев А.И. Многоликая деревня, М., 1990 ва бошқалар.

Социал географиянинг вужудга келишида «Вопросы географии» илмий тўпламининг 5 ҳамда 115 сонлари ва, айниқса “Социальная география СССР. Л., 1984”; “Проблемы социальной географии СССР и зарубежных стран. Л., 1985” каби илмий ишлар тўпламларининг аҳамияти катта.

Юқорида номлари қайд этилган илмий манбалардан маълум бўладики, социал географиянинг предмети, моҳияти ва вазифалари турли даврларда ва муаллифлар томонидан турлича талқин қилиб келинди ва бу борада то ҳозирга қадар баҳс - мунозарали ҳолатлар мавжуд.

Социал-географик тадқиқотларнинг объекти ва мазмуни хусусидаги илк натижаларни Р.М.Кабонинг ишларида учратамиз. Жумладан, унинг фикрича “социал-маданий” география меҳнат фаолияти билан боғланган аҳоли жойлашуви типлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маданий хусусиятларининг ҳудудий тафовутларини ва, шунингдек, ҳар бир ижтимоий-худудий одамлар гуруҳини ўзида мужассам этган барча элементларнинг мураккаб уйғунлигини кўриб чиқади.

Социал географиянинг тузилиши ва вазифаларини М.Ф.Грин янада кенгроқ талқин қилди. Унинг фикрича, ижтимоий география социал сиклга мансуб географик фанлар билан бирга, иқтисодий географияни ҳам қамраб олади. Социал географиянинг бундай кенг маънодаги талқини В.М.Гохман ва С.Я.Ниммик тушунган “Общественная география”га мос тушади.

Ушбу масалага амалий нуқтаи назардан реал ва асосли равишда ёндошган А.А.Долининнинг фикрича “ижтимоий ходиса ва жараёнларнинг минтақавий хусусиятларини, минтақаларнинг табиати, иқтисодиёти ва демографик вазиятини тавсифловчи нарсаларни жалб этмасдан чуқур ўрганиб бўлмайди, демак бундай тадқиқотларни иқтисодий-географлар муваффақиятли равишда амалга оширишлари мумкин”. А.А.Долинин бўйича социал географиянинг объекти - бу одамларнинг ўзаро муносабатлари орқали боғланган ҳудудий бирикмаларидан иборат. Ушбу ҳолатда турлича иқтисодий, социал, демографик жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги таъкидланиб, географик фан сифатида социал география табиий шароитнинг таъсирини ҳам этиборсиз қолдирмайди. Шундай қилиб, А.А.Долининнинг кўрсатмаларидаги этиборни ўзига тортадиган жиҳати турли таксономик тоифадаги раёнларнинг ижтимоий ривожланиши даражаларини аниқлашда, ҳамда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни ўрганишда географик масалаларга этиборни кучли эканлигидир.

С.Б. Лавров, А.А.Анохин, Н.Т.Агафоновлар эса социал географияни ижтимоий-иқтисодий географиянинг бир бўғини сифатида, социал тузилмаларни муайян ижтимоий-тарихий шароитларда жойлашуви ва ҳудудий ташкил этилиши қонуниятларини ўрганувчи фан деб ёки, бошқача қилиб айтганда, агарда ижтимоий тузилмалар жамият билан бир бутун ҳолда ҳудудий ташкил этилар экан, у ҳолда социал географияни ҳудудий ижтимоий тузилмаларнинг ривожланиш омиллари ва қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида ҳам тушуниш мумкин деб таърифлашади.

Аммо, юқоридаги муаллифлар ўз тадқиқотларининг сўнгида аҳоли географияси доирасида айрим социал ходисаларни таҳлил этиш тажрибасига кўра, социал географияни социал соҳаларни ҳудудий жиҳатдан ўрганувчи фанлар поғоналашувида

тутган ўрнини қуйидаги тўрт йўналишга ажратади:

1. Сотсиал география мавжуд эмас, аммо географияда сотсиал жиҳатларни борлиги шубҳасиздир.

2. Сотсиал география – мустақил фан бўлиб, география фанлари таркибида энг қуйи поғонада жойлашган. Кўп ҳолларда уни аҳоли географиясининг таркибий қисми сифатида кўриш мумкин.

3. Сотсиал география – мустақил фан бўлиб, география фанлари таркибида ўрта иерархик поғонада, яъни масалан, иқтисодий география билан бир поғонада жойлашган.

4. Сотсиал география - мустақил фан бўлиб, кенг маънодаги ижтимоий географик фанлар таркибида юқори иерархик поғонада жойлашгани ҳолда, ижтимоий географиянинг синоними ҳисобланади; сотсиал (ижтимоий) география таркибига иқтисодий география ҳам қиради.

Биринчи йўналишга мансуб муаллифлар сотсиал (ижтимоий) география мустақил мавжуд эмаслигини ёқлайдилар. Улар жумласига э.Б.Алаев, С.А.Ковалев, Н.Я.Ковалская, Г.М.Лаппо, С.Б.Лавров, Г.В.Сдасюк, Ю.Г.Саушкин, А.А.Ткаченколарни киритиш мумкин, Ушбу олимлар яратган бир қатор манбаларда сотсиал ва иқтисодий жиҳатлар бўлинмаслиги ва қатий бўлишга уринишлар натижасиз бўлиши таъкидланади. Носотсиал иқтисодий ҳодисалар ва носотсиал иқтисодий раёнлаштириш йўқ, шу билан бир вақтда улар “сотсиал география”ни шаклланишини инкор этмайди, дейилади.

Иккинчи йўналишга мансуб қарашларга кўра, сотсиал география мустақил бўлиб, географиянинг қуйи иерархик поконасида, аҳоли географияси таркибига қиради. (Анохин А.А. Костяев А.И. Долинин А.А). Жумладан, А.А.Долинин сотсиал географияни аҳоли географиясининг ўзига хос бўғини сифатида қарайди. Унинг фикрича, сотсиал география одамларнинг ҳудудий бирикмаларини ижтимоий ривожланиш даражаларини аниқлашда мужассамлашган.

А.А.Анохин ва А.И.Костяевлар эса сотсиал география аввал бошданок турли таксономик тоифадаги раёнларнинг ижтимоий ҳаётини ҳудудий ташкил этилишини ўрганувчи фан сифатида шаклланди деб ҳисоблайдилар. Сотсиал географияни аҳоли географияси доирасидан анча кенг маънода тушунишларига қарамай, юқоридаги муаллифлар, барибир аҳоли географияси асосларидан келиб чиқадилар.

Учинчи йўналишга мансуб қарашларга кўра, сотсиал география-бу мустақил фан бўлиб, иқтисодий география билан бир даражада тургани ҳолда, ижтимоий географиянинг (кенг маънода) оҳирги асосий тармоғи ҳисобланади. бундай нуқтаи - назарни В.М.Гохман ва С.Я.Ниммиклар ёқлаб чиқишган ва улар бир ҳил шундай хулосага келишган. Шунингдек, улар ривожланганлик даражасига кўра сотсиал географияни иқтисодий географиядан орқада қоляпти, чунки сотсиал география анча кейин шакллана бошлади деган, фикрдалар. Баъзи бир муаллифлар, масалан С.Ниммик сотсиал географияни иқтисодий географияга қарамлигини ва шунингдек, сотсиал ва маданий географияни бўлинмаслигини ҳам кўрсатиб ўтади.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда ижтимоий (общественная) география иқтисодий география ва “ноикитисодий”, яъни сотсиал географияга бўлинади деган фикрдаги муаллифлар сони ортиб бормоқда. Бундай илмий қараш учинчи ва тўртинчи йўналишлар орасида ораливи, бўғинни ҳосил қилади.

Тўртинчи йўналишга мансуб нуқтаи-назарга кўра сотсиал географияни барча ижтимоий муносабатларни қамраб олган фан сифатида тушуниш мумкин. Бу эрда “сотсиал” ва “ижтимоий” (общественная) тушунчалари ўзаро мос ва улар ўзаро синонимлардир. Демак, буларга кўра сотсиал география (ижтимоий география) бошқа ижтимоий-географик тармоқлар (аҳоли географияси, сиёсий география, харбий география, тарихий география ва б)дан ташқари иқтисодий географияни ҳам қамраб олади. Н.Н.Баранский ҳам ижтимоий географияни шундай кенг маънода тушунган ва бундай тушуниш маҳаллий олимларга (А.Солиев, О.Отамирзаев ва бошқалар) ҳам хос.

Сотсиал географияни тутган ўрни хусусидаги биринчи йўналишга мансуб қарашлар

уни ривожланишига шароит яратмайди. Иккинчи йўналишга мансуб қарашлар эса аҳоли географиясининг аҳамиятини ошириб юборади. Кўпчилик тадқиқотчилар аҳоли географиясини географиянинг сотсиал қаноти, ядроси деган фикрдалар (Лавров С.Б., Сдасюк Г.В.), ёки аҳоли географияси ижтимоий (общественная) географияда алоҳида шрин тутади (Ныммик С.Я).

Сотсиал географияни тутган ўрни хусусидаги учинчи йўналишдаги қарашларнинг вужудга келиши тўла қонунийдир. Бунга кўра, сотсиал география, география фанлари таркибида ўрта даражадаги (поғонадаги) фан ҳисобланади. Тўртинчи йўналишдаги қарашлар барчага тушунарли ва мантикийдир. Унга кўра сотсиал география (кенг маънода) барча ижтимоий-географик фанларни қамраб олган фан бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда кўпчилик муаллифлар томонидан “сотсиал география” терминини бир вақтнинг ўзида тор ва кенг маънода тушунишнинг зарурати туғилди. У.Мерестенинг фанларни интегратсиялашуви концепсияси бўйича, ижтимоий география (кенг маънодаги сотсиал) сотсиал географиянинг синонимидир. Сотсиал география – барча ижтимоий объектлар ва улар ўртасидаги сотсиал ва географик муносабатларни қамраб олган ижтимоий географик тизимларни ўрганади.

Жамият томонидан яратилган ва ўзининг инфратузилма (ижтимоий, ишлаб чиқариш) шароитларига эга бўлган ҳолда муайян ижтимоий вазифани бажариш юклатилган хўжалик тармоқлари ёки соҳалари, объектлари мавжудки, уларнинг инфраструктура тизимларини шаклланиши ва ривожланишининг ҳудудий масалаларини тадқиқ этиш, бизнингча, тор маънодаги ижтимоий (яъни, сотсиал) географиянинг тадқиқот доирасига киради. Кенг маънодаги ижтимоий география юқоридаги сотсиал географияни ҳамда жамиятнинг ижтимоий тузилмаларини, гуруҳларини, кишиларнинг ижтимоий, маданий - маънавий ҳаёт тарзини ривожланишининг ҳудудий масалаларини, жиҳатларини қамраб олади.

Фалсафий моҳиятига кўра, агарда инсон ва унинг турмуш шароитлари, меҳнат қилиши, билим ва дам олиши, соғлиғини тиклаши, фикр-ўйлари, урф--одатлари билан боғлиқ ёки бир сўз билан айтганда, кенг маънодаги ижтимоий воқеа-ҳодисалар макон ва замонда мавжуд экан, ўз навбатида уларни вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг ҳудудий қонуниятларини ўрганиш заруриятининг туғилиши табиий ва ушбу масала, фанлар мантиқига кўра, аввало география фанининг тадқиқот объекти доирасига киради, аниқроғи у билан ижтимоий географиянинг шуғулланиши мақсадга мувофиқдир.

Сотсиал ёки тор маънодаги ижтимоий географиянинг Ўзбекистонда шаклланиши ва ривожланишига маҳаллий олимлар, хусусан А.С.Солиев ва М.И.Назаровлар ўз хиссаларини қўшдилар. Жумладан, А.С.Солиев ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида эълон қилинган қатор рисола ва ўқув қўлланмаларида анъанавий иқтисодий географиянинг ривожланиш йўналишларини очиб берган ва шу ўринда мазкур фаннинг сотсиаллашуви (ижтимоийлашуви)га алоҳида урғу берган.

А.Солиев фикрича, кенг маънодаги ижтимоий география (иқтисодий ва сотсиал география) энг аввало қуйидаги уч блок ёки таркибий қисмдан иборат: *биринчи блокка* у иқтисодий география, яъни ишлаб чиқариш географиясини, *иккинчи блокка* аҳоли билан боғлиқ сотсиал-иқтисодий географик фанларни ва, *учинчи блокка* эса, тор маънодаги ижтимоий география ёки аниқроғи сотсиал географияни киритади. Шунингдек, А.Солиев айрим ҳолларда «сотсиал» тушунчаси тўла «ижтимоий» тушунчасига мос келмаслигини ҳам таъкидлаб, биринчи атаманинг ҳам баъзан ишлатилишини мақсадга мувофиқ деб билади.

Сотсиаллашув жараёнларининг натижаси, ўлароқ ўтган асрнинг 90-йиллари бошларига келиб, таниқли олим А.Солиев раҳбарлигида М.Назаров томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш муаммолари бўйича бажарилган диссертатсия иши (1996) анъанавий иқтисодий географиядан сотсил география томон муҳим бир қадам бўлди. Бунинг давоми сифатида кейинчалик фан, ва илмий тадқиқотлар географияси (Назарова

Х., 1997), тиббиёт географияси (Комилова Н., 1999, 2012), жиноятчилик географияси (Қаюмов А., 2006) бўйича диссертатсиялар ёқланди.

Шундай қилиб, сотсиал география (кенг маънода) – бу география ва ижтимоий фанлар ўртасидаги интегратсия жараёнларида вужудга келаётган география фанлари тизимидан иборат. Хозирги даврда ушбу тизимда фанларнинг уйғунлашуви (синтези) рўй бермоқда ва ижтимоий географиянинг умумий назарияси тез шаклланмоқда. Демак, ижтимоий география шаклланиш босқичини бошидан кечирмоқда ва шунинг учун ҳам унинг мустақиллиги ва бир бутунлиги истикболидан далолат беради.

Сотсиал географиянинг мустақиллиги биринчи навбатда, мазкур фан назариясини вужудга келтирилиши билан ва иккинчидан, унинг атрофида интегратсиялашган турли фанларнинг шаклланиши билан таъминланади.

Собиқ Иттифоқ давридан бошлаб соцсиал география қуйидаги уч асосий йўналишда ривожланмоқда:

Биринчи йўналиш, бу ушбу фаннинг ҳозирга қадар шаклланган бўлимларининг (аҳоли географияси, геодемография, аҳолига хизмат кўрсатиш сохалари географияси ва ижтимоий инфратузилма) ривожланишини давом этиши.

Иккинчи йўналиш янги шаклланаётган бўлимларни ўз ичига олади. Буларга тез ривожланаётган рекреатсия географиясини, аҳолининг турмуш тарзи географияси, маданият географияси ва бошқалар мансуб.

Учинчи йўналиш, секинлик билан бўлсада, ижтимоий географиянинг умумий назариясини пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Ижтимоий географиянинг муҳим вазифаларига қуйидагилар қиради:

1) соцсиал география “тармоқ”ларини ривожлантириш, яъни аҳоли географияси ва жойлашуви, хизмат кўрсатиш сохалари, истеъмол, рекреатсия ва бошқалар;

2) йирик масштабли сотсиал - географик тадқиқотларни олиб бориш;

3) соцсиал географиянинг хорижий мамлакатларда ривожланишини ўрганиш;

4) соцсиал географиянинг барча йўналишларига тегишли бўлган ўзига хос вазифаси, яъни илмий тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга тадбиқини кучайтириш.

Ҳозирги даврда сотсиал география шаклланиш жараёнларини бошидан кечирмоқда. Шу сабабдан, айнан шу даврга хос бўлган энг долзарб муаммолар жумласига қуйидагилар киритилади:

- ижтимоий-географик раёнлаштириш (принциплари, мезонлари, кўрсаткичлар тизими, тадқиқот усуллари, иқтисодий ва бошқа турдаги раёнлаштириш турлари билан нисбати);

- аҳолининг турмуш тарзи ва даражаларидаги, ижтимоий тузилмалар ва уларнинг тадрижий ўзгаришларидаги, ижтимоий сохаларни ҳудудий ташкил этишдаги раёнлараро тафовутлар;

- умумлаштирувчи ва махсус ижтимоий-географик типологиялар (геодемографик вазият, шаҳарлар ва аҳоли жойлашуви тизимлари, қишлоқ жойлар ва бошқалар);

- тиббий – географик тадқиқотлар ва уларнинг долзарблигини этарлича баҳоланмаслик ва х.к.

Мазкур муаммоларнинг ҳар бири сотсиал географияни тўла шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

3.2. Сервис географияси.

Сервис географияси ёки бошқача қилиб айтганда, аҳолига хизмат кўрсатиш сохалари географияси ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий география фанининг нисбатан кам ўрганилган сохаларидан биридир. Мазкур илмий йўналишнинг шаклланиши ва ривожланиши, география фанлари таркибидан ўрин олиши асосан собиқ иттифоқ даврига тўғри келади. Бинобарин, сервис яъни аҳолига хизмат кўрсатиш сохалари географияси ўқув предмети сифатида ўтган асрнинг 60 – йилларидан бошлаб собиқ иттифоқ олий таълим география йўналишларида ўқитила бошланган эди.

Сервис географиясининг **тадқиқот объекти** – бу, аҳолига хизмат кўрсатиш муассасалари тўри ва уларнинг ҳудудий таркиби ҳисобланади.

Сервис географиясининг **тадқиқот предмети** эса аҳолига хизмат кўрсатиш муассасаларининг ҳудудий тизимларини шаклланиши ва ривожланишини илмий тадқиқ қилиш билан белгиланади.

Бинобарин, сервис ёки аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясининг география фанлари тизимида тутган ўрни ва предмети хусусида А.И.Алексеев ва бошқалар қуйидагича таъриф беришган: *“Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси ижтимоий - иқтисодий географиянинг ўзига хос тармоғи бўлиб, хизматларга бўлган эҳтиёжлар ва уларнинг қондирилиши даражасидаги ҳудудий тафовутлар ва шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаларини табиий ижтимоий, иқтисодий, демографик ҳамда турлича аҳоли жойлашуви шаклларида ҳудудий ташкил этилиши масалаларини ўрганади”*.

Инсон жамиятда яшар экан, меҳнат тақсимооти ва унинг ихтисослашувини чуқурлашиши, эҳтиёжларнинг ўсиб бориши шароитида турли истеъмол предметлари (буюмлари) билан бир қаторда унга жамият томонидан тўлов эвазига ёки "бепул" тақдим этиладиган (миллий даромад ҳисобига яратиладиган ва давлат томонидан тақсимланадиган, ижтимоий фондлардан амалга ошириладиган) хилма-хил хизматларга эҳтиёж сезади.

Хизматлар – бу, муайян шахс - индивидуал буюртмачи, мижоз, шу хизмат истеъмолчиси эҳтиёжларини (талабини) бевосита қондиришга қаратилган меҳнатдир.

Хизмат "соф кўриниш"да кўрсатилади (шифокорлар, ҳуқуқшунос қабули, кутубхоначи, сотувчи, офитсиант ва ҳоказолар хизмати) ёки "буюм" шаклида (буюртма бўйича кийим, пояфзал, мебел тайёрлаш ёки бу каби буюмларни, шунингдек турли маиший техника ва ҳоказоларни таъмирлаш) бўлади.

Биринчи ҳолда ҳолига хизмат кўрсатиш бўйича фаолият "ноишлаб чиқариш" соҳасига тегишли, иккинчи ҳолатда хизмат моддий ишлаб чиқариш соҳасига киради, бироқ айнан хизмат бўлиб қолади, чунки иш умумий савдо тармоғига тушадиган оммавий саноат маҳсулоти шаклида эмас, балки индивидуал топшириқ бўйича бажарилади (масалан, ўлчов, андоза асосида кийим тикиш, аниқ буюмларни ремонт қилиш ва ҳоказолар).

Демак, хизмат кўрсатишнинг таркибига халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш соҳасини ҳамда ҳар бир мамлакат, ҳар бир раён моддий ишлаб чиқариш соҳасининг унчалик катта бўлмаган, бироқ истеъмолчи учун сезиларли қисми киритилади. Халқ истеъмоли даражаси турли истеъмол товарларини ишлаб чиқариш кўлами каби, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми билан ҳам боғлиқ.

Хизматалар соҳаси муассасалари ва корхоналари йиғиндисини баъзан жамиятнинг **ижтимоий инфратузилмаси** деб аташади. Бундан кўринадики, бу тушунчаларни синоним сифатида қараш унчалик катта хатолик бўлмайди. Инфратузилма деганда, одатда, "моддий буюмлар ишлаб чиқаришга бевосита тегишли бўлмаган, бироқ ишлаб чиқариш жараёни учун (ишлаб чиқариш инфратузилмаси - транспорт, алоқа, энергия таъминоти, сув таъминоти тармоқлари ва ҳоказолар) ҳамда аҳоли кундалик ҳаётини таъминлаш учун (ижтимоий инфратузилма - соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ҳоказолар) зарурий бинолар, иншоотлар, тармоқ ва тизимлар йиғиндиси" тушунилади.

Ижтимоий хизматлар жамиятнинг ҳар бир аъзосига давлат, турли ижтимоий ташкилотлар ва бирлашмалар, шунингдек хусусий тартибда - муайян хизмат турига ихтисослашган алоҳида шахслар ёки фирмалар томонидан кўрсатилиши мумкин.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари таркиби бўйича олимлар орасида яқдил қарашлар мавжуд эмас. Шу сабабдан, махсус адабётларда ушбу соҳани яхлит ҳосил қиладиган хизматлар тури ёки тармоқларининг бир қанча фарқли рўйхатларини кўриш мумкин.

Хизматлар соҳаси таркиби масалалари бўйича соҳа иқтисодчилари орасида турлича қарашлар мавжуд ва улар асосан қуйидагилардан иборат: а) савдо ва умумий овқатланиш, улар "моддий ишлаб чиқариш жараёнининг давоми ва унинг бир қисми; б) йўловчи транспорти ва алоқа (инфратузилманинг муҳим элементлари, бироқ кўп жихатдан

ижтимоийга қараганда ишлаб чиқариш инфратузилмаси); в) ўқув-тарбия муассасаларининг барча турлари; г) давлат аппарати (бошқаруви) ва ижтимоий муассасалари. Турли нуқтаи назарлар оммавий ахборот воситаларининг хизматлар соҳасига кириш-кирмаслиги бўйича ҳам мавжуд.

Савдо халқ хўжалигининг муҳим, тақсимлаш вазифасини бажарувчи алоҳида тармоғи ҳисобланади. Бироқ ундаги барча ишловчиларнинг атиги 20 % улгуржи савдода банд, 80 % эса "дўкон ишчилари" истеъмолчиларга бевосита юзма-юз хизмат кўрсатувчи чакана савдо ходимларидир. Демак, чакана савдони тўлиқ хизматлар соҳасига киритиш мумкин (баъзилар тармоқни тўла ушбу соҳага киритишади, чунки улгуржи ва чакана савдо ўзаро чамбарчас боғлиқдир).

Умумий овқатланиш тармоғи (ошхоналар, буфетлар, кафе, ресторанлар ва хоказолар) ҳам худди шундай хизматлар соҳасига кириб, тайёр таомлар, ярим тайёр маҳсулотлар, ичимликларни ўзига хос шаклда ишлаб чиқариш ҳамда уларни истеъмолчиларга этказишни амалга оширади.

Жамоат транспортининг барча турлари - темир йўл, сув, автомобил, ҳаво транспортида йўловчи ташиш, шубҳасиз аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг бир қисмини ташкил этади, демакки, транспорт соҳаси ишчиларнинг мос равишда унинг асосий фондларининг бир қисмини хизматлар соҳасига киритишга барча асослар бор. Бундай ҳолат алоқа тармоғига ҳам тегишли. Лекин, транспортнинг бевосита моддий ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи бўғини ҳам мавжуд.

Халқ таълимининг барча муассасаларини икки қисмга ажратиш мумкин: умумтаълим (мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари) ва касбий тайёргарлик берувчи (литсей, касб-ҳунар таълими ва ОЎЮлари). Айримлар буларнинг иккаласини ҳам хизматлар соҳасига киритиш мумкин деб ҳисоблашади. Бошқалар эса, ушбу соҳага фақат мактаблар ва боғчаларни киритиш, бутун касбий тайёргарликни, яъни мутахассисларни тайёрлашни эса ноишлаб чиқариш соҳасининг алоҳида муҳим қисми сифатида (хизматлар соҳаси билан бир қаторда, бироқ унинг таркибида эмас) қаралади.

Ноишлаб чиқариш соҳаси

Хизматлар кўрсатиш соҳаси	Оммавий ахборот воситалари	Маънавий кадриятлар		Малакали мутахассислар тайёрлаш	Давлат бошқаруви
		Саънат	Фан		
1	2	3	4	5	
Моддий ишлаб чиқариш					

1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасининг халқ хўжалигида тутган ўрни.

1- хизматлар соҳасидаги моддий ишлаб чиқариш (савдо ва умумий овқатланиш, кийим, пояфзал тикиш ва таъмирлаш, хўжалик буюмлари, маиший техника, шахсий автотранспорт, квартира ва хоказоларни таъмирлаш);

2- оммавий ахборот воситалари;

3- музейлар, театрлар ва хоказолар қошидаги устахоналардаги ишлаб чиқариш;

4- илмий тадқиқот институтлари устахоналари, тажрибаларидаги ишлаб чиқариш;

5- олий ўқув юртлари, коллежлар қошидаги устахоналар, тажриба хоналаридаги ишлаб чиқариш.

Давлат аппаратининг ноишлаб чиқариш соҳасидаги ўрнига келсак, унинг роли ва функцияси шундаки, уни “бутунлай” хизматлар соҳасига киритиш мумкин. Ушбу соҳага, масалан милитсия ва суд органлари фаолиятини (фуқароларнинг конституцион ҳуқуқини ҳимоя қилиш), нотариат ишини ва бошқаларни киритиш мумкин. Бироқ қолган барчасида давлат органлари алоҳида шахсларга эмас, балки бутун жамиятга - унинг ривожланиши ва ҳаёт фаолиятини, давлат хавфсизлигини таъминлашга хизмат кўрсатади (шу сабабли бу категорияга армияни ҳам киритиш мумкин).

Оммавий ахборот воситаларига келсак, улар аҳолининг ахборотга бўлган талабига

хизмат кўрсатиш ва маданий эҳтиёжларини қондириш бўйича муҳим вазифаларни бажариб, янада кенгрок умумдавлат аҳамиятига эга, хусусан жамиятнинг бутун моддий ва маънавий ҳаётини, ошкоралик ва демократия шароитида ижтимоий фикрни акс эттиради. Шу боисдан уларни ишлаб чиқариш соҳасининг алоҳида “блок” и сифатида, хизматлар соҳаси билан бир “қатор”да ҳамда у билан чамбарчас алоқада қараш тўғрироқ бўлади.

Мамлакатда аҳолига хизмат кўрсатишнинг барча турлари ва тармоқларининг жойланиши ва замонавий ҳолатини батафсил ўрганишга асосланган, яъни бутун хизмат кўрсатиш соҳаларини турли даражаларда - ҳар бир шаҳар ва қишлоқ туманидан бутун мамлакат даражасигача – комплекс мутаносиб ривожлантиришни ҳудудий таҳлил этишни илмий асослаш - иқтисодий ва ижтимоий географиянинг (ва қисман шаҳарсозлик ва раён планировкасини) тадқиқот доирасига киради.

Сервис географиясининг фанлар тизимида тутган ўрни ва алоқалари

Сервис географияси замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ўзига хос тармоқларидан биридир. У бевосита инсон, яъни аҳоли, унинг хизматларга бўлган турли – туман эҳтиёжлари, хизмат кўрсатиш соҳалари ва уларнинг корхона ҳамда муассасалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Сервис ёки бошқача қилиб айтганда, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясининг фанлар тизимида тутган ўрни ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Аксарият тадқиқотчилар уни соф хизматлар соҳасига мансуб десалар, баъзи олимлар хизматлар комплексидан бир қисмини (масалан, транспорт – ҳам аҳолига хизмат кўрсатади, ҳам ишлаб чиқаришга, савдо – ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми сифатида) моддий ишлаб чиқаришга тааллуқли деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон иқтисодий географиясининг йирик вакилларида бири – профессор А.С.Солиев (1994 й.) аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини, унинг бир вақтнинг ўзида ҳам моддий, ҳам ишлаб чиқариш характеридан келиб чиқиб, иқтисодий ва ижтимоий географиянинг 2 блоки – ижтимоий-иқтисодий география туркумига киритган эди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси бўйича салмоқли тадқиқотлар собиқ Иттифок даврида кўпроқ амалга оширилган. Бунда яна шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий ва ижтимоий географиянинг бошқа тармоқларига (масалан, аҳоли ёки қишлоқ хўжалиги географиясига) нисбатан бу соҳода бажарилган илмий ишлар кўламини катта деб бўлмайди. Ўзбекистонда эса хизматлар соҳаси асосан соҳа иқтисодчилари томонидан ўрганилган ишлар мавжуд, айтиш жоизки улар ҳам кўп сонли эмас.

Иқтисодий географик жиҳатдан сервис соҳаларини ҳудудий ташкил қилиш ва ривожлантириш масалаларини чуқур ўрганган олимлар қаторига қуйидагилар киритилади - Бурян А.П., Меркушева Л.А., Чепкасов П.Н. (География сотсиальной инфраструктуры Урала. Учеб. пособие. Перм, 1984), Абрамов М.А. (География сервиса (Сфера обслуживания).- М.:Мысл, 1985), Алексеев А.И., Ковалев С.А., Ткаченко А.А. (География сферы обслуживания. Учеб. пособие. Калинин, 1988), Меркушева Л.А. (География сферы обслуживания (Теория и методология). Красноярск, 1989), Абдурашидов А. (Сфера обслуживания в Узбекистане. Т., 1989), хорижий олимлардан Лёш А. (Географическое размещение хозяйства. М., 1959), Кристаллер В. (Жанубий Германиянинг марказий жойлари, 1926) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мустақиллик йилларида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини географик ўрганишга тааллуқли пионер ишлардан бири, бу 1996 йили М.И.Назаров томонидан амалга оширилган. Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон (Наманган вилояти) қишлоқ жойлари мисолида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланишининг географик жиҳатлари ўрганилган.

Мамлакат халқ хўжалиги ва жамият ҳаётида хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўрни

Хизматлар соҳасини аҳолини ривожланиши ва ҳаёт фаолияти учун зарурий барча хизматлар мажмуини таъминлаш каби функцияларни бирлаштиривчи тизим сифатида қараш мумкин, ушбу тизим бўғинларидан ҳар бири бошқасини тўлдиради. Хизматлар соҳасининг

ижтимоий аҳамияти, энг аввало, унинг аҳоли ривожланиши ва ҳаёт фаолиятини таъминлаш, унинг турмуш даражасини ошириш, шахснинг уйғун ривожланишига шароит яратишдан иборат.

Жамиятнинг асосий ижтимоий вазифаларининг барчаси хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришни талаб этади. Бу аҳолининг яшаш ва меҳнат шароитларини янада яхшилаш, жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини тўлароқ амалга ошириш, турли ижтимоий гуруҳлар, мамлакат турли раёнлари аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш, шаҳар ва қишлоқлар орасидаги сезиларли тафовутларни бартараф этиш элементларидан бири ҳисобланади.

Бу каби ижтимоий вазифаларни, ҳал этишда шу нарса муҳимки, ижтимоий **хизмат кўрсатиш даражаси** билан аҳолининг **вақт бюджети** чамбарчас боғлиқдир. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизматлар, йўловчи транспорти каби тармоқлар яхши ишлаган ҳолатда ишчиларнинг маиший эҳтиёжларга сарфлайдиган вақтларини сезиларли қисқартириш ва шунга мос равишда уларнинг бўш вақтлари фондиди ошириш имконини беради. Мутахассилар кишиларнинг бўш вақтини "жамиятнинг ҳақиқий бойлиги" сифатида қарайдилар. Ижтимоий хизматлар фақатгина бўш вақтни кўпайтириб қолмасдан, балки ундан тўлиқ фойдаланиш (маданий-маърифий хизматлар турларини ижтимоий тарбия ва спорт, туризм ва ҳоказолар барча турларини ривожлантириш эвазига) имконини беради.

Уй хўжалигидаги вақт сарфига турли йўналишдаги омиллар таъсир кўрсатади. Бир томондан, турар-жойлардаги қулайликлар даражаси ошиб бормоқда (аҳолининг асосий қисмини ёқилги тайёрлаш ва уйларни иситиш, сув ташиш ва ҳоказолардан озод қилади), уй меҳнатининг техник юкланганлиги ошмоқда, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар миқдори кўпаймоқда ва уларнинг сифати тобора яхшиланмоқда (бу ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ҳиссини камайтиради). Бошқа томондан, оилаларнинг (катта мураккаб, 3-4 авлодли оилаларнинг камайиши ҳамда кичик ва оддий, бир ва икки авлодли оилаларнинг кўпайиши), моддий эҳтиёжларнинг ўсиши (озиқ-овқатлар таркиби, комфортга талабларнинг ошиши), узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланишнинг ошиши (яъни таъмирталаб буюмлар сонининг ошиши ҳам), турар-жой майдонларининг кўпайиши уй хўжалигига вақт сарфини оширишни келтириб чиқаради. Натижада умумий вақт сарфини жуда секин камаяди. Аёлларда овқат тайёрлаш ва уй ишларига, яъни айнан хизмат кўрсатиш соҳалари етарлича ривожланган шароитда уларга кетадиган вақтни анча камайтириш мумкин бўлган (умумий овқатланиш, ярим тайёр маҳсулотлар савдоси, турар-жойлар таъмири ва йиғиштириш хизматлари ва ҳоказолар). Кўришиб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиш хусусияти ва даражаси маълум даражада аҳолининг турмуш тарзини белгилаб берувчи ҳаётининг муҳим шартидир. Чунки хизматлар соҳасининг ривожланиш турлича турмуш тарзи кўпайишига олиб келади. Масалан, қишлоқ жойларда турмуш шароити шаҳардагига қараганда оғирроқ, инсон хулқ-атворини табақалаштиради: кўпчилик қишлоқ аҳолиси ўз индивидуал ҳислатларига қарамай, ёқилги тайёрлаш, сув ташиш, уйни таъмирлаш, шахсий томорқа хўжалигини юритиш кабиларга мажбур бўлади. Кўпчилик шаҳарликларда эса бундай зарурият йўқ, умуман улар кенг имкониятларга эга, масалан уйда ёки қисман умумий овқатланиш жойларида овқатланиш, кийим-кечакларини ўзи ювиш ёки кирхонага бериш ва ҳоказолар хизматлар тури қанча кўп ва уларни сифати қанча юқори бўлса, инсонда танлов имконияти шунчалик кўп бўлади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий аҳамияти шу билан белгиланадики, унинг хизматсиз моддий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай тармоғи ишчиларининг ишлаб чиқариш меҳнати самараси ҳам бўлмас эди. У ишчи кучи ва бутун аҳолининг, яъни янги ишчилар авлодининг такрор барпо бўлишида катнашади, бу айниқса, уй-жой хизмати, савдо ва умумий овқатланиш, болаларни тарбиялаш ва таълим бериш, тиббий хизмат каби тармоқларда кўринади.

Хизматларнинг ривожланиш даражаси яъни улар турларининг тўлиқлиги, сифати ва арзонлиги моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг, яъни мамлакат миллий даромади ва миллий бойлигини яратувчиларнинг меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Ишчи ва унинг оиласи аҳволи, иш жойигача қанча вақт, жисмоний ва руҳий куч сарфлаши, шундан кейин унинг қанчалик мароқли дам олиши, ўз вақтида овқатланиши кабиларга унинг меҳнат унумдорлиги боғлиқдир. Соғлиқни сақлаш каби тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги яққол сезиларлидир. Масалан, даволаш самарадорлигини ошириш, касалликларни ўз вақтида профилактика қилиш, гигиена қоидаларига риоя этиш, жисмоний маданиятни ривожлантириш натижасида касалланишни атиги 10% га камайтириш йилига катта миқдордаги маблағларни тежаш имконини беради.

Хизматлар соҳаси меҳнат ресурсларини талаб этиш билан бир вақтда боласи бўлган кўплаб аёлларни ишлаб чиқаришга жалб этишга имконият яратади (хусусан мактабгача болалар муассасалари орқали аҳолига хизмат кўрсатилганда).

Назорат саволлари ва топшириқлар:

Социал географиянинг тадқиқот объекти ва предмети, фанлар тизимида тутган ўрнини аниқланг.

Социал географиянинг ривожланиш босқичларини тавсифланг.

Социал географик тадқиқотларнинг илмий-амалий аҳамиятини тушунтиринг.

Сервис ёки хизмат кўрсатиш соҳалари географиясининг тадқиқот объекти ва предмети, география фанлари тизимида тутган ўрнини аниқланг.

Сервис географик тадқиқотлар ва уларнинг илмий-амалий аҳамиятини тушунтиринг.

4-амалий машғулот:

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва минтақавий иқтисодий сиёсат масалалари

1. Минтақавий иқтисодий сиёсат ва унинг географик хусусиятлари.
2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш.

1. Минтақавий иқтисодий сиёсат ва унинг географик хусусиятлари.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ҳозирги вазият ҳамда бозор муносабатларига ўтиш жараёни хўжалиқни ривожлантиришнинг янги ва устивор йуналишларини излаб топишни талаб қилади. Ҳозирги кунда Республика мустақил давлат сифатида ўз ички сиёсатига, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш буйича илмий жиҳатдан асосланган концепциясига эга. Айтиш мумкин бундай ички сиёсат ҳар бир ҳудуднинг ҳолатини, табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларини ҳисобга олган ҳолда минтақавий табақалаштириш асосида шаклланиши зарур.

Ривожланган ҳамда энди ривожланаётган хорижий мамлакатларда минтақавий тараққиётнинг озми-кўпми аниқ ишлаб чиқилган мақсад ва вазифалари, сабаб ва муаммоларни ҳал этиш йуллари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Назаримизда, хорижий мамлакатлар, аввало **"ривожланган"** давлатларнинг минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибасини танқидий ўрганиш ва қўллаш Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришда катта аҳамият касб этади.

Лотин Америкаси, Африка ва Осиё мамлакатларида БМТнинг нуфузли комиссиялари ва экспертлари ёрдамида дунёнинг илғор давлатларида ишлаб чиқилган илмий концепцияларни татбиқ этиш йули билан иқтисодни давлат томонидан йулга солиш, хўжаликнинг мустамлакачилик давридан мерос бўлиб қолган яроқсиз тузилмасини тугатиш ҳамда ҳудудий ривожлантиришни махсус тузилган дастурлар ёрдамида бошқариш борасида муайян муваффақиятларга эришилган. Худди шундай вазифа бизнинг республикамиз олдида ҳам кўндаланг бўлиб турибди.

Минтақавий тараққиётни дастурлаштириш амалиёти билан танишув жараёни шуни кўрсатадики, ҳудудий режалаштириш ва истиқболни белгилаш мақсадида тузилган иқтисодий ривожлантиришнинг мавжуд илмий асосланган тартиботи минтақавий сиёсат ўтказиш учун асос ҳамда ишончли восита бўлиб хизмат қилади

Ҳар бир мамлакат ўзининг турли йўналишдаги сиёсатини амалга ошириб боради. Бу унинг мустақил, суверен давлат эканлигини энг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Сиёсат эса субъектнинг у ёки бу масалага (объектга) нисбатан тутган йул-йўриқларини кўрсатма ва тадбирларни мажмуасидир.

Сиёсат турлари ҳам кўп. Одатда сиёсат деганда кўпроқ, сиёсий масалалар кўз олдимизга келади. Ваҳоланки, бу фақат "сиёсий сиёсатдир", аслида эса сиёсатнинг турлари хилма хил. Масалан, давлат ёки оила бошлиғининг ўз қўшниларига, ички ва ташқи аҳволига, иқтисодиётига, ижтимоий ҳаётига, фан-техникаси каби масалаларга маълум бир йўналиш ва мақсаддаги бош принцип ва муносабатлари бўлади. Бу муносабатлар субъект, яъни бошқарувчи томонидан босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиб борилади. Бизнинг мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш даврининг 5 асосий тамойиллари орасида давлатнинг бош ислохотчи эканлиги таъкидланган. Демак, демократик жамият куриш, халқ турмуш шароитини яхшилаш, мамлакатнинг жаҳон жамиятидаги мавқеини мустаҳкамлаш каби туб масалалар давлат томонидан белгиланади ва ҳал этилади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланишнинг пировард натижалари, стратегияси ижтимоий (социал) мақсадларга йўналтирилган. Бинобарин, восита, йўналиш иқтисодиёт бўлса, унинг мақсади ижтимоий жабҳалар, аҳолининг яшаш шароити ва даражасини яхшилаб беришдан иборатдир.

Шу ўринда иқтисодий сиёсатнинг аввалги сиёсий иқтисоддан фарқини англаб олиш зарур. Сиёсий иқтисод эндиги шароитда йўқ, чунки давлатимизнинг сиёсатида иқтисод сиёсатдан ажратилган. Аслида эса, юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий иқтисод бор, холос. Сабаби - иқтисодий сиёсатнинг асосий моҳият ва мақсади ижтимоий жабҳалардир.

Шундай қилиб, сиёсатнинг турлари ҳар хил: у ички ва ташқи, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли йўналишларига бағишланган бўлади. Бу борада энг аввало

иқтисодий, ижтимоий, фан-техника сиёсатини ажратиш мумкин. Иқтисодий сиёсат ўз навбатида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт сиёсатларига, ижтимоий сиёсат эса аҳоли, унинг такрор барпо бўлиши ва миграция, демографик, турли ёшдаги кишиларга, оилага бўлган давлатнинг расмий равишда амалга ошираётган тадбирларидан ташкил топади. Шунингдек, ижтимоий сиёсат таълим-тарбия, тил, саломатлик, экологик муаммолар, кадрларни тайёрлаш масалаларини ҳам ўз камровига олади. Аммо ҳар қандай сиёсатни, айниқса давлат аҳамиятига мансуб сиёсатларни майда **"сиёсатчаларга"** бўлиб юбориш яхши эмас. Тўғри, саноатда, масалан ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалигида дон мустақиллиги, транспортда-ички ягона транспорт йуллари тизимини барпо этиш сингари масалалар муҳим ва долзарб, бинобарин, улар давлат сиёсати доирасида кўриниши мумкин. Бироқ масалаларни, янада парчалаб юбориш мақсадга мувофиқ, бўлмаса керак. Хўш, чегара қаерда, қайси даражада тўхташи керак. Уйлаймизки, бу масаланинг моҳияти ва мураккаблиги, унга сарфланадиган вақт моддий ва молиявий харажатлар кўлами билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай сиёсат ўзининг таркибий қисми ва уни босқичма-босқич ҳал этиш йўлларини ифодаловчи махсус дастурларга эга бўлиши шарт. Албатта, турли вилоят ва туман раҳбарларининг, вазирликларининг ўзларига тегишли масалаларга сиёсатлари (аниқроғи муносабатлари) бўлиши муқаррар. Лекин бу тоифадаги муаммоларни давлат даражасидаги сиёсат, деб юритиш нодурустдир. Сиёсат маълум мақсадга қаратилган ва шу бош мақсадга эришиш йўлидаги муаммо ва "муаммочаларни" ҳал этиш, муайян соҳани такомиллаштириб бориш ва уни тизим сифатида бошқаришни назарда тутати.

Биз аввалроқ сиёсатни (давлат сиёсатини) ички ва ташқи сиёсатга бўлинишини таъкидлаган эдик. Ташқи сиёсат ҳам мураккаб бўлиб, у ўз доирасига халқаро муносабатлар, географик масалалар, иқтисодий, маданий, фан-техника алоқаларини олади. Шубҳасиз буларнинг ичида сиёсий масалалар, яъни "сиёсий сиёсат" асосий ўринни эгаллайди. Чунки, давлатлар орасида тўғри, осойишталик, ҳамдўстлик муносабатлар ўрнатилгандагина, қолган бошқа масалаларга йўл очилади. Ана шу маънода, фақат ана шу соҳада сиёсатни иқтисоддан юқори қўйиш мумкин, қолган барча ҳолларда, хусусан мамлакат ички ҳаётида иқтисод сиёсатдан устун ва устивордир. Аммо шунини таъкидлаш лозимки, халқаро (давлатлараро) сиёсий муносабатлар негизида ҳам иқтисодий масалалар ётади.

Ички сиёсат - бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришдан иборатдир. У ўз навбатида соҳавий ва ҳудудий бўлади. Сабаби ҳар қандай воқеа ёки ходиса албатта қаердадир, маълум бир маконда содир бўлади. Шу маънода у ёки

бу муаммони муайян ҳудуд, географик муҳитдан ажралган холда, муаллақ қараш нотўғридир.

Соҳавий сиёсатларга иқтисодий, ижтимоий, фан-техника йўналишлари киритилади. Ўз навбатида уларнинг ҳам пастроқ ва аниқроқ даражадаги сиёсатларга бўлинишини ҳам айтиб ўтган эдик. Ҳудудий сиёсатларга келсак, у ўз моҳиятига кўра мураккаброқ, юқоридаги барча масалаларни қамраб олувчи сиёсатдир.

Бирок, "худудий сиёсат" тушунчасини тўғри тушуниш керак. Бу ерда соҳавий сиёсатларга ўхшаб, у ёки бу тармоқни ривожлантириш каби масалалар худудни (географик маънода) кенгайтириш йўналишида қараш мутлақо нотўғри ва зарарлидир. Шу боис мазкур тушунчани минтақавий сиёсат шаклида талқин қилиш маъқулроқдир. Аммо бу тушунчага ҳам географлар эътироз билдиришлари мумкин. Сабаби географияда минтақа (пояс) маълум бир табиий компонентларни тасмасимон жойланишини англатади (масалан иқлим минтақалари). Бизнинг иқтисодий соҳада бундай шакллар мавжуд эмас. Ана шуларни эътиборга олиб, худудий иқтисод ёки сиёсат эмас, балки минтақавий иқтисодиёт ёки минтақавий сиёсат ибораларини қўллаш маъқулроқдир.

Шундай қилиб минтақавий сиёсат у ёки бу худудни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига қаратилган бўлади. Бундай сиёсатни эса махсус, аниқ мақсадга йўналтирилган дастур орқали амалга оширилади. Дастурда асосий масала ва унинг ички қисмлари очиб берилади, муаммоларини ечими босқичма-босқич тасвирланади, тегишли моддий, молиявий, ташкилий масала ва имкониятлар билан асослаб берилади. Худди шундай минтақавий дастур Наманган вилояти учун қабул қилинган (1998-2000 йиллар).

Минтақавий сиёсатнинг объекти турли хил бўлиши мумкин. Чунончи, давлатнинг айрим худудлар-иқтисодий ривожланиш масалалари ёки турли табиий географик минтақаларининг (чўл, тоғ ва тоғ олди районлар, дарё ҳавзалари, Орол бўйи минтақаси ва ҳ,к) муаммоларини ечиш минтақавий сиёсат доирасида бошқарилади.

Табиийки, ҳамма жойни бир вақтнинг ўзида бирдай юқори даражада ривожлантириш қийин, бунинг учун ҳамма вақт ҳам, моддий-молиявий имкониятлар ҳам мавжуд эмас. Бинобарин, минтақавий сиёсат навбатма-навбат, алоҳида вилоят ва шаҳарлар ёки географик район доирасида олиб борилади. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда ҳам устувор, ривожланиши мумкин ва зарур бўлган худудлар ажратиб олинади ва бор имкониятлар вақтинча фақат айнан шу масалага қаратилади. Қуйида мамлакатимиз минтақавий сиёсатининг асосий мақсад ва вазифалари ўз аксини топган:

* иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг бирёқлама аграр - хомашё тузулмасини тугатиш.

* маҳаллий табиат захиралари ва меҳнат манбаларидан имкон қадар тўла ва самарали фойдаланиш.

* ишлаб чиқарувчи кучларни районлараро оқилона жойлаштириш.

* минтақавий номуносибликларни юмшатиш ҳамда алоҳида (қишлоқ хўжалиги билан) минтақаларнинг иқтисодийетини юксалтириш.

* аҳоли турмуш даражасидаги ижтимоий-худудий тафовутларни тенглаштириш.

* шаҳарлар кенгайиши ҳамда шаҳарлашув жараёнини йулга солиш.

* экологик муаммоларни ҳал этиш ва самарали демографик сиёсатни амалга ошириш.

* республиканинг турли қисмларидаги ишлаб чиқарувчи кучларни ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантириш худудий иқтисодий яхлитликни таъминлаш.

* маъмурий-худудий тузилишнинг барқарорлигини ошириш.

Турли мавқеидаги (жумладан кичик ва қўшма) корхоналарни уйғунлаштириш, хўжаликларни тор иқтисодий ихтисослашуви ва аграр-хом ашё йуналишини бартараф этиш, иқтисодийетни ижтимоий жиҳатдан кескин қайта белгилаб олиш, ишлаб чиқаришни экологик ҳолатини яхшилаш ва барча худудларда жамоат турмушини бирдек оқилона йулга солиш ишлари республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий мезонлари бўлиб қолиши керак.

Ўзбекистан Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида тезроқ натижа берадиган асосий соҳа ва районларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, таниқли француз иқтисодчиси Ф. Перру ёзганидек, "Иқтисодий ўсиш бир вақтнинг ўзида ва жойларда эмас, балки турли даражадаги жадалликларга эга бўлган ўсиш кутбларида намоён бўлади". Шундай экан анъанавий ва том маънодаги тенглаштириш сиёсатидан воз кечиш зарур. Чунки турли даражадаги худудий нотекикликлар минтақавий тараққиёт омили бўлиб хизмат қилади. Шу боис, "тенглаштириш тўғрисида гап борар экан, аввало ижтимоий соҳадаги, аҳоли турмуш даражасидаги тенглик назарда тутилади, ҳаёт кечириш шароитлари, муҳити эса доим худудий табақалашган бўлиб қолаверади.

Ҳозирги вақтда тез ва соз самара олиш учун қаерда ва нима барпо қилиш керак, деган муаммо кўндаланг турибди. Ўз-ўзидан маълумки, асосий кучни қувват ва маблағни, жумладан давлат маблағини энг олд соҳалар ва районларни ривожлантиришга сарфлаш зарур.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, етарлича ривожланмаган худудларнинг аҳволини яхшилаш, муаммоларини ечишнинг турлича усуллари ва йўллари мавжуд.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудий тузилмасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, республикада ривожланган районлар билан бир қаторда уларга нисбатан қолоқ ҳамда муаммоли районлар ҳам мавжуд (бу республика миқёсида узоқ йиллар давом этган ўта паст даража умумривожланишнинг ҳосиласи эканлигини эслатиб қўймоқчимиз!). Турган гапки, районларнинг "томир уриши" бир хил эмас ва ўз-ўзидан аёнки, уларнинг ҳар бирига ўзига хос, алоҳида ёндашув зарур.

2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш.

Ишлаб чиқариш кучлари тушунчаси кенг қамровли бўлиб, ўз ичига ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи (инсон) ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларини қамраб олади. Иқтисодий географик жиҳатдан ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда деганда, энг аввало турли тармоқлар, соҳалар, алоҳида олинган ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ва ривожлантириш билан боғлиқ жараёнларнинг ҳудудий жиҳатлари, қонуниятлари тушунилади.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ва умуман олганда, ҳар қандай тадқиқот объекти доирасига кирган воқеа ҳодисаларни муайян бир маконда – ҳудудда тутган ўрни (жойлашуви, жойлаштириш) масаласи иқтисодий-ижтимоий географик тадқиқотларнинг бош талабларидан биридир.

Савол ва топшириқлар

Минтақавий сиёсатнинг мазмун – моҳиятини тушунтиринг.

Минтақавий сиёсат ва унинг илмий амалий аҳамиятини тушунтиринг.

Минтақавий иқтисодий сиёсат ва унинг географик хусусиятларини аниқланг.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида минтақавий сиёсатнинг роли ва аҳамиятига баҳо беринг.

V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Коментария	Инглиз тилидаги шархи
Ижтимоий география Social geography	– общественная география – совокупность всех географических научных дисциплин, объектом исследования которых является <i>территориальная организация общества</i>	- social geography is the totality of all geographical scientific disciplines, the object of research of which is the territorial organization of society
Сийсий география Political geography	– отрасль общественной географии, изучающая территориально-политические системы (ТПС) в их взаимодействии друг с другом.	a branch of social geography that studies territorial-political systems (TPS) in their interaction with each other.
Саноат мажмуаси Industrial complex	– сочетание взаимосвязанных (технологически, посредством кооперирования или комбинирования производства) промышленных предприятий на определенной, относительно компактной территории (в пределах города или городской агломерации).	a combination of interconnected (technologically, through cooperation or combination of production) industrial enterprises in a certain, relatively compact territory (within a city or urban agglomeration)
Худудий таҳлил territorial analysis	– научное направление в социально-экономической географии, родственное <i>теоретической географии</i> региональной науке (последнюю в РФ относят к региональной экономике и экономической географии). Исследует количественными методами пространственные формы географических явлений (расселения, производства, транспорта).	- scientific direction in socio-economic geography, akin to theoretical geography and regional science (the latter in the Russian Federation is referred to as regional economy and economic geography). Explores by quantitative methods the spatial forms of geographic phenomena (settlement, production, transport)
Минтақавий сийсат Regional policy	– законодательно оформленная система государственных мер, непосредственно направленная на решение задач комплексного развития регионов страны с помощью перераспределения ресурсов между регионами; в широком смысле – региональный срез всей внутренней политики государства.	- a legislatively formalized system of state measures, directly aimed at solving the problems of integrated development of the country's regions through the redistribution of resources between regions; in a broad sense, a regional cut of the entire internal policy of the state
Қишлоқ аҳоли жойлашуви Rural settlement	– форма территориальной организации населения на внегородских территориях в виде совокупности <i>сельских поселений</i> различных типов. С. р отличается от городского меньшей людностью поселений и большей густотой их	the form of the territorial organization of the population in non-urban areas in the form of a set of rural settlements of various types. S. p differs from urban settlements in the lesser population density and the greater density of their network

	сети.	
Тизим-таркиб ёндашуви System-structural approach	– направление методологии научного исследования, в основе которого лежит рассмотрение объекта как целостного множества элементов и совокупности отношений и связей между ними	- direction of scientific research methodology, which is based on the consideration of an object as an integral set of elements and a set of relations and connections between them
Инсон географияси Human geography	– ветвь социально-экономической географии; изучает пространственные процессы и формы организации жизни людей, прежде всего с точки зрения условий труда, быта, отдыха, развития личности и воспроизводства жизни человека, взаимосвязь между различными аспектами человеческой деятельности и их проявлением в пространстве.	- branch of socio-economic geography; studies the spatial processes and forms of organization of human life, primarily from the point of view of working conditions, everyday life, recreation, personality development and reproduction of human life, the relationship between various aspects of human activity and their manifestation in space
Худудий ташкил этиши Territorial organization	– совокупность взаимосвязанных и взаимодействующих в пространстве элементов систем разного иерархического уровня, а также процессов и действий, направленных на поддержание, воспроизводство и развитие отдельных элементов и систем в целом	- a set of interconnected and space-interacting elements of systems of different hierarchical levels, as well as processes and actions aimed at maintaining, reproducing and developing individual elements and systems as a whole
Худудий таркиб Territorial structure	– взаиморасположение, взаимосвязи и взаимодействия пространственно выраженных элементов сложного географического объекта, рассматриваемого как система. Территориальная структура – характеристика любой пространственной системы – экономической, социальной, политической, природной и др.	- mutual arrangement, interconnection and interaction of spatially expressed elements of a complex geographic object, considered as a system. Territorial structure is a characteristic of any spatial system - economic, social, political, natural, etc.
Худудий меҳнат тақсимоти The territorial division of labor	– вид <i>географического разделения труда</i> , специализация отдельных районов и центров на производстве определенных видов товаров и услуг, предназначенных для реализации за их пределами	- type of geographical division of labor, specialization of certain regions and centers in the production of certain types of goods and services intended for sale outside of them
Агросаноат интеграцияси Agroindustrial integration	- технологическое и организационное объединение первичного, вторичного и третичного секторов экономики: сельского хозяйства, промышленности, транспорта, торговли и других отраслей нематериального производства, результатом которого является формирование аграрно-промышленных комплексов (АПК)	- technological and organizational unification of the primary, secondary and tertiary sectors of the economy: agriculture, industry, transport, trade and other sectors of non-material production, the result of which is the formation of agro-industrial complexes (AIC)

Аҳоли population	– совокупность людей, проживающих на определенной территории. Оба термина появились в России в начале XIX в. «народонаселение» стало книжным, а речевым–его облегченный аналог «население»	- a set of people living in a certain area. Both terms appeared in Russia at the beginning of the 19th century. "Population" became bookish, and speech became its lightweight analogue "population"
Инфраструктура Infrastructure	– совокупность расположенных на определенной территории сооружений, зданий, систем и служб, необходимых для функционирования и развития материального производства и обеспечения повседневной жизни населения	- a set of structures, buildings, systems and services located on a certain territory, necessary for the functioning and development of material production and ensuring the daily life of the population
Географическая экспертиза Geographic expertise	– проверка специалистами - географами проектов, направленных на изменение окружающей среды или способных косвенно повлиять на нее	- verification by geographers of projects aimed at changing the environment or capable of indirectly affecting it
Географическая область Geographical area	– органичная часть пространства Вселенной в границах географической оболочки; фундаментальная категория географии, изучающей пространственно-временные отношения географических объектов	- an organic part of the space of the Universe within the boundaries of the geographic shell; a fundamental category of geography that studies the spatio-temporal relationships of geographic objects
Маданият географияси Geography of Culture	В широком смысле – синоним всей культурной географии, часто используемый в русскоязычной географической литературе	- In a broad sense - a synonym for all cultural geography, often used in Russian-language geographical literature
Геосиёсат Geopolitics	– проблемная научная область, основной задачей которой является фиксация и прогноз пространственных границ различных силовых полей (политических, военных, экономических, цивилизационных, экологических, естественно-ресурсных) преимущественно на глобальном уровне	- a problematic scientific area, the main task of which is to fix and forecast the spatial boundaries of various fields of force (political, military, economic, civilizational, environmental, natural resources) mainly at the global level
Геоурбанистика Geourbanistika	– раздел социально-экономической географии, изучающий городские поселения, их сети и системы, а также процессы урбанизации	- a section of socio-economic geography that studies urban settlements, their networks and systems, and urbanization processes

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий

таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 2002. № 4-5. - 68-модда.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30-сентябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли Фармони.

Ш. Махсус адабиётлар

1. A.S.Soliyev, N.K.Komilova, S.L.Yanchuk, Sh.Z.Jumaxanov, F.T.Rajabov. Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya. Darslik. 2019.

2. Abdunazarov O'.Q., Mirakmalov M.T., Sharipov Sh.M., Ibraimova A.A. Umumiy tabiiy geografiya. Darslik. Toshkent, 2019.

3. Абдурахманов Қ.Х., ва бошқалар. Демография. Дарслик. - Т.: «Fan va texnologiya», 2014.-368 б.

4. Абдурахманов Қ.Х., ва бошқалар. Демография. Дарслик. - Т.: «Fan va texnologiya», 2014.-368 б.

5. Basil Gomez, John Paul Jones. Research Methods in Geography. A Critical Introduction. United Kingdom. Wiley-Blackwell Publishing Ltd. 2010.

6. Colin Flint, Peter J. Taylor. Political Geography: World-economy, Nation-state and Locality. Taylor & Francis, 2012.

7. Dr.S.Harichandan, Dr.Asam Shaik, Mrs. Sujana Sunni. Methodos of teaching geograph. English,2009.– 93p.

8. Elmar Kulke. Wirtschaftsgeographie. Herstellung: 2004, Ferdinand Schoningh, Paderborn. München, Deutschland.

9. Goudie A. Physische Geographfie. Heidelberg, Berlin. Spektrum Akademischer Verlag. 2002.

10. Ibragimova R.A., Mirakmalov M.T. Yer bilimi asoslari. O‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2017. – 186 b.

11. Jennifer Hickes Lundquist, Douglas L. Anderton, David Yaukey. Demography: The Study of Human Population Fourth Edition. - 2014.

12. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.

13. Michael Pacione. Urban Geography: A Global Perspective Kindle Edition. England, 2012.

14. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.

15. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography. Second Edition. SAGE Publications Ltd. London EC1Y1SP. 2010.

16. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

17. Peter Haggett. *Geographie: Eine Globale Synthese*. Verlag Eugen Ulmer, Stuttgart 2004.
18. Rachel Pain. *Introducing Social Geographies*. Routledge, UK, 2001.
19. Richard J. H. *Fundamentals of Geomorphology*. Second Edition. London and New York. Routledge. 2011. – 466.
20. Robert E. Gabler, James F. Petersen, L. Michael Trapasso. *Essentials of Physical Geography*. Thomson Brooks/Cole. Thomson Higher Education 10 Davis Drive Belmont, CA 94002-3098 USA. 2007.
21. Sergey M. Govorushko. *Natural Processes and Human Impacts. Interactions between Humanity and the Environment* Springer Dordrecht Heidelberg London New York Springer Science+Business Media B.V. 2012.
22. Rafiqov A.A., Sharipov Sh.M. *Geoekologiya*. – T.: Universitet. 2017. – 144 b.
23. Soliyev A., Tashtayeva S., Egamberdiyeva M. *Shaharlar geografiyasi*. – T., 2018.
24. Tojiyeva Z. *Aholi geografiyasi. Darslik*. – Toshkent.: “Nodirabegim”, 2019. – 252 b.
25. Vahobov H. *Umumiy Yer bilimi. Darslik*. – T.: Bilim, 2005.
26. Vincent J. Del Casino, Jr. *Social Geography: A Critical Introduction* Wiley-Blackwell, USA. 2009.
27. William Rice. *Moodle E-Learning Course Development - Third Edition*. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
28. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. *Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish*. – Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. - 572b.
29. Zokirov Sh.S., Toshov X.R. *Landshaftshunoslik*. T.: Turon zamin ziyo, 2016.
30. Анохин А.А., Житин Д.В. *География населения с основами демографии: Учебное пособие*. – СПб. Изд-во СПбГУ, 2018. – 279 с.
31. Архангельский В.Н., Зверева Н.В. *Теоретические основы мониторинга региональной социально-демографической политике*. - М.: МАКС Пресс, 2009.-220.
32. Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Зокиров С.С. *Аҳоли географияси демография асослари билан*. – Т.: Тафаккур, 2011. – 159 б.
33. Второв П.В., Дроздов Н.Н. *Биогеография*. – М.: Владос, 2001.
34. *Информационные технологии в педагогическом образовании* / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
35. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. *Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар*. – Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016. – 279б.
36. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. *Информационные системы*. - Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
37. Колбовский Е.Ю. *Ландшафтное планирование: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений* / Е.Ю.Колбовский. – Москва. «Академия», 2008.
38. *Креативная педагогика. Методология, теория, практика*. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.
39. Ласточкин А.Н. *Основы общей теории геосистем. Кн. 1 и 2. Учебное пособие*. Изд-во.Петербургского ун-та. 2016 – 132 с.
40. Маматкулов М. *Ўрта Осиё геоморфологияси*. —Т.: Университет, 2008.

41. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методлар ва амалиёт. – Т.: Камалак, 2013.
42. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. -Новосибирск, 1978.
43. Тожиева З.Н., Дўсмонов Ф.А. Демография. Ўқув қўлланма.–Т.: “Нодирабегим”, 2019.
44. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
45. Ҳасанов И., Ғуломов П.Н., Қаюмов А. Ўзбекистон табиий географияси (2-қисм). Ўқув қўлланма.-Т.: Университет, 2010.

IV. Интернет сайтлар

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2. . <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
3. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
4. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
5. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси